

Бош илмий-методик
марказ

2020

Ўқув-услубий мажмуа



**Кредит модуль тизими
ва ўқув жараёнини
ташкил этиш**

Хабибуллаев Рашид | Т.Ф.Н., Доц.

Топилдиев Вохиджон | Ю.Ф.Н., Проф.

Инназаров Мажид | И.Ф.Ф.Д, PhD.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

Барча йўналишлар учун

**“КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИ ВА ЎҚУВ
ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: **Р.Хабибуллаев** - техника фанлари номзоди, доцент
В.Топилдиев - юридик фанлари номзоди, профессор
М.Инназаров – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Такризчилар: **Ф.М.Зокирова** - педагогика фанлари доктори, профессор
Б.Ш.Усмонов - техника фанлари доктори, доцент

**Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “30” декабрдаги 5/4-сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	16
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	22
IV. АМАЛИЙ МАНБУЛАТ МАТЕРИАЛЛАРИ	89
V. ГЛОССАРИЙ	141
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	147

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олишга, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999-йил 19-июндаги Болонья декларациясига кўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га кўра мамлакатдаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Бу яқин йиллар давомида мамлакатдаги деярли барча олий таълим муассасаларининг кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашидан дарак беради.

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустақкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини

такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ушбу дастурда хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари, кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари, кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти, кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти, таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни, таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари баён этилган.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, фармонлар, қарорлар ва буйруқлар каби норматив ҳужжатлар қўлланилмоқда. Лекин шу кунга қадар таълим ва тарбия жараёнларини субъектлари томонидан ушбу ҳужжатларни амалда қўлланилишининг назарий ва амалий жиҳатлари деярли ўрганилмаган. Бу ҳолатлар олий таълим муассасаларида қўлланиладиган олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асосларини ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этишни долзарблигидан далолат беради

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш, норматив ҳужжатларни қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, шунингдек, уларда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари тўғрисида кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

Модулнинг вазифалари:

- кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методларини таҳлил қилиш;
- кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш;
- кредит-модуль тизимида педагоглар фаолиятини ҳамда ўқув жараёнининг услубий таъминотини таҳлил қилиш;
- олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати сифатида қонун ва қонун ости ҳужжатларини таҳлил этиш;
- тингловчиларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;

- олий таълимга тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш ва уларни ижросини таъминлаш;
- тингловчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

ТИНГЛОВЧИ:

- Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизими (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), университет кредитларини ўтказишнинг Осиё-тинч океани тизими (UCTS) кредит тизими хусусиятларини;
- кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методларини;
- кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминотини тайёрлаш тамойилларини;
- кредит тизими асосида таълим натижаларини баҳолаш усулларини;
- таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмунини;
- таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асосларини;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазмунини;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмунини;
- Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талабларни, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойилларини, ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши;
- кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш;

- кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш;
- кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти ва силлабусни яратиш;
- кредит-модуль тизимида таълим натижаларини (Блум таксономияси асосида) лойиҳалаш, билим даражаларини белгилаш ва таълим натижаларини баҳолаш;
- педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш;
- таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида таълим-тарбия жараёнларини ташкиллаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурларини такомиллаштириш;
- ўқув юктамаларни режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;
- кредит-модуль тизимида ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш;
- 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим тизимида оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;
- Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва фан дастурлар асосида фаннинг ишчи дастурини ишлаб чиқиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларини норматив-ҳуқуқий асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛЬ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси		
		Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Таълим соҳасига оид қонун, қонуности ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни	2	2	
2.	Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш	2	2	
3.	Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш	2		2
4.	Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти ва таълим натижаларини баҳолаш усуллари	4		4
	Жами:	10	4	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАВЗУ. ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ОИД ҚОНУН, ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ (2 соат)

Режа:

1. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатлари.
2. Олий таълим тизимининг қонуности ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.
3. Давлат таълим стандартлар, ўқув режалар, фан дастурлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.
3. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

2-МАВЗУ. КРЕДИТ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (2 соат)

Режа:

1. Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари.
2. Кредит-модуль тизимининг афзаллик ва муаммоли жиҳатлари.
3. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини режалаштириш, ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.
4. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти.

Дунё мамлакатларидаги олий таълим тuzилмаси. Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тuzилмасининг кредит-модуль тизимига мос жиҳатлари. Кредит-модуль тизимининг афзаллик ва муаммоли жиҳатлари. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини режалаштириш. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ (2 соат)

Талабанинг мустақил иши. Талабанинг мустақил таълими. Ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши. Мустақил иш турларини меъёрлаштириш. Талабанинг мустақил ишини масофавий усулда ташкил қилиш. Талабанинг мустақил ишини баҳолаш. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари. Мустақил ишнинг услубий таъминоти.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ (4 соат)

Мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси. Давлат таълим стандартлари. Малака талаблари. Ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Силлабус. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Танлов фанлари каталоги. Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси. Талабанинг ахборот пакети. Маълумотнома кўрсаткич. Деканат ва ўқув бўлими ҳужжатлари. Педагогик юклама соатлари ҳисоби. Педагогик юклама топшириғи. Ўқув юкломаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Дарс жадваллари. Ўқитувчининг шахсий иш режаси.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

І. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

ІІ. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

16. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юрларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

17. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Ўқув қўлланма. Нью Брансвик Университети, 2020 й.

18. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий хужжатлари тўплами. -Т., 2013.

19. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.

20. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.

21. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. - Salamanca, 2001, 29-30 march.

IV. Интернет сайтлар

22. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги


23. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
24. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
25. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
26. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ



II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


“Нима учун?” технологияси.

Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема тингловчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.




“Нима учун”? схемасига асосан тингловчилар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги





3-босқич


Тингловчилар кичик гуруҳларга бирлаштирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жамланади.



4-босқич

Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

«Нима учун?» технологиясининг схемадаги кўриниши



«Нима учун»? схемасини тузиш қоидалари

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

«БЕЕР» технологияси.

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

“ВЕЕР” технологияси умумий мавзунини айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕЕР” технологияси мавзунини ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунини ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш;
- яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-нормукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

ФСМУ технологияси.

- (Ф) - фикрингизни баён этинг.
- (С) - сабабини кўрсатинг.
- (М) - мисол (далил) келтиринг.
- (У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган

оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидадан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини

ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар:
Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мувожабат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

-ушбу тренингда асосий вазифа нимадан иборат ва ҳоказолар.



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ. ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ОИД ҚОНУН, ҚОНУНОСТИ ХУЖЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ (2 соат)

Режа:

1. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатлари.
2. Олий таълим тизимининг қонуности ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.
3. Давлат таълим стандартлар, ўқув режалар, фан дастурлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.
4. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Таянч тушунчалар: *Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун, қонуности ҳужжатлар, қонуности ҳужжатларининг турлари, фармон, қарор, фармойиши, буйруқ, йўриқнома, давлат таълим стандартлари, таълим, йўналишлари, ва мутахассисликлари классификатори, малака талаблари, ўқитишнинг меъёрий муддати, ўқув фанлари блоки, ўқув режаси, ўқув фани дастури, малака амалиёти, якуний давлат аттестацияси, ўқитиш сифатини назорат қилиш, таълим сифатини назорат қилиш, коррупция, ҳуқуқбузарлик, манфаатлар тўқнашуви, идоралараро комиссия, давлат дастури.*

1.1. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатлари.

Таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим воситаси — таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, уни қўллаш, амалиётга тадбиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Таълим тизимидаги қонунчиликнинг ҳолати, бошқа соҳаларда бўлгани каби янги қонунлар қабул қилинаётганлиги ва уларнинг амал қилаётганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу қонунлар йиғиндиси қонунчиликнинг янги тармоғи — таълим қонунчилигини ташкил этмоқда. Давлатимизнинг таълим соҳасидаги амалий фаолияти унинг кўп қиррали фаолиятида муҳим ва мустақил функция сифатида намоён этилмоқда.

Таълимга оид норматив-ҳужжатлар фуқаронинг таълим олишга оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш, таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солиш, молиявий ва моддий-техник таъминлаш, таълим ва кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ривожлантиришга ёрдам беради.¹

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т.: «Sharq», 2009. — 592 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчасининг таърифи шу ҳақда қабул қилинган Ўзбекистон қонунида берилган. 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-342-сонли Қонуни асосида амалдаги (2000 йил 14 декабрда қабул қилинган) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу янги таҳрирдаги Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган². Норматив-ҳуқуқий ҳужжат «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари³;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади. Қонунлардан ташқари, қонун ости ҳужжатлари ҳам мавжуд. Қонун ости ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қиради. Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари биргаликда қонун

² Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 25 декабрдаги 250 (5670)-сонидан эълон қилинган.

³ Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинадиган «фармойиш» номи остидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли қонуни билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тоифасидан чиқариб ташланди. Мазкур Қонун матни бўйича қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

хужжатларини ташкил қилади. Демак, норматив-ҳуқуқий хужжатлар қонунлар ва қонун ости хужжатларидан таркиб топади.

Қонун деб, энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий хужжатга айтилади. Қонунларни қабул қилишнинг иккита йўли бор: (1) қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилиши мумкин ёки улар (2) референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари **конституциявий қонунлар** тарзида қабул қилиниши мумкин. Бундай қонунлар Конституцияни ўзгартирадиган қонунлардир.

Кодекслар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тасдиқланади. Ҳозирги кунда амалда бўлган кодекслар сони 18 та.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш яқка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади. Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар,

давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ушбу ҳужжатларнинг таркибий қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реқвизитларга эга бўлади:

ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана (Ўзбекистон Республикасининг қонунлари учун маъқулланган ва имзоланган сана ҳам), рақами (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва рўйхатга олиш рақами ҳам);

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахснинг лавозими, имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни унга имзо қўйиш йўли билан, яъни Ўзбекистон Республикасининг қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Президенти; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарори — Ўзбекистон Республикасининг Президенти; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари — норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари — тегишли ҳоким томонидан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди. Вазирликлар,

давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат баён тарзида расмий эълон қилинишига йўл қўйилмайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлганидек, Ўзбекистонда таълимни, хусусан олий таълимни юридик тартибга солишнинг ҳам асосий норматив ҳужжати саналади. Бунда унинг айниқса 41-моддаси муҳим аҳамиятга эга.

“41-модда.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда.

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”.

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ҳозирги кунда таълимни давлат томонидан назорат қилувчи органларга куйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Ҳар кимга (чет эл фуқароларига халқаро шартномага мувофиқ) билим олишда тенг ҳуқуқлар, ушбулардан қатъи назар, кафолатланади:

- жинси,
- тили,
- ёши,
- ирқий мансублиги,
- миллий мансублиги,
- эътиқоди,
- динга муносабати,
- ижтимоий келиб чиқиши,
- хизмат тури,
- ижтимоий мавқеи,
- турар жойи,
- ЎзР ҳудудида қанча вақт яшаётганлиги.

Республикада истиқомат қилаётган **фуқаролиги бўлмаган шахслар** билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга. Фуқаролиги бўлмаган шахс – бу Ўзбекистон фуқаролигига ва бошқа бирор давлатнинг фуқаролигига эга бўлмаган шахсдир.

Бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш давр талабига айланган. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ҳужжат 1997 йилдан буён амал қилиб келаётган эскирган “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларни алмаштиради.

Янги қонуннинг асосий фарқлари ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак:

биринчидан, таълим олиш шаклларининг таснифи кенгайтирилди;

иккинчидан, Вазирлар Маҳкамаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, шунингдек соҳа вазирликлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари тафсилотлари билан аниқлаштирилди;

учинчидан, таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомига кўпроқ этибор қаратилди;

тўртинчидан, давлат таълим стандартлари ва талаблари, ўқув жараёнига ўқув режалари ва дастурларини, таълим соҳасига экспериментал ва

инновацион фаолият таълимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган. Ўқишга қабул қилиш, жумладан мақсадли қабул қилиш механизми баён этилди;

бешинчидан, давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш дастаклари регламентланди.

Шунингдек, мазкур қонун билан таълим соҳасидаги асосий принциплар белгиланган бўлиб, улар асосан таълим устуворлигининг тан олиниши; таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги; таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги; таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши; таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги; таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; ўн бир йиллик таълимнинг ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги; давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги; ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилганлиги; инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши ҳисобланади.

Қонунда таълимнинг мактабгача таълим ва тарбия; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим; профессионал таълим; олий таълим; олий таълимдан кейинги таълим; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва мактабдан ташқари таълим каби турлари баён этилган.

Юқорида қайд қилинган таълим турларидан бири кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдир. Мазкур қонун билан кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишини тартибга солувчи бир қатор қоидалар белгиланган. Жумладан, кадрларни қайта тайёрлаш таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажми эгалланишини таъминлайди. Кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади. Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шакллари ва муддатлари тегишли давлат таълим талаблари билан белгиланади.

Ушбу қонуннинг ўзига хос хусусиятлари таълим соҳасига бир қатор янгиликлар киритилганлигида намоён бўлади. Жумладан, унда белгиланган масофавий таълим ҳақидаги қоидалар ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни

ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.

Шунингдек, қонунда дуал таълимга оид қоидалар белгиланиб, у таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади.

Шу билан биргаликда, катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш ҳақида қоидаларда катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш бу бутун умр давомида ўқитишнинг марказий таркибий қисми бўлиб, таълим бериш ҳамда ўқитишнинг жамият ҳаётида ва меҳнат фаолиятида катта ёшдагиларнинг иштирок этишини таъминлашга қаратилган барча шакллари ўз ичига олиши, шунингдек расмий, норасмий ва информал ўқитиш жараёнларининг бутун мажмуини қамраб олиши баён этилган.

Бундан ташқари, қонунга инклюзив таълим тўғрисидаги қоидалар киритилиб, унга биноан, инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълимни ташкил этади.

Хулоса сифатида эътироф этиш жоизки, “Таълим тўғрисида”ги мазкур қонун таълим соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

1.2. Олий таълим тизимининг қонуности ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалашнинг асосий шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг қуйидаги уч хусусияти билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ваколатли давлат органлари томонидан яратилиб, барча учун умумий мажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қилади; 2) уларда ҳуқуқий қонданнинг мазмуни, яъни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ифода этилади; 3) норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар бажарилмаган ёки бузилган тақдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади⁴.

⁴ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т.: «Sharq», 2009. — 592 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари;

Ўзбекистон Республикасининг жорий қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатлари ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ҳукуматга итоат этувчи бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан ҳам чиқарилади. Булар вазирликлар, давлат қўмиталарининг қарорлари, буйруқлари ва йўриқномалари бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатларнинг таъсир қўлами, амал қилиш доираси ва юридик кучи уларни ўрнатовчи бошқарув органининг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва ваколатлари билан белгиланади. Улар қонунга, фармонга ва ҳукумат қарорига мувофиқ ҳамда шу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилади. Бошқарув тизимидаги қуйи органнинг ҳуқуқий акти ундан юқори турувчи органнинг актига мувофиқ бўлиши шарт. Республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва бошқа бошқарув органларининг қонунга, фармонга ва ҳукумат қарорига зид ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан бекор қилиниши кўзда тутилади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар шу давлат органлари ҳокимияти таъсир этадиган ҳудуд доирасида амал қилади. Улар юқорида саналган ҳужжатларга зид бўлиб чиқса, тегишли тартибда бекор қилинади. Қонуности ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#) ва қонунлари асосида ҳамда

уларни ижро этиш учун фармонлар ва қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармон ва қарор тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони жамият ҳаётининг алоҳида соҳаларини ислоҳ қилишга ёки давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашга, давлат органларини ташкил этишга (тугатишга) қаратилган муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қонун ҳужжатларида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини амалга ошириш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари қуйидаги энг муҳим йўналишлар ва масалалар бўйича қабул қилинади:

солиқ, пул-кредит, божхона ва валюта сиёсатининг асосий йўналиш ва параметрлари;

солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш масалалари;

йиллик, чораклик ва ойлик валюта баланслари, давлатнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш масалалари;

қимматли металлар билан операциялар;

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни ва муҳим соҳа ва тармоқларни либераллаштиришнинг стратегик масалалари;

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ривожланиш концепциялари;

ойлик иш ҳақларини ошириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар;

маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бошқарув тузилмасини, таълимни такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқарув органларини қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари;

миллий хавфсизлик ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини муҳофаза қилиш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек стратегик муҳим аҳамиятга эга бошқа масалалар;

Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик хизматлар фаолияти масалалари;

судлар, адлия, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятини ислоҳ қилиш масалалари;

фуқаролик жамияти институтларини, диний ташкилотларни ислоҳ қилиш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари қуйидаги энг муҳим йўналишлар ва масалаларни ҳал этиш учун қабул қилинади:

тегишли йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози;

солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларни бериш, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш масалалари;

қимматли металларни қазиб олишга давлат буюртмаси;

ёқилғи-энергетика комплексини, иқтисодиётнинг базавий ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг узок муддатли истиқболлари ва дастурлари;

маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарув органлари ва бошқа давлат органлари бошқарув тузилмасини такомиллаштириш;

халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш дастурлари;

давлат сафарбарлик ва стратегик захираларини шакллантириш ва фойдаланиш масалалари;

экспорт потенциалини ривожлантириш дастурлари параметрлари ва товарлар (ишлар, хизматларни) экспорти истиқболлари;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони;

алоҳида маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг моддий баланслари;

Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик хизматлар фаолияти масалалари;

судлар, адлия, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятини ислоҳ қилиш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг лойиҳалари қонунларини ижро этиш учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари топшириғига кўра, шунингдек давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ташаббуси билан уларга юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қуйидаги масалалар бўйича қабул қилинади:

худудлар, коммуникациялар ва муҳофаа саноатини ривожлантириш;
макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик;

инвестиция ва халқаро иқтисодий алоқалар;

ижтимоий ривожланиш;

ФХДЁ органлари фаолияти, аёллар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш;

ёқилғи-энергетика ва саноатнинг асосий тармоқларини ривожлантириш;

аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш;

телекоммуникация, ИТ-технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини тامينлаш;

ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари.

Вазирлик ва идоралар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида тегишли ҳужжатни қабул қилишга ваколат берган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколоти доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан давлат хизматларини кўрсатиш тартиби, шунингдек юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган тўловлар ва йиғимлар, жисмоний ва юридик шахсларга маъмурий ва бошқа чекловларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш яқка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтади.

Вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг номи ўзгартирилган тақдирда, унинг илгариги номи кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгартирилган номга оид қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритилиши лозим. Бундай ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритилгунига қадар илгариги ном кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши номи ўзгартирилган вазирликка, давлат қўмитасига ёки идорага тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора мақомининг ўзгартирилиши улар томонидан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан уларнинг таркибий қисми ҳисобланадиган низомлар, регламентлар, қоидалар, йўриқномалар, концепциялар, доктриналар, дастурлар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Низомлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, мақомини, асосий вазибаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини,

жавобгарлигини, шунингдек турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тартибга солинишини белгилайди.

Регламент давлат органлари ва ташкилотларининг иш тартибини, шунингдек, улар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширилишини белгилайди.

Қоидалар муайян фаолиятни амалга оширишга бўлган талабларни белгилайди.

Йўриқнома норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирилган жиҳатларини белгилайди.

Концепция турли соҳаларда давлат сиёсатининг устувор ва асосий йўналишлари, мақсадлари, вазифа ва амалга ошириш механизмларини белгилайди.

Доктрина турли соҳалардаги Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлашнинг мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва асосий йўналишларини белгилайди.

Дастур турли соҳаларда давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар тизимини (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, ресурслар ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган) ва механизмларини белгилайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қуйидаги ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса юз берганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қонунда белгиланган тартибда [Конституцияга](#) хилоф ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми бекор қилинганда.

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2019 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилди.

Концепция Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Қуйидагилар олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш;

олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибadorлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади:

олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш; юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш;

олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;

олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

Концепцияда қуйидагилар назарда тутилган:

- соҳада ДХШни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат ОТМ фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50%дан ошириш;

- Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш, уларни Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities ТОП-500 рўйхатига киритиш, шунингдек республикадаги камида 10 та ОТМни ушбу рейтингларнинг ТОП-1000 рўйхатига киритиш;

- ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш, илғор стандартларни жорий этиш, жумладан, назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш, ОТМнинг академик мустақиллигини таъминлаш;

- ОТМда таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

- ОТМда технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш;

- мамлакатимиз олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи “хаб”га айлантириш;

- халқаро ҳамкорликни, шу жумладан профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишини йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Концепция босқичма-босқич амалга оширилади – тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида “Йўл харитаси” тасдиқланади.

ОЎМТВ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида Республика олий таълим кенгаши ташкил этилди. Бу ташкилий, таҳлилий ва маслаҳат вазифаларига эга ННТдир. Унинг фаолияти натижалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар соҳа вазирлигининг ҳайъат мажлисида йилига камида икки марта кўриб чиқилади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Шунингдек, Кенгаш ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар юзасидан ҳар чоракда Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.

Давлат ОТМ раҳбарлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафарига чиқишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Бўйсунуви бўйича вазирлик ва идорани хабардор қилиш, ОТМ сайтида асосий маълумотларни (*мамлакат номи, ташириф мақсади ва режаси*), сафар натижалари юзасидан эса – ОТМ кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисоботни жойлаштириш лозим. Бу ДХХ, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, ИИБ, Мудофаа вазирлиги ва ДБҚ тизимидаги ОТМларга тегишли эмас.

1.3. Давлат таълим стандартлар, ўқув режалар, фан дастурлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини бажариш юзасидан ва олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш, жаҳон таълим тизимига қўшилиш, шунингдек олий таълимнинг ўқув-методик ва норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Давлат таълим стандартларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда:

таълим соҳаларининг давлат таълим стандартларини, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари ва фанлар дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш;

олий таълим тизими учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан «Олий таълим тўғрисидаги низом» ва «Олий таълим муассасасининг васийлик кенгаши тўғрисидаги низом»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига зарурият бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

олий таълим, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни мувофиқлаштириш юклатилади.

ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоравий бўйсунитиши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Олий таълим стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;

- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.

- Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари — таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари.

Муайян таълим соҳасининг давлат таълим стандарти қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- зарварақ (титул);

- мундарижа;

- муайян таълим соҳаси (соҳа таркиби)нинг умумий таснифи;

- битирувчиларнинг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;

- ўқув режа тузилмаси;

- кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш.

Таълим соҳасининг давлат таълим стандарти иккита (бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари) қисмдан иборат бўлади.

Қуйидагилар олий таълимнинг норматив ҳужжатлари ҳисобланади:

- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари;

- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаларининг муайян иш фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар.

Олий таълимнинг таълим соҳалари давлат таълим стандартлари ва норматив ҳужжатлари «ДТС. Асосий қоидалар» ва Oz DSt 1.0:1998, ЎзРСТ 1.8-94, Oz DSt 1.9-1995. стандартларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

Олий таълимнинг биринчи босқичида ўқув режалари ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режалари ва фанлар дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналишлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда яқуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

1.4. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Коррупциядан ҳоли жамият ва давлатни яратиш мамлакат тараққиётининг мустахкам кафолати бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 декабрь куни Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида “Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз” деб, таъкидлаган эди.

Барча соҳаларда ислохотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш

механизмлари такомиллаштирилди.

Айниқса, таълим соҳасида коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш билан мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг мукамал тизимини яратиш белгиланди.

Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз, деб таъкидлаб ўтди.

Жаҳон Банки томонидан келтирилган таҳлилий маълумотида, мамалакатимизда меҳнат бозорининг ривожланиши иқтисодиётнинг ўзгариши билан бирга содир бўлаётгани, бу турли хил қобилят эгаларига бўлган талабни ўсишига олиб келаётгани, мазкур талабларни қондиришда сифатли олий таълим тизими муҳим аҳамият касб этиши келтирилган. Меҳнат ва иқтисодий ўзгаришларга ҳамоҳанг ҳолда олий таълим тизими ҳам ислоҳ қилиниши таъкидланган.

Коррупцияга қарши курашишда олий таълим соҳаси муҳимлиги ва аҳамиятлилиги юқорилиги билан ажралиб туради, чунки олий таълим меҳнат фаолиятига йўлланма берувчи якуний узлуксиз таълим босқичи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликларга қарамасдан, соҳада коррупция ҳолатлари, жиддий муаммо ва нуқсонлар сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, олий таълим “коррупцияни дастлабки мактаби” ҳисобланади, чунки бу фаолиятда талаба ўқитувчи билан тўғридан-тўғри ҳуқуққа зид фаолиятга киришади ва унда коррупцияга мойил шахсият шаклланиб боради. Келажакда коррупциявий ҳаракатларга мойил кадрни масъулятли лавозимни эгаллаши хавfli коррупциявий оқибатларни келтириб чиқариши аниқ.

Шунга кўра, мазкур соҳани муҳимлик даражасини инобатга олиб, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони** қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш белгиланди.

Концепциянинг 8-§ (параграфи) бевосита тизимда коррупцияга

қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш масалаларига бағишланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимини такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида соҳани чинакам “коррупциясиз соҳа” сифатида намоён этадиган фундаментал ҳуқуқий асослар яратиб келинмоқда.

Жумладан, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида**, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш белгиланган бўлса, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори** асосида олий таълим тизимида амалга ошириладиган ислохотлар бўйича “йўл харитаси” тузилди, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июндаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармонида**, олий таълим соҳасида самарали бошқарув тизимини яратишга мўлжалланган шу каби бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Қайд этиш керакки, таълимнинг олий таълим соҳаси фуқаролар учун энг эҳтиёжманд соҳа бўлганлиги сабабли, ушбу соҳада коррупцияга мойил омиллар мавжудлиги кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли Фармони асосида 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида айнан олий таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгилаб қўйилганлиги мамлакатда кечаётган ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти биринчи навбатда таълимга боғлиқлигини кўрсатади .

Олий таълим соҳасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни биринчи навбатда аниқлаш ва уларни бартараф этиш долзарблигини кўрсатиб турибди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун моҳиятига қисқача тўхталадиган бўлсак, унда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга қаратилган нормалар ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур соҳадаги иштироки, шунингдек халқаро ҳамкорлик мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5729-сон Фармони билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича **махсус комиссия** тузилди.

Фармон билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборатлиги белгилаб қўйилди:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ руйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини

таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар туғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан **2019 йил 30 августда Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишиш тизимини такомиллаштириш ва «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган.** *Лойиҳанинг мақсади тизимда олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига барҳам беришдан иборатдир.*

“Йўл харитаси”да 7 йўналишда 46 банддан иборат коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш назарда тутилган:

I. Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар:

1. Коррупция хавф-хатарларини аниқлаш ва баҳолаш;
2. Коррупцияга оид нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш;
3. Жамоатчилик назоратини кучайтириш механизмларини яратиш;

4. Коррупцияга қарши рейтингни жорий қилиш;
5. Олий таълимда очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш;
6. Намунавий касб-одобномаси ишлаб чиқиш;
7. Ходимларнинг коррупцияга қарши курашишда малакасини ошириш;
8. “Комплаенс назорат” (compliance control) тизимини жорий этиш.

II. Олий таълим муассасаларига қабул жараёни;

1. Кириш синовларини ўтказиш жараёнини шаффоф, очиқлик принципларини жорий этиш орқали такомиллаштириш;
2. Ягона давлат имтиҳонини ўтказиш тизимини ўрганиш;
3. Ўқишга қабул қилишни расмийлаштиришни ва бошқа тартиб-таомилларини такомиллаштириш;
4. ДТМ иш фаолиятининг шаффофлигини ошириш;
5. ЎҚҚ бўйича Давлат комиссияси фаолиятини такомиллаштириш;
6. ЎҚҚ жараёнида имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқларини тартибга солувчи НХХларни қайта кўриш;
7. Хорижий тажриба таҳлили асосида қабул жараёни иштирокчиларининг жавобгарлигини жорий қилиш.

III. Таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш;
2. Талабаларнинг баҳоланиши ва ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисобга олишнинг электрон тизимини жорий этиш;
3. Талабалар орасида коррупцияга оид ҳолатлар юзасидан онлайн сўровномалар ўтказиб бориш;
4. Таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари ходимларининг мустақиллигини ошириш;
5. Талабаларга стипендия тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш;
6. “Электрон университет” лойиҳаси доирасида ўқув жараёнини электронлаштиришни жадаллаштириш;
7. Ёшлар иттифоқи томонидан тўлов-шартномасининг 35% миқдорини тўлаш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш;
8. Якуний давлат аттестация имтиҳонлари жараёнининг шаффофлигини таъминлаш;
9. Якуний давлат аттестацияси комиссияси аъзолари таркибини такомиллаштириш;
10. Магистрлик диссертацияси ва битирув малакавий ишларда плагиатга

йўл қўймаслик ва холис тақриз берилишини таъминлаш.

IV. Талабалар ўқишини кўчириш, ўқишга тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни;

1. Аризаларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш, ўқишга тиклашни соддалаштириш, бунда ОТМларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш;

2. Илмий даража ҳақидаги дипломларни нострификациялашни тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) амалга ошириш асосларини яратиш, ушбу жараённи соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, комиссиялар сонини қисқартириш.

V. Олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш;

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури янги лойиҳасини ишлаб чиқиш;

2. Таълим тизимида олий таълимнинг функциясини аниқ белгилаш;

3. ОТМ замонавий структурасини яратиш;

4. Фаолиятда соф академик-ижодий муҳитни шакллантириш;

5. Олий таълим тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш;

6. ОТМдаги жамоатчилик кенгашларини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

7. Ички аудит механизминини ишлаб чиқиш;

8. Ўқитувчилар фаолиятининг сифат ва самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш;

9. ОТМларда ўтказиладиган текширишлар тартибини соддалаштириш;

10. Нодавлат олий таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва баҳолаш ишларини такомиллаштириш;

11. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини мониторингини рақамлаштириш;

12. Вазирликнинг Бош илмий методик маркази фаолиятини такомиллаштириш.

VI. Профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш;

1. Профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш;

2. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

3. Хорижий тажрибани ўрганиш асосида профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш механизмларини жорий этиш;

4. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ассоциация ташкил этиш.

VII. Таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш.

1. Бош ҳисобчи муовини - аудитор лавозимини ички аудитор сифатида тўғридан-тўғри биринчи раҳбар бўйсунувига ўтказиш;

2. Ички аудит ва молиявий назорат бошқармасининг масофадан туриб профилактика ва назорат тадбирларини олиб бориш тизимини такомиллаштириш;

3. Бюджетдан ташқари маблағларни ишлаб топиш ва улардан фойдаланишда ОТМларининг мустақиллигини ошириш.

2020 йил 18 январда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш ҳамда тизимда вужудга келган долзарб ва муаммоли масалалари муҳокама қилинди ва тизимдаги бир қатор муаммолар мавжудлиги эътироф этилди.

Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигига тизимида коррупциянинг олдини олиш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш, соҳада ишларни самарали ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш, олий таълим муассасаларини тажрибали, ҳалол, пок виждонли, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириб, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш борасида зарур чоралар кўриш тавсия этилди.

Барчамизга аёнки бугунги дунёда юз бераётган шиддатли воқеъликлар инсон ресурсларини замон талабларига жавоб беришини тақозо этади. Бу борада таълим тизими стратегик аҳамиятга эгаллиги ҳаммага маълум.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқиш сабаб ва омилларини аниқлаш хавф-хатарларни таҳлил қилиш жараёнидаги энг муҳим, шу билан бирга катта меҳнат талаб этувчи босқич ҳисобланади. Зеро, ушбу жараёнда бутун тизимдаги маълумотлар баъзаси умумлаштирилиб, турли усулларда таҳлил қилинади.

I. Бюджет маблағларининг сарфлаш жараёнидаги талон-торожликлар соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омиллари.

Дастлаб бюджет маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга оид рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, мазкур соҳадаги жиноятлар сони ортганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мазкур тоифадаги жиноятларнинг таҳлиллардан келиб чиқиб, бюджет маблағларини талон-торож қилинишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

Биринчидан, олий ва ўрта-махсус таълими вазирлиги қўйи тизимларида ишлаётган муассаса раҳбарлари бухгалтерия соҳасида етарли билим ва малакага эга бўлмаганлиги, ўз навбатида вазирлик ташаббуси билан уларни мазкур соҳада ўқитиш, билим ва малакасини оширишга етарли эътибор қаратилмаётганлигидир.

Ушбу тоифадаги жиноятлар муассаса ҳисобчи ва бош ҳисобчилари томонидан ишлаб чиқилган иктисодий жинояий схемалар асосида содир этилмоқда. Бунда ҳисобчилар иштирокчиликнинг ташкилотчи ва бевосита бажарувчи вазифаларини бажариб, муассаса раҳбари биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга шахс сифатида ўзининг жиноятни содир этишда тўсиқларни бартараф этиш ва осонлаштириш вазифаларини бажариб, далолатчи ролида намоён бўлмоқда.

Мазкур ҳолатда муассаса раҳбари умумий раҳбарлик функцияларини тўлиқ бажариши, бюджет маблағларини тасарруф этилиши бир шахснинг ихтиёрига (ҳисобчи ёки бош ҳисобчи) марказлаштирилишини олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори талаблари ижроси вазирлик ва унинг тизимида ташкил этилган ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан бажарилмаяпти.

Хусусан, мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси қайта ташкил этилиб, таълим ва тиббиёт муассасаларида ички аудит ва молиявий назорат хизматларини ташкил этишдан асосий мақсад давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни мақсадли сарфланишини таъминлаш, бюджет қонунчилигига риоя этилишини профилактика қилиш ҳисобланади.

Бироқ, муассасаларда тузилма фаолияти йулга қўйилиб, замонавий ахборот технологиялари воситалари ёрдамида (ойлик иш ҳақларини автоматик ҳисобловчи “Uzasbo” компьютер дастурий маҳсули ва бошқалар) бюджет маблағларини сарфланиши устидан даврий назорат ташкил этилган бир вақтда, қарордаги бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларини олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг энг устивор вазифаларини амалда тўлиқ амалга оширилмаяпти.

Учинчидан, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш инсон омилига боғлиқ бўлиб, дастурга ҳисобчи томонидан маълумотлар киритиш имконияти чекланмаган, доимий ва умумий тарзда назоратга олинмаган. Муассаса

ҳисобчиси тоанидан киритилаётган маълумотларни тўғрилигини фақат даврий текширувлар асосида аниқлаш мумкин.

Иш ҳақи ва бошқа маблағларни тўлаш бевосита кадрга оид буйруқларга боғлиқ бўлишига қарамасдан ойлик дастурига кадрлар бўлими электрон тарзда боғланмаган, дастур буйруқ ва бошқа иш ҳақини тўлаш учун асос бўладиган ҳужжатларни электрон шаклини юклаш жорий этилмаган, молиявий назорат органларида доимий электрон назорат усуллари мавжуд эмас.

Бюджет маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ содир этилган умумий 42 та жиноятдан 16 таси ёки 32,4% айнан ойлик иш ҳақларини автоматлаштирилган тизимда ҳисобловчи (“Uzasbo”) компьютер дастурига ишончсиз ва асоссиз маълумотлар, аксарият ҳолатларда эса иш ҳақининг базавий ставкаларини орттириб кўрсатиш йули билан содир этилаётганлигини кўриш мумкин.

Коррупцион жиноятларни содир этилишига имкон бераётган энг асосий шарт-шароитлар сабабларидан бири, Олий ва ўрта-махсус вазирлиги тизимидаги қуйи бўғинларида ишловчи ҳар бир ходим учун алоҳида иш ҳақи ҳисобланиш учун базавий тарифлар аниқ ишлаб чиқилган бўлсада, компьютер дастурига автоматик киритиш йулга қуйилмаган, аксинча бундай ваколат муассаса ҳисобчилари ихтиёрида қолдирилгани сабабли қонун бузилишларига йўл қўйилмоқда.

Тўртинчидан, бюджет маблағлари ва моддий ресурсларни тасаррув этишда мутлоқ ваколат раҳбар ва ҳисобчилар қўлида бўлиб, мазкур фаолият устидан жамотчилик назорати, очиқлик ва шаффофликни таъминловчи манфаатдор шахслардан шакллантирилган институонал тузилмалар мавжуд эмас.

Бешинчидан, олий таълим муассасаси учун давлат харидларини амалга оширишда бирламчи манфаатдор бўлган олий муассаси жамоасидандан шакллантирилган жамоатчилик назорати мавжуд эмас.

Жумладан, муассасага турли ускуналар, жихозлар ва ўқув ресурсларини сотиб олиш, қурилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини олиб боришда давлат маблағлари молия ташкилоти мансабдорлари, муассаса раҳбари, ҳисобчиси, қурилиш бўйича мутахасис, хўжалик бўлими мудирлари ходимлари ўртасида турли тизимли жинойий механизмлар асосида талон-торож қилинмоқда.

Олтинчидан, олий таълим муассасаларини ўзини-ўзи молиявий таъминлаш жорий этилмаганлиги давлат бюджети маблағларини ўзлаштиришнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Агар таълим муассасаси ўзини-ўзи молиявий таъминласа давлатдан унга пул маблағлари ажратилмайди, бу ўз навбатида бюджет маблағларини ўзлаштириш ҳолатини бутунлай олдини олишга хизмат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори билан 2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида 10 та олий таълим муассасасига ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишга рухсат берилди.

II. Олий таълим муассасасига талабаликка қабул қилиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишининг сабаб ва омиллари.

Биринчидан, олий таълим муассасасига ўқишга кириш имтихонлари, яъни тест синовлари эскирган бўлиб, асосан ёдлаш ва хотирада сақлаш қобилиятига асосланган. Бу айниқса ижтимоий ва табиий фанлар йўналишларида кенг тарқалган, аниқ фанлар доирасидаги тизимли қоида ва ҳисоб китоб амалларини тушуниш қобилияти кўринади ҳолос. Тест синовлари номзоднинг дунёқариши, мантикий фикрлаш қобилиятлари, умуман олган соф билим даражасини белгилаб бера олмайди.

Иккинчидан, тест синовларига талаблардан жуда кенг доирадаги маълумотларни ёдлаши талаб этилгани сабабли уларда билмаган савол тушуб қолишлиги, имтихонлар адолатли бўлмаслиги ҳақида ишончсиз тасаввурлар шаклланишига олиб келмоқда ва бу уларни, уларнинг ота-оналарини олий таълим муассасасига киришни ноқонуний йўлларида фойдаланишга ундамоқда.

Учинчидан, мамлакатимизда кириш имтихонлари компютер технологиялари асосида ўтказилмайди, талаба ўз имтихон натижасини маълумот муддат ўткандан сўнг билади. Имтихонларни натижаларини текшириш инсон омилига боғлиқлиги албатта коррупциявий ҳолатларга сабаб бўлади.

Тўртинчидан, кириш тест синовлари видео тасвирга олинаётган бўлсада, айрим ижодий имтихонларни тасвирга олиш, уни сақлаш талаблари умуман йўқ. Мурожаатларни ўрганиш давомида спорт амалий санъат бўйича имтихон видео тасвирларда керакли жараёнлар мавжуд эмаслиги сабабли масалага ойдиклик киритишни имкони бўлмапти.

Бешинчидан, мамлакатимизда олий таълимнинг қамров даражаси паст бўлиб, 2019 йилда бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этмоқда. Рақобат муҳитини кучлилиги ўз-ўзидан битирувчи номзодлар ўртасида олий таълимни муҳим босқичга айланишига, уларни барча имкониятлардан фойдаланишга

ундамоқда. Имтихон жараёнини коррупциявий ҳуқуқбузарликлар билан камраб олиниши муносиб номзодлар ўрнига номуносибларини кириб қолишига олиб келмоқда.

Олтинчидан, кейинги йилларда кириш имтихонларини ўтказиш жараёни очиклик ва ошкоралик таъминланган бўлсада, имтихон натижаларини текшириш, умуман ДТМнинг фаолият жараёни тўлиқ ёпиқ ҳолатда.

Шунингдек, ДТМни қайси орган қандай тартибда назорат қилади тартиб ва томйилларини аниқ белгилаш лозим, яъни ДТМнинг ҳисобдорлиги, очиклиги ва шаффофлигини ошириш лозим.

Ш. Олий таълим муассасасида талабларга таълим бериш жараёнида баҳолаш билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва омиллари.

Олий таълим муассасасида талабларга таълим бериш жараёнида содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий сабаб ва омиллари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сонига қараб, бу турдаги жиноятлар кам деб хулоса қилиш нотўғри бўлади. Зеро, бу турдаги жиноятларни аниқлаш даражаси жуда паст.

Хусусан, 2018 йилда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик Маркази ўтказган сўровда иштирок этганларнинг 29 фоизи олий таълим тизимида коррупция кенг тарқалган деган фикрни билдирган бўлса, 2019 йилда бу салбий кўрсаткич 35 фоизни ташкил этган.

Хулоса қилсак, коррупциявий келишувлар икки томон учун ҳам манфаатли бўлагани учун уларнинг фош этилмасдан қолмоқда.

Иккинчидан, таълим бериш жараёнида талабаларни баҳолаш тизими тўлиқ инсон омилига боғлиқ бўлиб, бу ўқитувчиларда манфаатдорлик ҳолатларини келтириб чиқариши аниқ. Олий таълим тизимида ҳалигача “Blind assessment” тизимига ўтилмаган.

Учинчидан, олий таълим муассасаларини зарарур моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланмаслиги, таълим сифатига салбий таъсир қилмоқда ва бу коррупциявий ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Талабаларнинг бундай вазиятга тушиб қолишига, энг аввало, олий ўқув юртларининг замонавий ҳамда таълим тилидаги дарслик ва ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминланмаслиги сабаб бўлмоқда.

Таҳлиллар, олий таълим муассасаларида ўқув режаларидаги фанларнинг 24 фоизи бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Тўртинчидан, ахборот-коммуникация технологияларини таълим ва

имтихон жараёнларига жорий этишдаги сусткашликлар коррупциявий омилларни бартараф этиш ишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аксарият мамлакатларда масофадан ўқитиш тизимидан кенг фойдаланилаётган бир пайтда, олий таълим муассасаларида электрон платформа орқали ўқитиш етарли жорий этилмаган.

Олтинчидан, таълими муассасалари ўқув дастурида номутахассислик фанларини жуда кўплиги коррупциявий омиллардан бири бўлмоқда.

Талабалар ўзлари қизикмаган, ўз келажак фаолиятлари учун зарур бўлмаган фанларни ўқимаслиги, бунинг натижасида имтихон жараёнида мазкур фанлардан коррупциявий усулларни қўллаб баҳо олишлари кузатилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилишини таъкидлаб ўтдилар.

IV. Олий таълим муассасаси талабаларини дарс машғулотларига қатнашмаслиги оқибатида содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омиллари.

Олий таълим муассасаси талабаларининг мунтазам дарс машғулотларига қатнашмаслиги, уларни зарур билим ва кўникмаларни олаолмасликка ва бу эса коррупциявий ҳолатларга олиб келмоқда.

Талабаларнинг дарс машғулотларига дарс машғулотида мунтазам қатнашмаслигини коррупциявий жиноятларни келтириб чиарувчи асосий омиллардан бири деб ҳисобласак, давомат масаласини муҳим коррупциявий омилга айланишига қуйидаги кичик омиллар сабаб бўлмоқда:

а) дарс машғулотида қатнашмаган талаба таълим муассасаси маъмурияти томонидан ўз вақтида зудлик билан профилактик чораларни кўрилмаслиги;

б) талабларни давомати юртиш эскирган улларда белгиланиши, давоматни олиб боришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилмаслиги;

в) талабаларнинг давомати марказлашган тартибда назорат қилинмаслиги, яъни бирламчи раҳбарларлар, таълим тизимини назорат қилувчи органларда давоматни “online” назорат қилиш имконияти мавжуд эмаслиги;

г) энг асосийси талабаларини дарс машғулотида қатнашиш тартиби талабанинг ҳошиш истагини инобатга олган ҳолда замонавий демократик таълим тамойиллари асосида ишлаб чиқилмаган.

V. Талабаларни битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиши билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омиллари.

Олий таълим муассасида битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини ёзиш ва муваффақиятли топшириш энг муҳим имтихонлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли мазкур жараёндаги айрим салбий омиллар коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур жараёнда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар асосан уч хил усулда амалга оширилмоқда:

– ёзилган битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш синовидан муваффақиятли ўтказиб бериш эвазига пора олиш орқали;

– битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини ёзиб бериш ва ҳимоя қилиш синовидан муваффақиятли ўтказиб бериш эвазига пора олиш орқали;

– битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини ёзиб бериш (бу асосан масъул илмий раҳбар сифатида тайинланган ўқитувчилар томонидан амалга оширилмоқда).

VI. Олий таълим муассасасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишининг сабаб ва омиллари.

Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва ҳимоя қилиш жараёнида коррупциявий ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни келтириб ўтамиз.

Биринчидан, илмий даража бериш тартиб-таомилларидаги мураккабликлар, ўринсиз талаб ва коррупциявий нормалар таълим сифатига таъсир этмоқда.

Хусусан, илмий даражани ҳимоя қилиш учун махсус илмий нашр ва хорижий илмий журналда чет тилида илмий мақола чоп эттириш, диссертация натижаларини конференция материаллари тўпламларида чиқариш изланувчидан кўшимча маблағ талаб қилиш билан бирга уларни коррупциявий ҳаракатларни содир этишга ундамоқда.

Иккинчидан, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолашда, ҳамон эскича фикрлашдан воз кечилмаган, профессор-ўқитувчилар умумий сонини, илмий даражалилари сонига бўлиб чиқариш амалиётидан фойдаланиб келинмоқда.

Илмий салоҳиятни белгилашда илмий ишланмалар натижадорлиги, илмий даражали педагог кадрларнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси каби

жиҳатлар умуман ҳисобга олинмай қолинган.

Германия, Англия, Австрия, Швейцария каби Европа давлатларидаги университетларининг илмий салоҳияти 53-90 фоизни ташкил этса, Россияда институт ва университетларни аккредитациядан ўтказиш учун 55-60 фоиз илмий салоҳият талаб қилинади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 34 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич 31 та олий таълим муассасаларида 30 фоизга ҳам етмайди. Илмий салоҳияти энг паст олий таълим муассасалар қаторида 19% кўрсаткич билан Термиз давлат университети ҳисобланади.

Учинчидан, илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш, илмий даражали кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқот билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган.

Хусусан, сўнгги 10 йилда олий таълим муассасаларининг докторантураларида ўқиб, диссертация ишларини ҳимоя қилмаган докторантлар ҳисоби юритилмаган.

Оқибатда, бюджет маблағлари ҳисобига ўқиган юзлаб докторантлар узок йиллар давомида диссертация ишларини ҳимоя қилмасдан келмоқда.

Жумладан, сўнгги 5 йилда 328 нафар ёки 35,6 фоиз докторантлар диссертация ишларини белгиланган муддатни бузган ҳолда ҳимоя қилган бўлса, 401 нафари ёки 43,6 фоизи диссертация ишларини ҳимоя қилмаган .

VII. Олий таълим муассасасига ишга қабул қилиш ва меҳнат муносабатлари жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишининг сабаб ва омиллари.

Олий таълим муассасаларига ишга қабул қилишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишига сабаб бўлаётган омиллар сифтида.

Биринчидан, олий таълим муассасасига ишга қабул қилиш ва ишда бўшатиш ваколоти муассаса раҳбари ваколотига тегишли бўлиб, мазкур ваколатни ягона шахс қўлида тўпланиши салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Иккинчидан, олий таълим муассасасига ишга қабул қилишда “меритакратия” принципи, яъни очиқлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилинмайди.

VIII. Талабалар ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклаш жараёнида коррупция ҳуқуқбузарликларни содир этилишининг сабаб ва омиллари.

Талабалар ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклаш жараёни коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилиши

кўлами бўйича ўқишга киритиш ва таълим жараёнидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлардан кейинги ўринда туради.

Мазкур ҳуқуқбузарликларни мавсумий асосда содир этилиши ва талабалар учун манфаатдорлик хусусияти юқори бўлганлиги сабабли пора юқори миқдорни ташкил қилади.

Мазкур жараёнда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишига сабабчи бўлган омиллар.

Биринчидан, талабалар ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишга қайта тиклаш жараёнида жараёнларнинг очик ва шаффоф ташкил этилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июнда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабаларни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарорида жараён тартиби аниқ кўрсатилмаганлиги коррупциявий ҳолатларга олиб келмоқда.

Жумладан, “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандида, Олий таълимнинг турдош таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланиши белгиланган. Турдош таълим йўналишини қарорда аниқ кўрсатилмасдан ҳаволаки нормага йўналтирилиши мазкур қарорда коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ривожланаётган ва дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини белгилаётган бир пайтда, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, фақатгина эришилаётган ютуқларимизга маҳлиё булиш кайфиятида бўлмасдан, Ватанимизни янада юксалтириш мақсадида муаммо ва камчиликларга ҳам эътибор бериб, уларни аниқлаб ва ўз вақтида бартараф этишимиз лозим.

Олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишига сабабчи бўлган омилларни турли асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Хусусан, мазкур омилларни хусусиятларни умумийлигига кўра: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маъданий омилларга бўлиш мумкин. Ҳар бир омилларни амалий мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш уларни туб моҳиятини англашга ёрдам беради.

Иқтисодий омиллар ҳар доим ҳар жабҳада намоён бўлади таълим соҳасида ҳам бундан мустасно эмас. Олий таълим соҳасида содир этилаётган кўплаб ҳуқуқбузарликларда иқтисодий омиллар етакчи ўрин эгаллайди. Масалан, ойлик маошини кўтариш, олий таълим муассасасини зарур моддий-техник ашёлар билан таъминлаш, муассасада янги бинолар қуйриш ёки мавжудларини реконструкция қилиш ҳолатларини барчаси иқтисодий омиллар билан боғлиқ.

Сиёсий омиллар коррупцияга қарши курашиш борасида барча соҳаларга тасир қилгани каби олий таълим соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, амалда ҳуқумат олий таълимни соҳани “коррупциядан ҳоли” тизимга айлантириш борасида ижобий ислоҳотларни амалга оширишда ташаббус кўрсатмаганда, соҳадаги коррупциявий ҳолатларни йиллаб муҳокма қилганимизда ҳам фойдаси бўлмас эди. Зеро, барча ўзгариш ва ислоҳотлар норматив ҳуқуқий-ҳужжатларни қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш барча соҳаларда бўлгани каби олий таълим соҳасида ҳам мавжуд. Олий таълим муассасаларига киришда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 та тоифа бўйича имтиёзлар берилган бўлиб, булар бир қарашда ижобий қўллаб-қувватлаш бўлиш мумкин, бироқ ушбу имтиёзларга эга бўлиш жараёнида коррупциявий ҳолатларга йўл қўйилишига олиб келмоқда.

Маъданий омиллар коррупцияга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга, чунки аҳолида коррупцияга қарши муросасиз муносабат шакллантириш самарали чоралардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак, деб таъкидлаб ўтдилар.

Назорат саволлари

1. Нима учун тегишли ҳужжат “норматив-ҳуқуқий ҳужжат” деб аталади? “Норматив ҳужжат”, “ҳуқуқий ҳужжат” ва улар бирикмаси бўлган “норматив-ҳуқуқий ҳужжат” тушунчаларининг ўзаро нисбати қандай?
2. Нима учун баъзан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини Асосий қонун деб атаймиз? Бундай таъриф учун юридик асос мавжудми?
3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай турлари мавжуд?

4. Қонуности ҳужжатлар деганда нима тушунилади?
5. Қонуности ҳужжатларининг турларига қандай ҳужжатлар киради?
6. Фармон, қарор, фармойиш, буйруқ, йўриқнома тушунчасини изоҳланг.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларининг қабул қилинишини тушунтириб беринг.
8. Вазирлар Маҳкамаси қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нималар киради?
9. Фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олиш ҳуқуқига эгами?
10. Давлат таълим стандартлари ва уларнинг мазмунини изоҳланг.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳақида нималарни биласиз?
12. Ўзбекистон Конституциясининг таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти нималардан иборат?
13. Олий таълим борасида “Таълим тўғрисида”ги Қонунда қандай нормалар белгиланган?
14. Нима учун олий таълим соҳаси “Коррупциясиз соҳа” деб белгиланди? Бундан қандай мақсадлар кўзланган?
15. “Олий таълим коррупциясиз соҳа” қайси норматив акт асосида жорий этилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2017 йил 3 январь // «Халқ сўзи» газетаси
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Интернет сайтлар

7. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
8. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
9. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
10. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
11. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

2-МАВЗУ: КРЕДИТ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Режа:

1. Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари.
2. Кредит-модуль тизимининг афзаллик ва муаммоли жиҳатлари.
3. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини режалаштириш, ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.
4. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти.

Таянч тушунчалар: *Болонья жараёни, ECTS, USCS, CATS, UCTS, кредит, бакалавриат, магистратура, докторантура, икки босқичли бакалавриат, таълим дастури, ўқув дастури, силлабус, ўқув курси, лектор, тьютор, ўқув режаси, академик календарь, мажбурий ва танлов фанлари, фаннинг қисқа мазмуни, GER, Office Hours, кредит-соат, фанларга ёзилиш, Регистратор офиси, GPA, транскрипт, эдвайзер, талабанинг шахсий ўқув режаси, ишчи ўқув режа, курс сиёсати, маълумотнома-кўрсаткич, ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши, талабанинг мустақил таълими, фан коди, "teaching" ва "learning" таълим формати.*

2.1. Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олишга, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999-йил 19-июндаги Болонья декларациясига кўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ

вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном беришнинг таклиф этилиши, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанларни қайта кўриб чиқиш, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини 2 баробар қисқартириш, олий таълимда ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтказиш, қатор олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтказиш, таълим соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини таълим соҳасига ҳам кенг татбиқ этиш масалалари шу куннинг долзарб масалалари эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу мурожаатномада биринчи ўринга халқнинг билим даражасини ошириш масаласи қўйилган, бу эса миллатнинг рақобатбардошлигини белгиловчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, табиийки, ушбу ҳужжатда замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий таълим тизимини яратиш муаммосининг элементлари ҳам ўз аксини топган.

1999 йилда 29 та давлат томонидан Болоньяда ягона таълим муҳитини яратиш жараёнида иштирок этиш ҳақидаги Декларация имзоланди. Унинг мақсади таққосланадиган даражалар тизимини қабул қилиш, академик ва касбий тан олишни енгиллаштириш ва битирувчиларнинг ишга жойлашиш имкониятларини таъминлашга қаратилди. Болонья жараёни барча давлатлар учун очиқ бўлиб, бугунги кунга келиб иштирокчи давлатлар сони 50 га яқинлашиб қолди.

Болонья декларациясини имзолаган барча давлатлар олий таълимнинг икки босқичли (бакалаврият – 3-4 йил, магистратура – 1-2 йил) тизимига ўтишган. Олий таълимдан кейин доктор (3-4 йил) даражасини олишга имкон яратилади.

Хорижда ECTS (European Credit Transfer System) тизими таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир ўқув фанига юклама ҳажмидан, келгусидаги касбий фаолияти учун муҳимлигидан келиб чиқиб кредит бали белгиланади. Талаба ҳар бир фанни муваффақиятли ўзлаштирган тақдирда белгиланган кредитларни олади ва бу кредитлар йиғиндиси унга мос бўлган бакалавр ёки магистрлик даражасини олишга имкон беради.

Хўш, кредит-модуль тизими нимани назарда тутди? Бугунги кунда таълим дастурларини амалга ошириш учун дунё тажрибасида кредит тизими деб номланган амалиётдан кенг фойдаланилади. Кредит тизими ўз ичига

таълим ва унинг учун сарфланадиган умумий меҳнат харажатлари миқдорини камраб олади. Жаҳон амалиётида Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS) энг кенг тарқалган тизимлар ҳисобланади.

“Кредит соат” тизими дастлаб АҚШда пайдо бўлган ва такомиллашган. 1969 йилда Гарвард университети Президенти, Америка таълимининг атоқли намояндаси Чарльз Элиот биринчи бўлиб “кредит-соат” тушунчасини киритди ва 1870-1880 йиллар давомида фан ҳажмини кредит-соатларда ўлчашга имкон берувчи тизимни жорий қилди. 1892 йилдан “кредит-соат” тизимини жорий қилишнинг иккинчи босқичи бошланди. Бунда АҚШ миллий таълим қўмитаси “коллеж-мактаб” бўғинини яхшилаш, ўрта мактабларда ўқув дастурларини стандартлаш мақсадида нафақат коллежларда, балки ўрта мактаблар учун ҳам “кредит” тушунчасини жорий қилди ва кейинчалик бакалаврият дастурлари мазмунини баҳолашнинг кредит тизимини магистратура ва докторлик таълим босқичларигача кенгайтди.

Бакалавр даражасини (Bachelor of Arts - BA ёки Bachelor of Science - BSc) олиш 4 йил ўқишни назарда тутлади. Бу давр ичида талаба ўртача ҳар бири 3 кредитлик 40 тача фанни ўзлаштириши зарур бўлади. Биринчи ва иккинчи йил таянч билимларни олиш учун ажратилади (таъминан, 60-68 кредит) ва у оралиқ даража (Associates) билан яқунланади, учинчи ва тўртинчи йиллар мутахассислик фанларини жадал ўрганишга бағишланади ва бу жараён малакавий имтиҳон билан тугалланади.

Олий таълимнинг иккинчи босқичи (Graduate Level) – бу ўрта ҳисобда икки йиллик ўқиш натижасида магистр даражасини (Master of Arts - MA ёки Master of Science - MSc) олиш учун мўлжалланган магистрлик дастурларидир.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг иккинчи босқичи ва учинчи поғонаси – докторлик дастурлари бўйича ўқиш бўлиб, у тор мутахассисликга ўқиш ва мустақил илмий изланувчиликга йўналтирилган.

Даражани олиш учун талаба белгиланган миқдордаги кредит-соатларни тўплаши зарур. АҚШ да қабул қилинган USCS (US Credit System) тизимида кредит-соат – бу ўқиш вақтига асосланган ўлчовдир. Масалан, бакалавриятда 1 кредит-соат талабанинг семестр давомида ҳар ҳафтадаги 1 академик соат аудитория ишига тенг. Бундан ташқари ҳар бир аудитория машғулотида 2 соат (100 минут) мустақил иш қўшиб берилади. Магистратурада, ва айниқса докторантурада бу меҳнат ҳажмида мустақил ишнинг ҳиссаси кўпайиб бориши назарда тутилади.

АҚШ да бакалавр даражасини олиш учун 4 йилда камида 120 кредит-соат,

магистр учун 1-2 йилда мос равишда 30-60 кредит-соат, докторлик дастурларида эса 3-4 йилда мос равишда 60-90 кредит-соат тўплаш талаб этилади.

Олий таълим тизимида кредит-соат тушунчаси дарс жадвалини тузиш, GPA ўртача баллини ҳисоблаш, кафедралар, ўқитувчилар ва талабаларнинг юкламасини аниқлаш учун асос ҳисобланади.

USCS тизими Америка талабаларининг мобиллигини оширади, чунки бир университетда олинган кредитлар бошқаларида ҳам ҳисобга олинади ва талабалар ўқишларини бир олий ўқув юртидан бошқасига синов бирликларини сақлаган ҳолда кўчиришлари мумкин. Бундай амалиёт қолдирилган ўқиш ва ўқишга тиклаш жараёнларини ўзаро боғлаш учун ҳам қўлланилади.

Испанияда университет таълими кўп поғонали бўлиб қуйидаги даврларни ўз ичига олади:

- биринчи таълим даври: у камида 3 йил давом этади ва 180-270 испан кредитларига тенг бўлади;

- бирлаштирилган биринчи ва иккинчи даврлар: 4-5 йилга мўлжалланган бўлиб (тиббий мутахассисликлари учун 6 йил), биринчи давр - 2-3 йил, иккинчиси - 2 йил давом этади. Кўрсатилган 4,5 ва 6 йилда талабалар 300-500 кредит тўплашади.

- иккинчи давр – якка тартибда;
- учинчи давр – докторантура.

Биринчи давр якунида талабаларга Diplomado, Arquitecto Tecnico ва Ingeniero Tecnico каби академик даражалар берилиши мумкин. Иккинчи давр якунида эса - Licenciado, Arquitecto ёки Ingeniero Superior даражалари берилиши мумкин. Докторлик даражаси учинчи даврда ўқишни якунлаган ва диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилган талабаларга берилади.

Испанияда “кредит”ни аниқлашга ўзгача ёндашилади – ҳар бир кредит 10 соат аудитория машғулотларига мос келади, тўпланган кредитлар йиғиндисига қараб талабанинг ўзлаштириши баҳоланади. Талабалар томонидан назарий ва амалий машғулотлар бўйича алоҳида кредитлар тўпланади, уларни ҳатто аудитория машғулотларидан ташқари бошқа ўқув ишларини бажариб ҳам олиш мумкин.

Швецияда 1 швед кредити университетда 1 ҳафта ўқишга тенг деб қабул қилинган. Бу тизим ўқув режаларини тузишни ва талабаларнинг бажарган ўқув соатларини ҳисоблашни енгиллаштириш учун жорий этилган. Швеция университетларида ўқув йили 40 ҳафта давом этади ва кузги ҳамда баҳорги семестрлардан иборат бўлади. Шундай қилиб, талаба ўқув йили давомида

маъруза, яқка тартибдаги ишлар ва бошқа ишларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 40 кредит тўплайди.

Бакалавр даражасини олиш учун 3 йиллик ўқиш давомида 120 кредит олиш керак. Магистратурада ўқиш 1-1,5 йил (60 кредит), докторантурада эса – 2-4 йил давом этади.

Швеция кредитларини Европа ECTS кредитлари билан таққослаш учун улар 1,5 га кўпайтирилади. Масалан бакалавриятдаги 120 Швеция кредити 180 ECTS кредитига, магистратурадаги 60 Швеция кредити - 90 ECTS кредитига тенг бўлади.

Швеция университетларида таълим жараёнлари маърузалар, семинарлар, баҳс-мунозаралар (ўқитувчи иштирокида ёки иштирокисиз) шаклида ташкил қилинади. Ҳар бир курс якунида имтиҳон семинарлари, аудиторияда топшириқларни бажариш ва ёзиш кўринишидаги имтиҳонларни топшириш назарда тутилади.

Белгияда кредит таълим тизими Европа ECTS кредит тизимларига мослаштирилган ва ҳалқаро ҳамкорлик доирасида қўлланиладиган кўринишда тақдим этилган.

Буюк Британияда таълим тизими Бирлашган Қиролликнинг CATS (Credit Accumulation and Transfer Scheme/System – Кредитларни тўплаш ва кўчириш схемаси/tizими) тизимига асосланган бўлиб, унинг мақсади кўп сонли малака ҳужжатлари тизимини ҳар бир тур учун алоҳида кредитлар белгилаш орқали тартибга солиш ва ягоналаштиришдир. CATS тизими Бирлашган Қиролликда, Жанубий Африкада ва Янги Зеландияда кенг тарқалган.

CATS бўйича академик йил 1200 шартли ўқув соатлари ёки 120 кредитни ўз ичига олади, 1 британия кредити 10 шартли ўқув соатларига тенг. Шартли ўқув вақти дейилганда, талаба фанни ўзлаштириши учун сарфлайдиган соатлар миқдори тушунилади. Шартли вақт аудитория машғулотлари, асосий амалий ишлар, лойиҳа устида ишлаш, мустақил таълим машғулотларини, имтиҳонларга тайёргарлик ва уларни топшириш каби фаолиятларни, яъни барча турдаги ўзлаштириш учун зарур бўлган ўқув фаолиятларини ўз ичига қамраб олади.

Британия университетларида бакалавр даражасини олиш учун 3 йил давомида 360 британия кредитларини қўлга киритиш керак. Тўртинчи йил талабаларга “имтиёзли бакалавр” (Bachelor with Honours) даражасини олишга имкон берилади.

20-асрнинг сўнгги ўн йилликларида Европада олий ўқув юртларининг ҳалқаро таълим дастурларидаги иштироки муҳим масалага айланди, олий таълим ўқув дастурларини интернационаллаштириш тараққиётнинг долзарб

йўналишларидан бири бўлиб қолди. 1987 йилда Европа Иттифоқи асос солган талабалар алмашишнинг ERASMUS (European Community Action Scheme for Mobility of University Students) таълим дастури энг намунали деб топилиб асос сифатида қабул қилинди ва Европанинг 12 та давлатида жорий этилди. Тўпланган тажрибалар қайта ишланиб барча ёш гуруҳлари таълимига ихтисослашган янги SOCRATES дастури учун асос сифатида қабул қилинди. Бу дастур 2006 йилгача режалаштирилди ва 31 давлатда амал қилди. Булардан ташқари, Европада талабалар алмашиш дастури бўйича Европанинг илм-фан ва университетлар бешиги сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган Leonardo Da Vinci ва Tempus-Tasis таълим дастурлари амалга оширилди.

Бу дастурларни амалга оширишда Европада турли хиллик ва ўзаро мос келмаслик ҳолатлари юзага чиқди, умумлаштиришда қийинчиликлар пайдо бўлди. Шундай инструмент ишлаб чиқиш зарур эди, у миллий таълим тизимларини амалда яқинлаштириши, мослашувчан ва шаффоф қилиши, таълимдаги ҳужжатлар эса – осон таққосланадиган бўлиши керак эди. Бундай тизим сифатида ERASMUS дастурининг тажриба лойиҳаси сифатида юзага келган ва 1989-1995 йилларда 6 йил давомида экспериментал текширувдан ўтган ECTS (European Credit Transfer System) тизими тан олинди. Унда Европанинг 145 та олий ўқув юрти иштирок этди.

1999 йилнинг июнида 29 та Европа давлатларининг таълим вазирлари Болонья декларациясини имзолашди, унда асосий эътибор ECTS ва умумевропа диплом иловасига қаратилди. Бунда ECTS нинг вазифаси этиб 2010 йилда ягоналаштирилган олий таълим тизимини яратиш эмас, балки халқаро “шаффофлик” ка эришиш ва мавжуд таълим тизимларини ва малакаларини давлатлар ва олий ўқув юртларининг таълим сиёсати соҳасидаги автономлигини сақлаб қолган ҳолда мослаштириш белгиланди. Ҳозирги кунгача деярли барча Европа давлатлари ўз миллий олий таълим тизимларида ислоҳотлар ўтказишди, кредит таълим тизимини жорий қилишди. Бироқ, улар миллий ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига қаратилганлиги сабабли ўзаро жиддий фарқ қилишади. Ҳар бир давлат ўзининг ноёб таълим тизимини, миллий, тарихий ва маданий анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, Европада мантиқан рад этиб бўлмайдиган, максимал даражада яқинлашиш ва миллий тизимларнинг баҳолаш шкалаларини умумевропа андозаси бўйича тенглаштириш учун зарур бўлган ECTS тизими пайдо бўлди. Унга кўра Европа кредити – тьютор ва талаба контакт соатлари ҳажмининг шартли бирлиги ҳисобланади. Ўрта ҳисобда бир ўқув йилида

талаба 60 Европа кредитларини тўплаши шарт.

Европа, Америка ва Британия синов бирликлари тизими билан бир каторда Осиё-Тинч Океани региони учун UCTS (University Credit Transfer System) университет кредитларини ўтказиш тизими ҳам мавжуд. Бу тизимга регионнинг йирик давлатлари, масалан, Япония ва Хитой умуман қўшилишмаган. Бу лойиҳанинг тажриба схемаси 5 йилга (1999-2004 йй.) мўлжалланган эди. Унинг мақсади UMAP (Осиё-Тинч океани регионидан университетлар мобиллиги) ташкилоти томонидан регионда ва UMAP фаолият соҳасига кирувчи ҳудудларда ва дунёнинг бошқа регионларидаги давлатлар билан биргаликда хорижий олий ўқув юртларидаги олинган кредитларни кафолатли тан олиш орқали талабалар алмашинувини самарали йўлга қўйишга ёрдам кўрсатиш эди.

UCTS кредитлар шкаласи худди ECTS ники каби бир академик йил учун 60 кредитни ташкил қилади (семестрда – 30). UCTS кредитлар шкаласи фақат конвертациялаш шкаласи сифатида ишлатилади. У қабул қилувчи ва ўқишга жўнатувчи олий ўқув юртларидаги мавжуд кредитлар тизимини (ёки ўқув юкламасини ўлчашнинг бошқа турларини) алмаштириш учун мўлжалланмаган.

UCTS тизими, академик йил учун 60 кредит ва ECTS баҳолаш шкаласи жорий этилганлиги сабабли ECTS моделига асосланган бўлиб, у ECTS моделининг соддалаштирилган варианты ҳисобланади. UCTS тизими институтлар ўртасида фақат талабаларнинг юкламалари ва баҳоларини тан олиш ва ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган, у муайян институтдаги мавжуд тизимни алмаштиришни назарда тутмайди. UCTS тизимида факультет вакили фақат UCTS дан фойдаланиш бўйича умумий тавсиялар беради ва олий ўқув юртлари ўртасида мулоқот юритувчи шахс ҳисобланади. Талабанинг ўзи шахсий хорижий таълим дастурини тузади. Талаба дастурни тузиб бўлганидан сўнг ўқишга жўнатувчи ва қабул қилувчи институтлар муайян дастурдаги фанларни ўрганиш учун талабага бериладиган кредитларга нисбатан ўзларининг розиликларини маълум қилишади.

UMAP талабалар алмашинуви шартлари батафсил ифодаланган икки томонлама келишувларни тузишда университетларга ёрдам беради ва уларни қўллаб-қувватлайди.

Худди ECTS даги каби UCTS да ҳам, асосий мақсад талабанинг хорижда олган кредитларини ўқишга жўнатувчи институт томонидан қайта қабул қилинишини кафолатлаш ва шу орқали UMAP нинг самарасини ошириш ҳамда талабаларнинг мобиллигини оширишга қаратилган.

Япония синов бирликлари тизими американинг USCS тизими асосига

қурилган бўлиб, унинг фақат битта фарқли жиҳати – “кредит-соат” тушунчаси “синов бирликлари” (units) атамаси билан алмаштирилганлигидир. Шунинг таъкидлаш жоизки, АҚШ нинг бир нечта университетлари, хусусан Массачусет техника университети ҳам ушбу атамадан фойдаланади. Япониялик талаба бакалавр даражасини олиши учун университетда 4 йил ўқиши керак, ундан 2 йили – кенг умумтаълим тайёргарлик, кейинги 2 йил – мутахассислик бўйича таълим. Фанлар мажбурий ва танлов фанларига бўлинади.

Шундай қилиб, Японияда бир синов бирлиги талаба семестр давомида бирор фанни ҳар ҳафтада бир соат ўқишини ва бакалавр даражасини олиши учун 146 синов бирлиги тўплаши зарурлигини англатади.

Японияда олий таълимдан кейинги таълим икки босқичдан иборат: "master course" – 2 йил давом этади ва магистрлик даражасини олиш билан яқунланади ва "doctor course" – 3 йил давом этади ва доктор даражасини олиш билан яқунланади.

Магистр даражасини олиш учун талаба 30 синов бирлиги тўплаши (бунда танлов фанлари илмий раҳбар билан келишиб олинади) ва диплом ишини ёзиши керак. Докторлик даражасини олиши учун магистрлик даражасини олгандан сўнг 3 йил давомида илмий раҳбари назоратида илмий иш билан шуғулланиши, битирув имтиҳонларини топшириши ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши зарур.

Хитой таълим тизимини Чинхуа университети, Пекин давлат университети, Пекин техника университети, Жилиан университетлари мисолида ўрганиш шунинг кўрсатадики, Хитой Халқ Республикасида Америка таълим тизимига ўхшаш уч даражали таълим тизими қабул қилинган. Бакалавр даражасини олиш учун 120 кредитни, магистр даражасини олиш учун – 30-60 кредитни қўлга киритиш керак. Ўқув йили икки семестрга ажратилган ва 1-сентябрдан бошланади. Бироқ, семестр давомийлиги Америка тизимидан фарқ қилиб 20 ҳафтани ташкил қилади. Университетларда ўқиш 4-5 йил, табиёт университетларида – 7-8 йил ва касбий-техник мактабларда – 2-3 йилни ташкил этади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилганлардан кўриш мумкинки, нафақат давлатларнинг таълим тизимларида, балки “кредит” атамасини тушуниш ва уни талқин қилишда ҳам сезиларли фарқлар мавжуд. Агар Европа кредити ўз ҳажми бўйича барча аудиториядаги контакт соатларни ва ундан ташқаридаги соатларни акс эттирсин, Америка кредит соати қатъий равишда фақат аудиториядаги контакт соатларни ўзида ифода қилади ва талаба икки баробар кўпроқ мустақил шуғулланишини, шу жумладан ўқитувчи раҳбарлиги остида

ҳам мустақил шуғулланишини назарда тутди.

Европа кредитларида доим талаба қанча вақт аудиторияда шуғулланиши ҳақидаги масала очиқ қолади, ва бу рақам фан, ўқитувчи ёки университетга қараб ўзгариши мумкин. 2004 йилнинг апрелида Ednet таълим тармоғи томонидан ўтказилган “Таълим бозорини глобаллаштириш: Марказий Осиё университетлари реформалари” мавзусидаги 4-Халқаро анжуманда 1 ECTS кредити - аудитория машғулоти, коллоквиумлар, анжуманлар, кутубхоналардаги баҳс-мунозаралар, ташқи тадбирлар ва шу қабида қатнашишни, яъни барча турдаги контакт машғулотларини ҳам ҳисобга олган ҳолда 24-36 иш соатларига тенг деган хулосага келинган. ECTS тизимида тахминан 60 кредит – бир академик йил, 30 кредит – бир семестр, 20 кредит – бир триместрдаги таълимга мос келади. Америка кредити (бир семестрда аудиториядаги 12-18 соат машғулотга тенг) билан таққослаш учун айтиш мумкинки, Европа давлатларида талабалар тахминан худди шунча миқдорда аудиторияда шуғулланишади, қолган вақтни ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил иш деб ҳисоблаш мумкин. ECTS кредит – фаннинг ўқув юктамаларини ўзлаштириш учун меҳнат сарфини ифодалайди, иш соатлари деганда эса – барча турдаги контакт соатлар тушунилади, деб айтиш мумкин.

Кредит тизимларининг юзага келган кенг қамровли диверсификацияси шароитида ECTS тизими кўп миллатли Европа аъёнларини инобатга олган ҳолда турли таълим тизимларини яқинлаштиради. Ўзбекистонда кредит таълим тизимига асосланган миллий моделни ишлаб чиқишда, Европа ECTS кредити ва Америка кредит соатлари тизимларининг ютуқларини инобатга олган ҳолда юқори таълим сифатини ва дунё таълим жараёнларига интеграциялашиш учун ишончли асосни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган дунё таълим тизимлари таҳлилидан келиб чиқиб Америка кредитлари (USCS) ни Европа (ECTS) ва Осиё-Тинч Океани (UCTS) кредитларига айлантириш анча осон: 1 Америка кредит-соати = 1 Хитой кредити = 1 Япон синови бирлиги = 2 Европа кредити = 2 Осиё-Тинч Океани кредити = 4 Британия кредити.

Кредит таълим тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, дунёнинг турли давлатларида у ўзига хос хусусиятларга эга. Шунга қарамадан, кредит таълим тизимининг самараси ва мақсадга мувофиқлиги унинг кўплаб дунё давлатлари таълим тизимларида кўпроқ тарқалганлиги билан асосланилади, чунки таълим дастурларининг талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилиши ижодий фаолликни ва билим олишга ўзини сафарбар қилишга, охир-оқибат таълим сифатини оширишга имкон беради.

2.1. Кредит-модуль тизимининг афзаллик ва муаммоли жиҳатлари.

Кредит-модуль тизимида ўтишда бир қатор муаммоли жиҳатларга эътиборимизни қаратишимиз ва бу тизимнинг афзаллик жиҳатларига урғу бериш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, талабанинг умумий юкламаси аудитория ва мустақил таълим юкламаларидан иборат. Амалдаги таълим тизимида аудитория юкламаларига катта эътибор қаратилиб келинмоқда, лекин мустақил иш турлари ҳали оммалашмаган. Кредит тизимида энг аввало талабанинг мустақил ишига жиддий эътибор қаратилади.

Кредит бу баҳо эмас, балки иш ҳажми ҳисобланади. Масалан, талаба 5 кредитлик фанни ўзлаштирган бўлса, у 5 кредит ҳажмидаги ишни бажарган ҳисобланади, яъни у ушбу фаннинг маърузаларида, амалий ва лаборатория машғулотларида қатнашган, мустақил иш топшириқларини бажарган ҳисобланади. Демак, бу фанни ўзлаштирган талаба уни қандай баҳога ўзлаштирганидан қатъий назар у 5 кредитни қўлга киритади.

Кредит-модуль тизимининг мазмун-моҳиятини очиб беришда уни фақат “кредит” ва “модуль” атамалари орқали изоҳлаш етарли бўлмайди. Бу атамалар уни ихчам номлаш учун қўлланилган, холос. Биз кредит-модуль тизимининг моҳиятини бошқача усулда очиб бермоқчимиз. Яъни, биз китобнинг яратилишига асос бўлган тамойиллар, кредит-модуль тизимининг амалдаги таълим тизимидан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Аввал таъкидлаб ўтилганидек, кредит-модуль тизимининг асосий тамойиллари ва элементлари қисман Ўзбекистон олий таълим тизимида татбиқ қилинган. Шундай экан, биз бу ерда кредит-модуль тизимининг фақат биз учун янги бўлган ва амалдаги таълим тизимида мавжуд бўлмаган қуйидаги 10 та муаммоли жиҳати ва афзалликлари ҳақида фикр юритамиз ва зарур жойларда амалга оширишнинг имкони бўлган таклифларимизни келтириб ўтамиз.

1) Олий таълимнинг самарадорлиги. Амалдаги таълим тизимида талабалар 1-курсдан бошлаб йўналишлар ва улар ичида тармоқлар бўйича ажратилиб ихтисослик фанларини ўқишни бошлашади. Яъни, биз талабани ҳали абитуриентлик пайтидаёқ танловдан маҳрум қилиб ихтисосликка бириктириб қўямиз.

Кредит-модуль тизимида эса энг аввало талабага танлов имкони берилади. Танлов фанлари семестрдан семестрга ошиб боради.

Илғор хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, бакалавриятни иккита босқичга ажратиш орқали, 1-2 курсларда таянч фанларни, 3-4 курсларда эса

танлов асосида ихтисослик фанларини ўқитиш мумкин. Демак, эндиликда кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун 4 йил эмас, 2 йил етарли бўлади. Бу эса олий таълимнинг иш унумини, самарадорлигини 2 баробар оширади.

2) “Талаба-ўқитувчи” нисбати. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олий таълим тизимида махсус фанларни паст курслардан бошлаб режалаштириш, ўқув режалардаги такрорланадиган фанларни ҳар хил мутахассисликлар бўйича алоҳида ўқитиш, аудитория соатлари ҳажмини ошириш каби ҳолатлар мавжуд. Бундай жараёнлар ўқув юкламаларининг кескин ошишига сабаб бўлади.

Бироқ, биз биламизки олий ўқув юртида битта ўқитувчига тўғри келадиган юклама ҳажми олий ўқув юрти бўйича умумий ўқув юкламаси ҳажмини талабалар сони асосида ҳисобланган ўқитувчилар сонига бўлиш орқали аниқланади. Яъни, ўқитувчилар штати ўқув юкламалари асосида белгиланмайди, балки талаба-ўқитувчи нисбати орқали белгиланади. Олий ўқув юрти бўйича умумий ўқитувчилар сони аниқлангандан сўнг, ушбу асосда кафедралар штатини шакллантирилади, бунда эса кафедра ўқув юкламалари ҳажмига асосланилади.

Кредит-модуль тизимида талаба-ўқитувчи нисбати 16:1 ва ундан ҳам юқори бўлиши кўзда тутилади. Бунга аудитория юкламаларини камайтириш, талабанинг мустақил иши ҳажмини ошириш, ўқув режаларни унификациялаш, дарсларни катта аудиторияда ташкил қилиш орқали эришиш мумкин.

3) Талабанинг мустақил иш турлари. Очиғини тан олишимиз керак, биз асосан “талабани қандай ўқитишимиз керак?”, деган муаммо устида бош қотирамиз. Кредит-модуль тизимида эса “талаба қандай ўқиши керак?” деган муаммо кўндаланг қўйилади. Буни батафсил изоҳлаб ўтамиз.

Амалдаги таълим тизимида асосан аудиториядаги дарсларга кўпроқ эътибор берилади, талабанинг мустақил ишига эса жиддий эътибор қаратилмайди, чунки бу фаолият тури чуқур ўрганилмаган.

Кредит-модуль тизимида эса фан модули таркибидаги “Ўқитувчи Раҳбарлигидаги Талабанинг Мустақил Иши” (ЎРТМИ) ва ўқитувчига боғлиқ бўлмаган “Мустақил Таълим” (МТ) муҳим аҳамият касб этади. ЎРТМИ га кейслар, топшириқлар, интервью, кроссворд, викторина, эссе, дайжест, тақдимот, ҳисоб иши, ҳисоб-чизма иши, курс лойиҳаси, курс иши, илмий изланишлар, фан тўғаракларида қатнашиш ва ҳ.к.ларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай фаолият турларига раҳбарлик қилиш учун алоҳида ўқув юкламалари жорий этилиши мақсадга мувофиқ. МТ га эса водкастлар, ўргатувчи тестлар, виртуал тренажёрлар, FAQ, форумларни мисол қилиб келтириш мумкин. ЎРТМИ ва МТ турлари рўйхатини, глоссарийларни,

уларни қўллаш бўйича услубий қўлланмаларни зарур даражада шакллантиришимиз мумкин, лекин энг асосий масала – ҳар бир фан бўйича ўзига хос ЎРТМИ ва МТ турларини ишлаб чиқишдир. Айниқса, ушбу мустақил иш турларини масофавий таълим платформаларида шакллантириш шу куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу жараёнларни илғор педагогларнинг тажрибаларини оммалаштириш орқали жадаллаштириш мумкин.

Гапнинг қисқаси, талабанинг мустақил ишлашини ташкил қилмас эканмиз, ҳар қанақасига уринмайлик, ишларимизнинг самараси бўлмайди.

4) Ўқув режаларининг мослиги. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олий таълим тизимида бир хил йўналишдаги ўқув режаларнинг турдош ОТМ ларда ўзаро фарқ қилишини кузатиш мумкин. Кредит-модуль тизими жорий қилиниши билан эса ўқув режалар Болонья жараёни иштирокчи давлатларидаги ўқув режаларга тўлиқ мос бўлади ва дипломларнинг ўзаро тан олиншига шароит яратилади. Бунинг учун биринчи навбатда ўқув режаларимизнинг хорижий ўқув режаларга мослигини таҳлил қилишимиз зарур.

5) Таълим натижалари. Кредит-модуль тизимида таълим мазмуни “таълим натижалари” асосида режалаштирилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, талабаларга ўқитиладиган фанлар ва уларнинг мазмуни келгусидаги касбий фаолият тури учун қанчалик зарурлигидан келиб чиқиб шакллантирилади. Очиги, ҳозирги кунда биз бу борада мақтана олмаймиз, чунки ўқув режаларига объектив ва субъектив сабабларга кўра ҳар хил фанлар кириб қолган. Бу муаммони ҳозирги кунда икки хил усулда ечиш мумкин.

Биринчидан – бакалаврият ва магистратура таълим дастурлари бўйича компетенциялар жадвалини шакллантириш, профессиограммаларни тузиш зарур. Бу жуда аниқ, лекин катта ҳажмдаги иш ҳисобланади.

Иккинчидан – ўқув режаларини хорижий таҳлил қилиш зарур. Бунда етакчи хорижий олий ўқув юртларининг ўқув режалари ва силлабуслари мазмунига мўлжал олинadиган бўлса камроқ хатога йўл қўйилади ва бу ишни мутахассислик кафедраларининг масъул ўқитувчиларининг имкониятлари даражасида ҳал қилиш мумкин.

Ўқув режаларини шакллантириб бўлганимиздан сўнг “танлов фанлари каталоги”ни тузиб, уларни талабалар танловига тақдим қилишимиз зарур. Шу орқали ўқув режаларидаги фанлар талабаларнинг қизиқишларига, кадрлар истеъмолчиларининг талабларига қай даражада мос келишини билиб олиш мумкин.

6) Регистратор Офиси. Амалдаги таълим тизимида талабалар

контингенти билан деканатлар, ўқув бўлими, кадрлар бўлими, қабул бўлими каби кўплаб бўлинмалар шуғулланишади. Талабалар контингенти билан шуғулланадиган марказлашган бўлинма эса мавжуд эмас.

Кредит-модуль тизимида талабалар контингенти билан марказлаштирилган бўлинма – Регистратор Офиси шуғулланади. Унинг вазифаси - академик тақвим тузиш ва унинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, қабул комиссиясининг ишини ташкил қилиш, фанларга ёзилишни ташкил қилиш (Enrollment), академик гуруҳларни шакллантириш, киришда билимларини аниқлашни ташкил қилиш ва уни назорат қилиш, якуний назорат ва оралиқ аттестацияларни ташкил қилиш ва ўтказиш, якуний давлат аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказишни назорат қилиш, талабаларнинг шахсий ҳужжатларини архивгача сақлаш, “Регистратор” маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаш, транскриптни юритиш ва унга талабаларнинг баҳоларини киритиш, тантанали маросимларни ташкил қилиш ва ўтказиш (битирувчиларнинг дипломларини расмийлаштириш ва тантанали равишда тақдим этиш), талабалар контингенти бўйича статистика юритиш каби вазифалардан иборат бўлади.

Бу тузилма кредит-модуль тизимида талабага қаратилган бўлинма бўлиб, уни кредит-модуль тизимига тўлиқ ўтилгунга қадар вақтинча деканат ва бўлимлардан ходимларни жалб қилиш орқали ташкил қилиш мумкин.

7) Модулли ўқитиш. Кредит-модуль тизимининг амалдаги таълим тизимидан фарқ қилувчи жиҳатларидан яна бири шундаки, бунда фанлар модулли асосда ташкил қилинади ва ўқитилади. Яъни ҳар бир модуль (фан ва унинг бўлими) кириш назорати, назарий материаллар, амалий ва лаборатория ишлари материаллари, мустақил иш топшириқлари, кейслар, назорат материаллари, тестлар, тарқатма материаллар, глоссарий, адабиётлар, чиқиш назоратлари ва ҳ.к. қисмлардан ташкил топган бўлади.

8) Талабанинг шахсий траекторияси. Кредит-модуль тизимида талабаларни ҳаётда мустақил бўлишга кўниктириш амалиёти қўлланилади. Яъни, талабага ўз шахсий траекториясини тузиш ва ҳар семестрда бошқа академик гуруҳда ўқиш имкони берилади.

Шунингдек, талабаларни табақалаб ўқитишга жиддий эътибор қаратилади, бунда илғор талабаларни алоҳида ўқитиш орқали таълим самараси ошириш, уларнинг академик ютуқларига замин яратиш мумкин.

9) Ёзги семестр ва экстерн имтиҳонлар. Суст ўқийдиган талабаларнинг фанларни қайта-қайта топширишларига чек қўйилади. Фанни биринчи қайта топширишдан ўта олмаган талабага ёзги семестрда фанни қайта ўқишга имкон берилади.

Илғор талабаларга эса семестр бошида экстерн имтиҳон топшириш орқали кредитларни олдиндан олиш имкони ҳам тақдим этилиши мумкин.

10) Баҳолаш тизимининг шаффофлиги. Амалдаги таълим тизимида ҳалигача “ўқитувчининг ўзи ўқитиб - ўзи баҳолаш” амалиётини кузатиш мумкин.

Кредит-модуль тизимида эса ўқитувчи асосан ўқитиш билан шуғулланади. Баҳолашни эса комиссия амалга оширади. Яъни, педагоглар “лектор” ва “тьютор” ларга ажратилади. Лектор – назарий билим беради, тьютор – назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантиради, оддий қилиб айтганда талабаларни имтиҳонга тайёрлайди. Имтиҳонни эса комиссия қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5-июндаги ПҚ-3775-сонли Қарорида муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштироки истисно этилди ва талабанинг ўзлаштириш даражаси – профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони этиб белгиланди. Яъни, эндиликда “ўқитувчининг ўзи ўқитиб - ўзи баҳолаш” усули кун тартибидан олиб ташланди.

2.3. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини режалаштириш, ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.

Олий мактабдаги ўқув жараёни олий малакали мутахассисни тайёрлашдаги ташкилий, бошқарув, билиш фаолиятини ривожлантириш каби кўп қирраларни ўз ичига олувчи мураккаб жараёндир.

Ўқув жараёни асосан ўқув машғулоти ва назорат жараёнларидан ташкил топган. Ўқув машғулоти барча турдаги академик машғулотларни, талабаларнинг мустақил таълими ва малакавий амалиётларни ўз ичига олади. Назорат жараёнлари талабаларнинг таълим дастурини қай даражада ўзлаштирганлигини кўрсатади.

Ўқув жараёнини режалаштириш олий ўқув юртининг ўқув фаолиятини бошқаришда муҳим элементларидан бири ҳисобланади. У қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- дастлаб ўқув йили давомидаги асосий ўқув жараёнлари ва уларни амалга ошириш муддатлари акс эттирилган академик тақвим тузилади;
- намунавий ўқув режага қўшимча равишда танлов фанларининг рўйхати шакллантирилади;
- намунавий ўқув режа ва танлов фанлари рўйхатига мос равишда эдвайзерлар ёрдами билан, Регистратор Офиси ва декан назорати остида ҳар

бир талабанинг шахсий ўқув режаси шакллантирилади;

- ишчи ўқув режалари тузилади;
- фанларнинг ишчи ўқув дастурлари (syllabus) ишлаб чиқилади;
- йўналиш ва мутахассисликларнинг ишчи ўқув режаларига мос равишда

кафедраларнинг ўқув юкламалари режалаштирилади ва профессор-ўқитувчиларнинг штат жадвали ҳамда уларга тақсимланган кредитлар тасдиқланади;

- академик потоклар ва гуруҳлар кесимида дарс жадваллари тузилади.

Бакалаврият намунавий ўқув режалари 4 та блокдан иборат бўлади:

- 1) табиий-илмий ва гуманитар фанлар блоки;
- 2) умумкасбий фанлар блоки;
- 3) ихтисослик фанлари блоки;
- 4) қўшимча фанлар блоки.

Магистратура намунавий ўқув режалари 2 та асосий блокдан иборат бўлади:

- 1) умумметодологик фанлар блоки;
- 2) мутахассислик фанлари блоки.

Фан блокларидаги фанлар мажбурий ва танлов фанлари бўлиши мумкин. Мажбурий фанларга малака талабларида келтирилган, ўзлаштирилиши шарт бўлган фанлар киради. Танлов фанларига кадрлар буюртмачилари талаби билан олий ўқув юрти томонидан таклиф этиладиган фанлар киради.

Намунавий ўқув режаларда мажбурий ўзлаштириладиган фанлар уларга ажратилган кредитлар билан бирга келтирилади. Танлов фанлари бўйича кредитлар олий ўқув юртлари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Йўналиш ва мутахассисликнинг ишчи ўқув режалари харажатларни оптималлаштириш мақсадида энг кўп талабалар контингентининг шахсий ўқув режаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Ишчи ўқув режаларининг талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятини тўлароқ қамраб олган ҳолда катта контингентга мослаштирилиши, ўқув жараёнининг самарасини оширади.

Кредит таълим тизимида ўқув ишлари ҳажми ўқитиладиган материал ҳажми бўйича аниқланади ва кредитларда ўлчанади.

Кредит – ўқув ишлари ҳажминининг ўлчов бирлиги бўлиб, 30 академик соатга тенг бўлиши мумкин (15 ҳафталик семестрда). Бунда аудитория ва мустақил таълим соатлари бакалаврият ва магистратурада – 1:1 нисбатда бўлиши мумкин.

Ҳар бир фаннинг ҳажми бутун сонли кредитлар билан ифодаланади. Ўрта ҳисобда фанлар сони 40 тадан ошмаслиги шарти билан битта фанга ўртача

$240/40=6$ кредит ажратилиши мумкин, фанлар учун кредитлар ундан кам ёки кўп ҳам бўлиши мумкин.

Ишчи ўқув режаларида аудитория машғулотларининг нисбатлари (маъруза, амалий, лаборатория машғулотлари ва х.к.) фаннинг ўқитилиш усулларида келиб чиққан ҳолда олий ўқув юртининг илмий-услубий кенгаши томонидан комиссиялар хулосасига кўра белгиланади.

Ўқув режасининг ҳар бир фани ўзига хос бетакрор номга эга бўлиши лозим. Ўқув режасида ҳар бир фанга ҳарfli ва рақамли ягона кодлаш тизимини қўллаш лозим. Бунда фаннинг коди унинг номига мос бир нечта лотин ҳарфи ва тартибини ифодаловчи рақамларидан иборат бўлиши ва ҳарfli кодини белгилашда халқаро номланишдан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Масалан, MATS203 коди 2-курсада ўқитиладиган математиканинг учинчи мураккаб бўлимини (“Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”) англатади. Магистратурада ўқитиладиган “Илмий-тадқиқот методологияси” фани RESM101 коди билан белгиланиши мумкин.

Бакалавриятда фанлар сони камроқ ва йирик ҳажмли бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўқув режадаги мажбурий ва танлов фанлари улушини белгилашда мутахассиснинг тайёргарлик даражасига бўлган талаблар, фанлар мазмуни ва таълим натижалари, фанлар тузилмаси ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва унификацияланиш даражаси ҳамда халқаро тажрибалардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Барча турдаги амалиётлар ва диплом ишлари, қўшимча фанлар таълим дастури доирасида амалга оширилади ва умумий кредитлар ҳисобига киритилади. Бунда битирув семестрида амалиётлар учун 15 кредит ва битирув ишини бажариш учун 15 кредит ажратилиши мақсадга мувофиқ. Жисмоний тарбия фани қўшимча фанлар ҳисобидан, спорт секцияларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

Умумий ҳафталик юклама бакалавриятда 60 соатни ташкил этади, ундан 30 соати аудиторияда ва 30 соати талабанинг мустақил таълимига ажратилади, шу жумладан 8-14 соати ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил ишига ажратилиши мақсадга мувофиқ.

1-жадвалга мувофиқ талабанинг вақт бюджети қуйидагича бўлади: назарий таълим – $240 \times 30 = 7200$ соат, шу жумладан аудиторияда – $15 \times 240 = 3600$ соат ва мустақил таълим шаклида шуғулланиш учун – $15 \times 240 = 3600$ соат кўзда тутилади.

Бундан кўриш мумкинки, талабанинг семестрдаги ўқув юкласи аудитория ва мустақил таълим юкламаларининг 1:1 нисбатдаги йиғиндиси сифатида 30 кредитни ташкил қилади ($240 \text{ кредит} : 8 \text{ семестр} = 30 \text{ кредит}$).

Кредит таълим тизими жорий ўқув йили учун профессор-ўқитувчиларнинг ҳамда талабаларнинг шахсий таълим траекториясидаги ўқув фаолиятларини режалаштиришни назарда тутди.

Ҳар қандай ўқув жараёни асосида талабанинг шахсий ўқув режаси ётади, у ўқув жараёнлари бошланишидан олдин талаба томонидан эдвайзернинг маслаҳати билан тузилади. Уни тузиш учун намунавий ўқув режаси асос бўлади, унинг таркибига малака талабларида кўрсатилган мажбурий фанлар ва танлов фанлари киради.

Шахсий ўқув режаларида меҳнат бозорининг эҳтиёжлари, иш берувчиларнинг талаблари ва талабаларнинг қизиқишлари акс эттирилиши лозим. Шу билан бирга улар бакалаврларнинг меҳнат бозорида эркин мўлжал олишлари ва келгусида таълимни давом эттиришлари учун умумий саводхонликнинг, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-бошқарув, умумилмий, касбий ва ихтисослик малакаларининг шаклланишига ёрдам беради. Шунга кўра, олий ўқув юр்தларининг аниқ йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича шахсий ўқув режаларини тузишда талабаларга давлат таълим стандартлари ва малака талабларида белгиланган касбий малакаларни тўлиқ эгаллашга имкон берадиган фанлар рўйхати тавсия қилинади. Масалан, техник йўналишдаги бакалаврларни касбга тайёрлашда уларнинг табиий-илмий фанлар, ахборот технологиялари, муҳандислик графикаси фанларида ўқитиладиган умумтехник билимларини олиши назарда тутилади. Шунга кўра, умумтаълим фанлари блокининг танлов қисмига касбий фаолият учун асос бўладиган фанларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Ишчи ўқув режалар барча талабаларнинг тасдиқланган шахсий ўқув режалари асосида тузилади. Бунда талабаларнинг онгли равишда ёндашиши учун шароитлар яратиш жуда муҳим. Бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражаси талабаларнинг таълим траекторияси қанчалик пухта ўйланганлиги ва мукамаллигига боғлиқ. Шу сабабли, олий ўқув юр்தлари ўз ташкилий тузилмасида эдвайзерлар хизматини йўлга қўйишлари зарур бўлади. Эдвайзерлар сифатида талабаларнинг шахсий ўқув режаларини шакллантириш лаёқатига эга бўлган, мутахассислик кафедраларининг тажрибали ўқитувчилари ҳамда ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган корхона мутахассислари фаолият юритишлари мумкин.

Талаба ўзининг шахсий ўқув режасини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 30 кредит ҳажмидаги фанларни ўзлаштиришни кўзда тутиши лозим, улар таркибида намунавий ўқув режасидаги мажбурий фанлар бўлиши шарт.

Булардан ташқари, талаба фан ўқитувчиларини танлаш ҳуқуқига ҳам эга. Талабаларга ўқитувчиларнинг илмий даражаси, лавозими ҳақида маълумотлар

хамда улар томонидан ишлаб чиқилган ўқув-меъёрий ҳужжатлар тақдим этилиши зарур бўлади. Талабаларнинг ўқитувчини танлашига шароит яратиш мақсадида ўқув семестрининг дастлабки ҳафтасида фанни ўқитишга талабгор ўқитувчиларнинг очик дарслари ўтказилади, бу ўқитувчиларнинг дарслари турли вақтларга режалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Олий ўқув юртининг ва кафедраларнинг ўқув юкламаларини режалаштириш ўқув фаолиятининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Ўқув ишларини режалаштиришдан олдин педагогик юклама меъёрлари тасдиқланган бўлиши зарур. Ҳозирги кунда педагогик юклама меъёрлари олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия қилинмоқда. Ҳозирги глобаллашув ва олий таълимдаги ислохотлар муҳитида олий ўқув юртининг рейтингини белгиловчи қатор омиллар кун тартибига кўйилмоқда. Шундай экан, ҳар бир олий ўқув юрти уларни инобатга олган ҳолда ўз рейтингини ошириш ҳамда ўқув жараёнини замонавий шаклда ташкил этиш нуқтаи-назаридан педагогик юклама меъёрларига тузатишлар киритиши мақсадга мувофиқдир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртининг бундай имкониятларнинг берилиши педагоглар фаолиятининг самарали бўлишини ҳамда олий таълим муассасалари рейтингининг ошишига мустаҳкам замин яратади.

Олий ўқув юрти кесимида кафедра ўқув юкламалари ва штатлар жадвалини режалаштиришни бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари асосида амалга ошириш лозим. Бунда ўқув юкламалари ҳисоби кредитлар бўйича амалга оширилади.

Кредит таълим тизими шароитида ўқув юкламаларини режалаштириш академик потоклар сони ва уларнинг сифимига ҳам боғлиқ. Кредит таълим тизимида академик потоклар ва гуруҳлар фанларга ёзилган талабалар контингентидан келиб чиқиб шакллантирилади. Бунда ўқув семестрининг дастлабки ҳафтасида фанни ўқишга тавсия этилган барча номзодлар томонидан талабаларнинг ихтиёрий қатнашиши асосида машғулотлар олиб борилади ва бу жараён талабаларнинг ўзи танлаган ўқитувчининг фанига ёзилиши билан яқунланади. Кейинги ҳафтадан бошлаб академик потоклар ва гуруҳлар талаба танлови асосида шакллантирилади.

Академик потоклар ва гуруҳлар сонини аниқлаш учун олий ўқув юрти фанларнинг маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари бўйича талабалар сонининг рухсат этилган чегараларини олдиндан белгилаб олиши лозим.

Лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар штати ўқув юклама турларига боғлиқ бўлади. Барча ўқитувчилик лавозимлари кредит таълим тизимида ўтилиши муносабати билан профессор-доцент-ассистент иерархияси

кайта кўриб чиқилиши лозим. Қоидага кўра профессор ёки доцент – лекторлик, ассистентлар – тьюторлик қилишлари мумкин. Бунда лекторлик ва тьюторлик штатлари маъруза ва бошқа турдаги машғулотларнинг нисбатидан келиб чиқиб аниқланади.

Олий ўқув юрти бўйича жами ўқув юкламалари ҳажмининг профессор-ўқитувчилар сонига нисбати битта профессор-ўқитувчи учун тўғри келадиган ўртача юкламани белгилайди. Олий ўқув юрти кафедраларининг профессор-ўқитувчилари штатлари сони, анъанага кўра, ўқув юкламасини битта профессор-ўқитувчи учун тўғри келадиган ўртача юкламага бўлиш ва натижани 0,25 га яхлитлаш орқали аниқланади.

Кафедра профессор-ўқитувчисининг ўртача юкламаси профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистент лавозимлари бўйича дифференциал тарзда тақсимланиши мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг кафедралар берилган юкламалардан келиб чиққан ҳолда профессор-ўқитувчилар таркиби режалаштиришни ва педагогларга тақсимлашни бошлашади. Бунда бир семестрда тўлиқ штатдаги битта ўқитувчига тўғри келадиган фанлар сони мутахассислик кафедраларида 3-6 бўлиши тавсия этилади.

Ўқитувчиларнинг умумий педагогик юкламасига барча турдаги аудитория юкламалари (маъруза, амалий, лаборатория ва ҳ.к.), ўқитувчи раҳбарлигидаги талабаларнинг мустақил иш турлари (ҳисоб ишлари, курс ишлари, битирув ишлари, магистрларнинг илмий-педагогик фаолиятига ва магистрлик диссертацияларига раҳбарлик ва ш.к.), малакавий амалиётлар ва бошқалар кирилади.

Академик йилни режалаштириш жараёни дарс жадвалларини тузиш билан яқунланади, уларнинг нусхалари ўқитувчи ва талабаларга тарқатилади. Дарс жадвалларини тузишда ўқитувчи ва талабаларнинг юкламалари ҳафта давомида бир текисда тақсимланиши тавсия этилади.

Ўқув жараёнини ташкил этиш. Ўқув жараёни тасдиқланган ўқув режалари, академик тақвим, профессор-ўқитувчилар штатлари жадвали, академик поток ва гуруҳлар, дарслар жадвали ва талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил ишлари асосида ташкил қилинади. Ўқув жараёнини ташкил қилиш бўйича барча маълумотлар факультет ва кафедраларнинг ойналарига, ҳамда олий ўқув юртининг сайтига жойланади.

Кредит таълим тизимида фаолият юритаётган олий ўқув юрти ўз талабаларига Давлат таълим стандартлари ва малака талаблари доирасида мутахассислик фанларини ўзлаштиришлари ҳамда ўқишни муваффақиятли яқунлаб академик даража олишлари учун максимал даражада қулай шароитлар яратиши лозим. Бунда олий ўқув юрти ўқув жараёнининг услубий

таъминоти учун жавобгар ҳисобланади.

Шу мақсадда қуйидагилар ишлаб чиқилади:

- 1) ҳар бир талаба учун маълумотнома-йўриқнома;
- 2) ҳар бир фан бўйича силлабуслар (ишчи ўқув дастурлари);
- 3) фанлар бўйича аудитория машғулотлари учун ўқув материаллари (маъруза матнлари, амалий ва лаборатория машғулотлари баёни, интерфаол тарқатма материаллар, мультимедиа иловалари ва ҳ.к.);
- 4) талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил таълими учун материаллар (уй вазифалари ва топшириқлари, ўз-ўзини баҳолаш учун назорат материаллари, реферат ва курс ишлари (лойиҳалари) мавзулари ва уларни бажариш бўйича услубий материаллар, электрон ўқув материаллари);
- 5) билимларни текшириш учун материаллар (ёзма назорат топшириқлари, ёзма ва электрон тестлар, имтиҳон билетлари);
- 6) малакавий амалиётларда қўлланиладиган материаллар (амалиёт ўтказиш режалари ва дастурлари, кундаликлар, ҳисобот ҳужжатлари шакллари);
- 7) талабаларнинг мустақил иши учун материаллар (дайжестлар, кўп сўраладиган савол-жавоблар банки (FAQ), ўргатувчи дастурлар, масофавий таълим платформаси ва форумлар).

Талабаларнинг фанларга ёзилишини (ўқитувчиларни танлашини) ташкил қилиш ўқув жараёнининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бунинг учун талабалар декан назоратида ва эдвайзер маслаҳатчилигида фанларни танлашади. Ўқув семестрининг биринчи ҳафтасида эса ўқитувчиларнинг дарсларига ташриф буюриш, таҳлил қилиш орқали уларни танлашади.

Регистратор офиси (РО) томонидан талабаларни фанларга ёзиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Ўқишга янги кирган талаба ўқув машғулотлари бошланишидан олдин август ойида деканатдан 1-курс учун ишчи ўқув режасини олади. Эдвайзер билан маслаҳатлашиб фанларни танлаб олгач у ўқишнинг биринчи ҳафтаси давомида ўзи танлаган фанларга ёзилади, ўзининг академик йил учун шахсий ўқув режасини шакллантиради ва фан ўқитувчиларининг дарсларига ташриф буюриш орқали улар билан танишади, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олади ва ўзига маъқул бўлган фан ўқитувчиларини танлайди. Шундан сўнг шахсий ўқув режасини жорий ўқув йили учун ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

2. Кузги семестрнинг ноябрь ва баҳорги семестрнинг апрель ойининг биринчи ҳафтасида талабалар кейинги семестр учун фанларни танлашади ва шахсий иш режаларига тузатиш киритишади. Тузатиш киритилган шахсий ўқув режа талаба томонидан имзоланади ва РО га топширилади.

3. РО деканатлар билан келишган ҳолда фанлар бўйича ўқийдиган талабаларнинг энг кам сонини, ҳар бир ўқитувчи учун эса – академик потокда (гуруҳда) ўқийдиган талабаларнинг максимал сонини белгилайди.

4. Агар бирор танлов фанига белгиланганидан кам миқдордаги талабалар ёзилган бўлса, бу фан очилмайди ва у ишчи ўқув режасига киритилмайди. РО бу ҳақда бир ҳафта муддатда ахборот ойнасига ва олий ўқув юртининг сайтидаги факультет саҳифасига эълон чиқаради. Бекор қилинган танлов фанига ёзилган талаба эълон чиққанидан сўнг бир ҳафта муддатда фанларни қайта танлаши ва РО га шахсий ўқув режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида ариза бериши керак.

6. Агар фанга ёзилган талабалар сони белгиланган чегарадан ошиб кетадиган бўлса, деканат иккинчи академик потокни шакллантиради ва ўз хоҳиши бўйича тегишли малакага эга бўлган ўқитувчиларни тайинлайди. Талабалар академик потокларга (гуруҳларга) ёзилиш навбати бўйича қайд қилинадилар. Бундан кўринадики, талаба бутун ўқиш даври давомида битта академик потокда ёки гуруҳда эмас, ўз танлови бўйича турли академик поток ва гуруҳларда таълим олиши мумкин.

7. Ўқув йилини ёки ўқув семестрини муваффақиятли якунлаган талаба белгиланган вақтда РО га ўзининг шахсий иш режасини топширмаган бўлса, унга курс бўйича тасдиқланган ишчи ўқув режаси асос қилиб олинади.

Фанларга ёзилиш тугаганидан сўнг факультет декани томонидан талабаларнинг шахсий иш режалари тасдиқланади ва ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий ўқув йили ёки ўқув семестри бўйича ўқув юкнамалари ва таълим харажатларини ҳисоблаш учун асос қилиб олинади.

Биринчи курс талабаларининг янги таълим тизимига тезроқ мослашишлари учун 15-25 август кунлари РО, эдвайзерлар ва АРМ ходимлари томонидан тегишли ташкилий-услубий ва маслаҳат ишларини ташкил қилиниши тавсия этилади.

Талаба шахсий таълим траекториясини шакллантиришида ва танлов фанларига ёзилишида, ушбу фанга асос бўладиган фанларни ўқиганлиги (пререквизитлар) ҳисобга олинади, акс ҳолда талаба бу фанни танлаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Талаба ўзи танлаётган фан келгусида қайси фанлар (постреквизитлар) учун асос бўлишини билиши ҳам жуда муҳим.

Ёзги семестр кредит таълим тизими шароитида ўқув режасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. У талабанинг ташаббуси билан кўшимча билим олиш, академик қарзларни топшириш, таълим дастуридаги фарқларни йўқотиш мақсадида пуллик асосда ташкил қилинади.

Ёзги семестрнинг давомийлиги академик тақвим асосида йўналишлар,

мутахассисликлар ва курслар кесимида белгиланади.

Ёзги семестрда ўқишга қуйидаги ҳолатларда рухсат этилади:

- “яхши” ва “аъло” баҳоларга ўқийётган талабалар (қўшимча билим олиш мақсадида);

- рейтинг-назорат натижалари бўйича имтихонга қўйилмаган талабалар (фанни тўлиқ ўзлаштириши учун);

- олдинги академик даврлар бўйича академик қарзи мавжуд талабалар (академик қарзини топширишлари учун);

- ўқишга тикланаётган, ўқишини кўчираётган ва академик таътидан қайтган талабалар (фанлар бўйича фарқларни йўқотишлари учун).

Ёзги семестрда ўқишга рухсат беришда РО талабаларнинг GPA даражасини инобатга олиши шарт. Масалан, 3 ва ундан юқори GPA (B) – 4 тагача фанни, 2,0-3 GPA даражаси – 3 тагача фанни ўқишга рухсат беради.

Ёзги семестр қуйидаги регламент асосида ташкил қилинади:

- талаба ёзги семестр бошланишигача РО га ўзининг ёзги семестрда ўқиши сабабларини ва қизиқишларини кўрсатиб ариза билан мурожаат қилади;

- РО талабаларнинг аризаларини кўриб чиқади;

- РО баҳорги сессия якунида талабаларни ёзги семестрга қабул қилиш ҳақида қарор чиқаради;

- РО ёзги семестр учун дарс жадвалини тузади ва талаба тўлов пулини тўлаганидан сўнг уни ўқув ишлари проректорига тасдиқлатиш учун тақдим этади. Дарс жадвали ёзги семестрга жалб қилинган лектор ва тьюторларнинг бўш вақтига қараб тузилади;

- ёзги семестр амалдаги баҳолаш тизими ва талабаларнинг мустақил баҳоланиши тамойилига кўра ташкил қилинади; ўқув режасидан ташқари, талабаларнинг қизиқишлари асосида ташкил қилинган фанлар бўйича якуний баҳолашларни ёзги семестрда дарс олиб борган лектор ва тьюторлар амалга оширишлари мумкин;

- РО ёзги семестр учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун масъул ҳисобланади.

Йўналиш ва мутахассисликлар ўқув режалари фанлари бўйича ёзги семестрда ўзлаштирилган имтихон натижалари кейинги ўқув йили учун GPA даражасини белгилайди.

2.4. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти.

Кредит-модуль тизимида академик фаолият турлари. Кредит таълим тизимини жорий этишнинг янги шароитларида профессор-ўқитувчиларнинг роли ҳам сезиларли даражада ўзгаради.

Кредит таълим тизимида ўқитувчи (педагог) ўзининг вазифасига кўра таълим жараёнининг қуйидаги субъектлари сифатида фаолият олиб бориши мумкин:

- лектор;
- тьютор;
- эдвайзер;
- махсус комиссия аъзоси.

Лектор сифатида юқори академик профессорлар ёки доцентлар сафидан малакали ўқитувчилар тайинланади. Улар маъруза дарсларини юқори илмий-услубий даражада олиб боришади.

Маърузалар академик потокларга, яъни мутахассислиги яқин бўлган бир нечта гуруҳларга ўқилади. Аудиториядаги талабалар сони лекторнинг малакасида ва аудиториянинг техник имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Профессор ва доцентлар ўзларининг илмий савияси, илмий изланиш йўналишлари ва педагогик маҳоратидан келиб чиқиб бир мутахассислик ичида бир нечта фанларидан маъруза ўқишлари мумкин.

Олий ўқув юртининг Илмий кенгаши қарорига кўра маъруза ўқиш ҳуқуқи илмий даражасиз, лекин энг тажрибали ва юқори малакали ўқитувчиларга ҳам берилади.

Лектор, тьютор, эдвайзер ва бошқа субъектларнинг вазифалари.

Лектор ўзининг ҳар бир маъруза машғулоти бўйича ўқитувчи раҳбарлигисиз амалга ошириладиган талабанинг мустақил таълимига (ТМТ) га 0,5-1 соат оралиғида вақт ажратиши мақсадга мувофиқ.

Тьютор – фан ўқитувчиси сифатида амалий ва лаборатория машғулотларини олиб боради, маслаҳат беради, ЎРТМИ ни ташкил қилади ва амалга оширади, курс ишларига раҳбарлик қилади, амалиётларни ташкил қилади.

Тьютор ҳар бир талабанинг фанни ўрганишини назорат қилади, шахсий топшириқларни бажаришини ва амалий машғулотлардаги фаолиятини баҳолайди ва зарур бўлса ёрдам кўрсатади. Шунингдек, тьютор талабанинг аниқ бир фанни ўрганишдаги фаолиятини умумий таҳлил қилиши мумкин.

Тьюторлар қуйидаги сифатларга эга бўлишлари лозим:

- ўқитувчилик: амалий машғулотларни талаб даражасида олиб бориш,

талабаларга касбий ўзини англашда ёрдам бериш, фаннинг ўқув-услубий материалларидан тўғри ва самарали фойдаланишларини таъминлаш;

- маслаҳатчилик: талабаларнинг билиш жараёнларини мувофиқлаштириш, гуруҳли маслаҳат ва мулоқот дарсларини олиб бориш, фаннинг турли масалалари бўйича талабаларга якка тартибда маслаҳатлар бериш;

- менежерлик: талабалар гуруҳларини йиғиш ва шакллантириш, гуруҳли машғулотларни бошқариш, талабаларнинг фанни ўзлаштиришини назорат қилиш.

Тьюторнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабанинг ўқиши максимал даражада самарали бўлишига ёрдам бериш;

- талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиш;

- бажарилган топшириқлар бўйича талаба билан алоқани таъминлаш;

- гуруҳли ва якка тартибда маслаҳатлар бериш;

- бутун ўқиш даврида ўқишга бўлган қизиқишини таъминлаш.

Тьютор ЎРТМИ учун ҳар бир амалий машғулотга нисбатан 0,5-1 соат оралиғида вақт ажратиши тавсия этилади.

Шахсий ўқув траекториясини танлаш ва амалга ошириш, шунингдек ўқув режаларининг мобиллиги ва мослашувчанлигини таъминлаш учун кредит таълим тизими шароитида олий ўқув юртларида маслаҳат хизмати, яъни эдвайзерлар – академик маслаҳатчилар хизмати ташкил қилинади. Уларнинг сони факультетдаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Эдвайзерлар талабаларнинг академик манфаатларини ҳимоя қилиши ва ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича барча зарур ахборот материалларини тайёрлашда иштирок этиши, уларни талабаларга электрон шаклда тақдим этиши ва уларнинг шахсий ўқув режаларини тузиш ва тузатиш киритишда ёрдам бериши, услубий материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши ва мавжудлигини, йўналишнинг барча фанлари бўйича оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш қоидаларининг бажарилишини назорат қилиши зарур.

Эдвайзер – ўқиш даври бўйича шахсий ўқув траекториясини танлаш ва таълим дастурини ўзлаштиришга ёрдам берувчи ўқитувчи ҳисобланади. Бундан ташқари, эдвайзер талабага келгусидаги карьерасига оид масалаларни ечишда, битирув иши мавзусини танлашда, касбий амалиёт базаларини аниқлашда маслаҳат ёрдамини кўрсатиши мумкин.

Эдвайзернинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- талабаларга шахсий ўқув траекторияларини аниқлаш ва таълим дастурини ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш;

- ўқув траекториясини танлашда талабаларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва истакларини аниқлаш;
- талабаларга фанларни танлашда маслаҳатлар бериш;
- талабаларга шахсий ўқув режаларини тузиш ва зарур бўлса тузатишга ёрдам бериш;
- талабаларнинг ўзлаштириши ва академик мавқеи масалалари бўйича эксперт комиссиялари ишида иштирок этиш.

Эдвайзерлар кафедра мудирлари билан келишилган ҳолда олий ўқув юрти ректори буйруғи билан тайинланади.

Эдвайзер талабаларни олий ўқув юртининг ўзига хос жиҳатлари, ишчи ўқув режаси мазмуни, диплом олиш учун қўйиладиган талаблар, танланган йўналишнинг имкониятлари билан таништиради ва талабаларнинг мойиллиги, имкониятлари, қизиқишлари ва мақсадларига мувофиқ шахсий ўқув траекторияларини танлашда ёрдамчи ҳисобланади.

Эдвайзер қайд қилиш тадбирларида иштирок этади. Ҳар бир эдвайзерга РО томонидан маълум миқдорда талабалар бириктирилади. Талабалар бириктирилгандан сўнг эдвайзер улар билан шахсий режимда ишлашга ўтади.

Эдвайзер ташкилий-услубий ишларда иштирок этади ҳамда фанларни танлаш ва уларга ёзилиш бўйича маслаҳатлар беради, йўналишнинг танлов фанлари каталоглари ва ишчи ўқув дастурлари билан таништиради.

Ўқув йили давомида эдвайзер факультет декани томонидан тасдиқланадиган маслаҳат жадвалларига мувофиқ ишлайди. Талабаларнинг шошилишч академик муаммоларини ҳал қилиш мақсадида эдвайзер иш жадвалидан ташқари шахсий учрашувларни ҳам белгилаши мумкин.

Эдвайзернинг маслаҳатчилик фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талабаларни таълим жараёнининг қоидалари билан таништириш;
- талабаларнинг қарашлари, кадриятлари, уларнинг мойиллиги ва имкониятларини аниқлаш;
- намунавий ўқув режа ва танлов фанлари каталоги билан таништириш (мажбурий, танлов фанлари рўйхатини, фанларнинг пререквизитларини тузишга қўйиладиган талаблар билан);
- кредитлар миқдори ва уларни ўзлаштириш бўйича тушунтиришлар олиб бориш.

Кредит-модуль тизимида хорижда кенг тарқалган супервайзерлик, модераторлик, фасилитаторлик каби фаолият турлари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Фасилитатор - (инглиз тилида facilitator, латинча facilis—енгил, қулай) - гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий

ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

Модератор - қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, тингловчиларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглари ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Супервайзер - қуйидаги тўрт фазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммаси профессор-ўқитувчилар томонидан бажарилади. Ўқитувчилик фаолиятини бундай турларга ажратиш бу фаолият турининг самарасини янада оширади.

Ўқув режалари, ишчи ўқув дастури, талабанинг мустақил иши сифатини назорат қилиш бўйича комиссиялар. Кредит таълим тизимида олий ўқув юртларида ўқув жараёнини самарали ташкил қилишга ёрдам берувчи турли комиссиялар тузилиши мақсадга мувофиқ. Тажрибаларни ўрганиш шунини кўрсатадики, қатор хорижий олий ўқув юртларида бундай комиссиялар сифатида: ўқув режалари бўйича, ишчи дастурлар бўйича, ТМИ сифатини назорат қилиш, ўқитувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш, касбга йўналтириш, ўқув жараёнига илмий ютуқларни татбиқ этиш бўйича комиссиялар жорий этилиши мумкин.

Ўқув режалари бўйича комиссия. Комиссия фаолиятининг мақсади – бутун ўқув даври учун йўналишлар бўйича ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқишдир. Комиссия фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) танлов фанлари рўйхатини шакллантириш ва тизимга солиш;
- 2) кафедраларга йўналишлар бўйича пререквизитларни аниқлашда ёрдам бериш;

3) ишчи ўқув режаларини тузиш.

Комиссия аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) ўқув режалари бўйича комиссия ишида мунтазам иштирок этиш;
- 2) талабанинг ўқув траекториясини шакллантириш бўйича семинарлар ишида иштирок этиш;
- 3) танлов фанларини танлаш бўйича асосий ҳолатларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш;

4) танлов фанлари рўйхатига киритиш учун фанларнинг тайёрлигини экспертиза қилиш;

5) пререквизитлар тизимини шакллантириш бўйича асосий ёндашувларни ишлаб чиқиш.

Ишчи ўқув дастури бўйича комиссия. Ушбу комиссия ишчи ўқув дастури бўйича, дастурларни ишлаб чиқиш сифатини назорат қилиш мақсадида ташкил қилинади. Комиссия фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ишчи ўқув дастури тузилмасини шакллантириш;
- 2) ишчи ўқув дастурларини тузишни ташкил қилиш;
- 3) ўқув дастурлари каталогини ишлаб чиқиш.

Комиссия аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) фанлар бўйича ишчи дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни муҳокама қилиш;
- 2) ўқув дастурлари каталогини тузиш;
- 3) барча фанлар бўйича ишчи ўқув дастурлари сифатини баҳолаш.

ТМИ сифатини назорат қилиш бўйича комиссия. ТМИ сифатини назорат қилиш бўйича комиссия фанлар кесимида ТМИ ларини ташкил қилиш ва режалаштириш, уларни тарқатиш, топшириш муддатларини ва сифатини назорат қилиш ва услубий таъминотини яхшилаш мақсадида ташкил қилинади.

Комиссия аъзоларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) ЎРТМИ жадвалларини тузишни назорат қилиш;
- 2) факультет йўналишлари фанлари бўйича семестрда ЎРТМИ ларни ўтказиш жадвалларини мувофиқлаштириш;
- 3) мустақил ишларнинг талабалар томонидан бажарилишини баҳолаш ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш;
- 4) бутун семестр учун алоҳида фанларнинг иш сиғими бўйича ЎРТМИ жадвалларини таҳлил қилиш;
- 5) ЎРТМИ ларини топширишнинг ягона жадвалларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш;
- 6) алоҳида фанлар бўйича топшириқлар сифатини баҳолаш;
- 7) ТМИ шакллари танлашнинг тўғрилигига баҳо бериш;
- 8) топшириқларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар мавжудлигини таҳлил қилиш ва уларни эксперт баҳолаш;
- 9) ўзлаштириш таҳлили натижаларидан келиб чиқиб ТМИ ни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;
- 10) ТМИ ни ташкил қилиш масалалари ва уларнинг услубий таъминоти бўйича профессор-ўқитувчилар жамоаси билан семинар ва маслаҳатларни ташкил қилишда иштирок этиш;
- 11) турли кўринишдаги ТМИ бўйича ёндашувларни ва баҳолаш меъёрларини аниқлашда иштирок этиш.

Амалдаги таълим тизимида бундай вазифалар ўқув-методик бирлашмалар зиммасига юклаб келинган. Бироқ, сўнгги йилларда бу тузилманинг фаолияти сустлашиб қолди.

Ушбу тавсия қилинган комиссиялар Олий таълим муассасасининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил қилинади.

Назорат саволлари

1. ECTS нима?
2. Кредит-модуль тизимида “кредит” атамаси қандай маънони англатади?
3. Кредит-модуль тизимида ўтиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизими учун нимага керак?
4. АҚШ олий таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
5. Англия олий таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
6. Франция олий таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
7. Бельгия олий таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
8. Германия олий таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
9. Швеция олий таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
10. Голландия олий таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
11. Япония олий таълим тизими ҳақида маълумот беринг.
12. Кредит-модуль тизимида қандай қилиб умумий ўқув юкламалари ҳажмини камайтириш мумкин?
13. Талабанинг мустақил таълими (ТМТ) ҳақида маълумот беринг/
14. Кредит-модуль тизимида таълим мазмунини режалаштириш қандай амалга оширилиши мумкин?
15. Кредит-модуль тизимида талабаларни табақалаб ўқитишни қандай ташкил қилиш мумкин?
16. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини режалаштириш қандай босқичларда амалга оширилади?
17. Кредит-модуль тизимида талабанинг вақт бюджети қандай аниқланади?
18. Кимлар лекторлик қилишлари мумкин?
19. Кимлар тьюторлик қилишлари мумкин?
20. Кимлар эдвайзерлик қилишлари мумкин?
21. Лектор ТМТ турига қанча вақт режалаштириши лозим?
22. Тьютор қандай фаолият турлари билан шуғулланади?
23. Эдвайзерлик хизмати нима мақсадда ташкил қилинади?
24. Ўқув режалари бўйича комиссия нима билан шуғулланади?
25. Модераторлик қандай фаолият тури ҳисобланади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
6. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Ўқув қўлланма. Нью Брансвик Университети, 2020 й.
7. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. -Т., 2013.
8. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.
9. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.
10. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. - Salamanca, 2001, 29-30 march.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Талабанинг мустақил иши.
2. Талабанинг мустақил таълими.
3. Ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши.
4. Мустақил иш турларини меъёрлаштириш.
5. Талабанинг мустақил ишини масофавий усулда ташкил қилиш ва таълим натижалари (Блум таксономияси асосида).
6. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.
7. Мустақил ишнинг услубий таъминоти.

Амалий машғулот мақсади:

Тингловчиларда кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ҳамда уни ташкил қилиш бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулот режаси бўйича материаллар таҳлил қилиниб, кичик гуруҳлар ёки жуфтликларда янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда берилган топшириқлар бажарилади.

Амалий машғулот бўйича материаллар:

Талабаларнинг мустақил иши (ТМИ) – бу талабанинг ўзига хос ўқув фаолияти бўлиб, у дидактик топшириқларни мустақил равишда бажаришга, ўқишга қизиқтиришга ва муайян фан соҳасида билимларни оширишга йўналтирилган. ТМИ мазмуни мантикий фикрлашни, ижодий фаолликни, ўқув материални ўзлаштиришда тадқиқотчилик ёндашувини шакллантиришга имкон берувчи амалий топшириқларни бажариш билан боғлиқ бўлади.

ТМИ мазмуни фаннинг хусусиятидан, олий ўқув юртининг техник имкониятларидан ва кутубхонанинг ўқув-услубий таъминланганидан келиб чиқиб аниқланади.

Одатда ТМИ талабанинг мустақил таълими (ТМТ) билан биргаликда аудиториядан ташқарида бажариладиган ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишини (ЎРТМИ) ҳам ўз ичига олади.

Кундузги таълим шаклида бакалавриятда ТМИ нинг умумий соатлари

фан ҳажмининг ярмини ташкил этади ва унинг ҳам деярли ярми ЎРТМИ га ажратилади. Сиртқи таълимда ТМИ ҳажми фан ҳажмининг 4/5 қисмини ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

ТМИни ташкил қилиш олий ўқув юртининг асосий меъёрий ҳужжатлари, жумладан ишчи ўқув дастурлари (силлабус), фан модулларини мустақил ўрганиш бўйича талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилади.

ТМИ куйидаги шаклларда жорий этилиши мумкин:

- талабанинг бевосита ўзи томонидан (мобил қурилмаси орқали) амалга ошириладиган мустақил иш турлари (ТМТ);
- анъанавий шаклдаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши;
- электрон шаклдаги (мобил қурилмаси орқали) ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши.

Талабанинг мустақил таълими. Талабанинг бевосита ўзи томонидан мобил қурилмаси орқали амалга ошириладиган мустақил иш турларига (ТМТ) куйидагиларни киритиш мумкин:

- дарсга тайёрланиш – маъруза матнлари, водкастлар, видео материаллар, амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари баёнларини ўрганиш;
- ахборот излаш – ўз қизиқишларидан келиб чиқиб тақдим қилинган дайжест орқали интернет материалларини ўрганиш;
- FAQ (кўп сўраладиган саволлар) – ўзини қизиқтирган муаммоларга ўргатувчи дастурлар воситасида жавоб излаш;
- Forum – фан мавзулари бўйича телеграм каналлари ёки масофавий таълим платформаларида фикр алмашиш;
- Тест ечиш – ўргатувчи тест дастурларида машқ қилиш орқали фан модулига оид материалларни мустаҳкамлаш;
- Назорат ишига тайёрланиш – фан бўйича кутилаётган оралик ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш.

Ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши. ЎРТМИ юкламаси ўқитувчининг юкламасига тўлалигича қирмайди, бироқ контакт машғулотлар учун ўқитувчига алоҳида юклама белгиланади (ҳисоб-чизма иши, курс иши, курс лойиҳаси, битирув иши, магистрлик диссертацияси, илмий изланувчига раҳбарлик, таянч докторантга раҳбарлик ва ҳ.к.).

ТМИ инновацион технологияларга асосланган бўлиши керак. ЎРТМИ нинг аудиториядаги шакли берилган топшириқ доирасида талабаларнинг дарслик ва бирламчи манбалар, гуруҳли топшириқларни бажариш, якка тартибдаги таҳлилий фаолиятларни кўзда тутати. ЎРТМИ ҳар бир фан бўйича

бутун академик ўқиш даврида сана, вақти, аудиторияси ва тьюторларни кўрсатган ҳолда график бўйича ўтказилади. ЎРТМИ доирасидаги машғулотлар маслаҳат ва интерфаол шаклларда бўлиши мумкин, уларнинг нисбати ўрганилаётган фаннинг мураккаблиги, уларни ўрганишга ажратилган аудитория соатлари ҳажми, талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан аниқланади.

Якка тартибда маслаҳат олган талаба, ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиш бўйича журналга имзо қўяди. ТМИнинг сифатини кафедра назорат қилади, бунда ТМИ нинг ҳажми, мазмуни ва ҳисобот турини тасдиқлайди, иш ҳажминини, кетма-кетлигини ва топшириш муддатларини аниқлайди, ТМИ натижалари бўйича талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳисоботларини кўриб чиқади.

Анъанавий шаклдаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишлари (ЎРТМИ):

- масала ечиш – амалий машғулот мавзуси бўйича берилган масалаларни ечиш ва уни ёзма тарзда тақдим қилиш;
- реферат – муаммонинг ёзма баёни, бунда адабий манбалар шарҳланади ёки илмий иш, китоблар таҳлилий баён қилинади;
- коллоквиум – ўқув модулининг назарий қисмининг ўзлаштирилишини текшириш мақсадида суҳбат уюштириш;
- эссе – долзарб мавзу бўйича шахсий фикрини танқид, публицистик ва бошқа жанрларда ёзма баён қилиш;
- тақдимот – берилган мавзу бўйича слайд ва видео материаллар воситасида чиқиш қилиш;
- кейс-стади – ишлаб чиқаришдаги муаммоли вазиятлар бўйича белгиланган шаклдаги топшириқлар бўйича ечим излаш;
- иш ўйинлари – касбий фаолият жараёнларини имитация қилиш, сахналантириш, ролларни ижро қилиш орқали касбий кўникмалар орттириш;
- глоссарий – берилган мавзу бўйича атамаларни қисқа изоҳлаш.
- гуруҳ лойиҳаси – 3-5 талабанинг ҳамкорликда лойиҳа ишини бажариши;
- ҳисоб-чизма ишлари – одатда техник фанлар (муҳандислик графикаси, электротехника, ахборот технологиялари ва ҳ.к.) бўйича амалга ошириладиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган график ва ҳисоб ишлари;
- курс иши – фан ёки фанлар мажмуаси (корхоналар иқтисодиёти, менежмент асослари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, фуқаро химояси ва ҳ.к.) муаммолари бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида

бажариладиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ёзма ва ҳисоб ишлари;

- курс лойиҳаси – фан ёки фанлар мажмуаси (техник механика, технологик жараён ва қурилмалар, мутахассисликка оид лойиҳа ишлари бажариладиган фанлар) муаммолари бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида бажариладиган график чизмалар илова қилинадиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ҳисоб ишлари;

- диплом лойиҳаси - мутахассислик фанига оид берилган мавзу бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ёки унинг бўлинмасини лойиҳалашга қаратилган, график чизмалар ва ҳисоб ишлари билан баён қилинадиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган лойиҳавий иш;

- амалиёт ҳисоботи – ўтказилган малакавий амалиёт (танишув, ишлаб чиқариш, битирув олди амалиётлари) бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ҳисобот;

- фан тўғаракларида иштирок этиш – талабанинг фан тўғаракларида макет, слайд, намуналар каби кўргазмали материалларни тайёрлаши;

- танловларда иштирок этиш – талабанинг ўқитувчининг илмий раҳбарлиги остида турли танловларда иштирок этиши (“Ёш ихтирочи”, талабалар стартап лойиҳалари ва ҳ.к.);

- фан олимпиадаларида қатнашиш – фанлар бўйича ОТМ лар ўртасида ўтказиладиган олимпиадаларда иштирок этиш (кимё, умумий кимёвий технология, физика, ахборот технологиялари ва ҳ.к.);

- илмий анжуманларда маъруза қилиш – фанга оид илмий тадқиқот мавзуси бўйича ОТМ, Республика ва халқаро миқёсларда ўтказиладиган илмий-техникавий анжуманларда маъруза қилиш;

- илмий тезис ва мақолалар чоп этиш – илмий анжуманларнинг тўпламларида тезислар ва илмий журналларда илмий тадқиқот мавзуси бўйича мақолалар чоп қилиш;

- ўқув-услубий материалларни тайёрлашда иштирок этиш – дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма ва бошқа ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

Электрон шаклдаги ЎРТМИ лар:

- Link – интернет ҳаволасини очиб унда келтирилган видео ёки матн шаклидаги материални белгиланган ҳажмда изоҳлаш;

- Chart – жадвал, диаграмма ва схемаларни чекланган ҳажмда таҳлил қилиш.

- Q/A – масофавий таълим платформасида ўқитувчи томонидан берилган саволларга белгиланган ҳажмда ёзма жавоб бериш;

- Review – тақдим қилинган манбага аннотация ёзиш.
- SWOT – талаба бирор тушунчани чекланган ҳажмда SWOT-таҳлил қилади;
- Interview – муаммони тадқиқ қилиш бўйича суҳбат уюштириш ва уни масофавий таълим платформасига юклаш;
- Google Apps – Google Classroom платформасида ҳамкорликда слайдлар, жадваллар, матнлар шаклидаги топшириқларни бажариш;
- Дайжест – берилган мавзу бўйича интернет-ҳаволалар тўпламини келтириш, картотека тузиш ва уларни қисқа изоҳлаш;
- Report – талабалар лаборатория машғулотлари бўйича ҳисоботларини масофавий таълим платформасига киритишади.

ЎРТМИ лар уларнинг баёни, мавзулари, топшириқлари, ўтказиш шакллари, соатлар ҳажмини ҳам кўрсатган ҳолда фаннинг силлабусида фан модуллари бўйича келтирилади.

Мустақил иш турларини меъёрлаштириш. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил иш турларининг ҳажми 50-60% гача ошади, амалдаги таълим тизимида бу кўрсаткич деярли 40% ни ташкил этади. Шу сабабли, мустақил таълимга етарлича эътиборни қаратмасдан, унинг услубий турларини шакллантирмасдан кредит-модуль тизимини тўлақонли татбиқ қилиб бўлмайди.

Амалдаги таълим тизимига нисбатан оладиган бўлсак ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил иш турларини меъёрланган ва меъёрланмаган турларга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги 20-2018-сонли буйруғига илова қилинган “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрлари”да қуйидаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иш (ЎРТМИ) турлари меъёрлаб қўйилган:

- **3-иш тури:** Курс ишлари ва курс лойиҳаларига раҳбарлик қилиш ва улар бўйича маслаҳатлар бериш; битта КИ учун 2 соат ва КЛ учун 3 соат ажратилган. Шунингдек, битта профессор-ўқитувчи бир семестр давомида 50 тагача раҳбарлик қилиши ва маслаҳат бериши мумкин.

- **6-иш тури:** Намунавий ўқув дастурларида кўзда тутилган назорат, ҳисоблаш ва ҳисоб-график ишларини текшириш, маслаҳатлар бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш; битта топшириқ учун 0,3 соат, бироқ, битта фанга кўпи билан 1 соатгача вақт ажратилган. Битта профессор-ўқитувчи кўпи билан 3 тагача академик гуруҳ бириктирилиши мумкин.

- **8-иш тури:** Бакалаврият таълим йўналиши талабалари амалиётларига

раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳисоботларини текшириш ва баҳолаш. Малакавий амалиёт ўтаётган ҳар бир талаба учун бир иш кунига – 0,5 соат белгиланган. Бунда 1 академик гуруҳ учун бир иш кунига – 6 соат, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётга раҳбарлик қилишга 1 академик гуруҳ учун таълим муассасаси жойлашган ҳудудда кунига – 3 соат, ҳудуддан ташқарида – 6 соат этиб белгиланган. Индивидуал ҳолда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун – 2 соат ажратилган. Ушбу иш тури бўйича юклама ҳажми профессор-ўқитувчининг ўқув ишлари юкламасининг 20% идан ошмаслиги ҳам белгилаб қўйилган.

- **9-иш тури:** Бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий ишига раҳбарлик қилиш, хулосалар ёзиш; бир ўқув йилига ҳар бир талаба учун 25 соат, техник йўналишларда эса – 30 соат этиб белгиланган. Бунда бир ўқув йилида битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириктирилади.

- **11-иш тури:** Магистратура талабаларининг илмий-педагогик фаолияти ва амалиётга раҳбарлик қилиш бир ўқув йилига битта талаба учун – 50 соат белгиланган. Бунда профессор ёки фан доктори – 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис – 3 нафаргача талабага раҳбарлик қилиши мумкин.

- **12-иш тури:** Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиш учун бир ўқув йилига битта талаба учун – 50 соат белгиланган. Бунда профессор ёки фан доктори – 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис – 3 нафаргача талабанин магистрлик диссертацияси ва стажировкасига раҳбарлик (илмий маслаҳатчилик) қилиши мумкин.

- **14-иш тури:** Олий таълим муассасаларидаги докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиш. Бунда бир нафар докторант учун бир ўқув йилига – 100 соат, бир нафар мустақил изланувчи учун бир ўқув йилига – 50 соат белгиланган. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик қилиши мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган ЎРТМИ турларидан масала ечиш, реферат ёзиш, коллоквиум, эссе, тақдимот, кейс-стади, иш ўйинлари, глоссарий, гуруҳ лойиҳаси ва бошқалар учун вақт меъёрлари кўзда тутилмаган. Чунки, улар бўйича услубий кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилади ва маслаҳатларни аудитория машғулотларида (маъруза, амалий, семинар, лаборатория) амалга ошириш мумкин.

Талабаларнинг фан тўғрақларида, танловларда, фан олимпиадаларида иштирок этиши, илмий анжуманларда маъруза қилиши, илмий тезис ва

мақолалар чоп этиши каби юкломаларга ҳам вақт меъёрлари кўзда тутилмаган, уларни бажариш “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” иш турларида кўзда тутилган.

Талабалар томонидан масофавий таълимда амалга оширилиши мумкин бўлган Link, Chart, Q/A, Review, SWOT, Interview, Google Apps, Дайжест, Report каби ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иш турлари учун маслаҳатларни контакт соатлари (аудитория машғулотлари) учун ажратилган вақт ҳисобидан амалга ошириш мумкин.

Талабанинг мустақил ишини масофавий усулда ташкил қилиш ва таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Масофавий таълим билим олиш иштиёқида ўқиётган талабалар учун энг мақбул вариант ҳисобланади. Бу усулда талабага турли дастур ва иловаларда ишлашни таклиф қилиш орқали уларда 21-аср кўникмаларини шакллантириш ва буни ҳатто аудиториядаги машғулотлардан ҳам юксак даражада ташкил қилиш мумкин.

Ҳозирги кунда таълим тизимида тил ўрганиш ва иқтисодий билим соҳаларида қўлланилаётган кўплаб интерфаол ўқитиш усуллари оммалашган. Уларнинг кўпчилигидан техника соҳасидаги билимларни ўқитишда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Мустақил ишларни масофавий тизимда ташкил қилиш учун энг аввало таълим натижаларини Блум таксономияси орқали белгилаб олиш зарур ва билим ва кўникмаларни шакллантириш учун “Блум феъллари” орқали андроид тизимидаги мос таълим иловасини танлаш мумкин.

Масалан, ҳужжатга белги қўйиш, ундан нусха олиш, санаб бериш, таърифлаш, мослигини аниқлаш, маъқуллаш, изоҳлаш, қайд қилиш, эслаш, таниш, хабар бериш, сўраш, қайта сўраш, излаш, идентификациялаш, номлаш, тақрорлаш, ажратиб олиш, излаш, белги қўйиш, ҳавола бериш, эсга тушириш, тасаввур қилиш, айтиб бериш, тасвирлаш, белгилаш, жойлаштириш, ўрнини белгилаш, ўхшашини топиш каби **БИЛИШ** категориясига тегишли фаолиятларни андроид тизимидаги Notepad+, Mental Note, Word, Google, Excel, PowerPoint, Polaris Office, ShowMe, Quick Scetch, Blogpress, SmartOffice2, Show of Hands, Zoho Docs, Prezi, Flash cards+ таълим иловалари орқали ташкил қилиш мумкин.

Таснифлаш, категориялаш, намойиш қилиш, ахборот излаш, боғлаш, далил келтириш, изоҳлаш, қисқартириш, муҳокама қилиш, янги жиҳатини аниқлаш, тушунтириш, баҳо бериш, кенгайтириш, кўрсатиб бериш, гуруҳлаш, фарқлаш, ахборот тўплаш, хулосалаш, шарҳлаш, бошқа шаклда ифодалаш, таржима қилиш, таққослаш, бошқача сўзлар билан изоҳлаш, хос белги ва

ёрлик қўйиш, олдиндан айтиш, умумлаштириш, тасдиқлаш каби **ТУШУНИШ** категориясига тегишли фаолиятларни андроид тизимидаги Twitter, Google Docs, PhatPad, Categorize App, Story planner, Quickvoice, Photocard, Google Photos, Debate Champ, iTranslate, Errands To-do, YouTube Capture, eBook Magic каби таълим иловалари орқали ташкил қилиш мумкин.

Бажариш, бошқариш, такдим қилиш, қўллаш, ижро қилиш, харита тузиш, йиғиш, ҳисоблаш, ажратиб олиш, танлаш, ўзгартириш, жамлаш, кўрсатиб бериш, конструкциялаш, татбиқ қилиш, исботлаш, шакллантириш, сўров ўтказиш, мавзу бўйича суҳбатлашиш, тажриба ўтказиш, аниқлаштириш, расмийлаштириш, таъсир ўтказиш, сўраб-суриштириш, жўнатиш, юклаб олиш, эскизини чизиш, фикр алмашиш, чизиш, ҳаракатга келтириш, ниҳоялаш, фойдаланиш каби **АМАЛДА ҚЎЛЛАШ** категориясига тегишли фаолиятларни андроид тизимидаги Intereview assistant, Ann's Flash Cards, ScrapPad, Keynote, Picture Collage, Flashcard machine, Things, Inspiration maps, OneNote, Wolfram Alpha, WunderList, Presentation Timer, Revision Quiz Maker, Pages, IWish, FlipBoard, PaperHelper, Flashcards Deluxe, iDesign, 2Screens каби таълим иловалари орқали ташкил қилиш мумкин.

Хос белгиларини аниқлаш, ҳавола орқали боғлаш, даражалаш, мансублигини белгилаш, қиёслаш, изоҳ бериш, категориялаш, даражасини аниқлаш, якуний хулосага келиш, таснифлаш, сабабини аниқлаш, боғлиқлигини аниқлаш, нисбат бериш, намуна кўрсатиш, ажратиш, баҳо қўйиш, ажратиб фарқлаш, тартиблаш, суриштириш, адабий шарҳлаш, майдалаш, режалаштириш, эътибор қаратиш, эълон қилиш, бўлаклаш, анкета тузиш, чегарасини аниқлаш, таркибини аниқлаш, урғу бериш каби **ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ** категориясига тегишли фаолиятларни андроид тизимидаги Simpleminds+, NotesPlus, Numbers, Use Your Writing, Dropbox, BigWorld, Dragon Dictation, Data Analysis, Easy Chart, Quick Graph, Simple Note, myHomework, Priority Matrix, Course Notes, Ideament, Educreations, Assignments каби таълим иловалари орқали ташкил қилиш мумкин.

Мавзу бўйича видео материал яратиш, фикрни бошқариш, ижро қилиш, янги шаклда ифодалаш, ҳамкорлик қилиш, имитациялаш, аралаштириш, ишлаб чиқариш, яшаш, тузиш, қуриш, дастурлаш, яратиш, ихтиро қилиш, бирлаштириш, умумлаштириш, ўзгартириш, модификациялаш, бошқариш, пайдо қилиш, такомиллаштириш, тезис ва мақола ёзиш, мослаштириш, ишлаб чиқиш, ечиш, ҳал қилиш, маъруза қилиш, йўналтириш, ёрдам кўрсатиш, ёзма баён қилиш, жадаллаштириш, чоп қилиш, конструкциясини яратиш, келишиш, музокара олиб бориш, режалаштириш каби **СИНТЕЗ ҚИЛИШ** категориясига тегишли фаолиятларни андроид тизимидаги iMovie, Flipbook,

Do Ink, Explain Everything, Drawing Pad, Creative Book, Padlet, Story Creator, Audio Boom, Video Shop, ShadowPuppet, WebAlbums, EasyStudio, Book Creator, iStop Motion каби таълим иловалари орқали ташкил қилиш мумкин.

Тасдиқлаш, назорат қилиш, даражага ажратиш, тизимлаш, бошқа шаклда ифодалаш, акслантириш, башоратлаш, ишонтириш, ўлчаш, асослаш, олдиндан айтиш, кўллаб-қувватлаш, танқид қилиш, суриштириб аниқлаш, химоя қилиш, ёқлаш, баҳслашиш, тақриз бериш, кўриб чиқиш, хулоса бериш, тузатиш киритиш, бошқариш, баҳо бериш, тавсия қилиш, тажрибада синаш, исботлаш каби **БАҲОЛАШ** категориясига тегишли фаолиятларни андроид тизимидаги WhatsApp, Facebook, iBrainstorm, Skype, YouTube, FB Messenger, Google+, Roambi Analitics, Strip Designer, Moodle Mobile, Clear Sea, Group Board, PressReader, Green Screen, Edublogs, Tools 4 students, Blogpad каби таълим иловалари орқали ташкил қилиш мумкин.

Талабанинг мустақил ишини масофавий тазда ташкил қилишда иложи борича унинг қурилмасига мослашиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда кўпчилик талабалар андроид тизимида ишловчи мобиль қурилмаларга эга бўлганликлари сабабли m-learning тизимига мос дастурлардан фойдаланиш талаба учун ҳар томонлама қулай ҳисобланади.

Таълим натижаларини баҳолаш усуллари. Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш амалда жорий қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9-августдаги 19-2018-сонли буйруғига илова қилинган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш баҳолаш тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Унга мувофиқ оралик назоратда фан бўйича А-С даражасига эришган талабалар якуний назоратга қўйилади.

Талабанинг оралик назорат бўйича ўзлаштирган баллари қуйидаги жадвал асосида кредит балларига ва ҳарфли тизимга ўгирилади.

Ҳарфли тизимдаги баҳо	Балларнинг рақамли эквиваленти	Фоиз кўрсаткичи	Анъанавий усулдаги баҳо
A	4,0	95-100	Аъло
A–	3,67	90-94	
B+	3,33	85-89	Яхши
B	3,0	80-84	
B–	2,67	75-79	
C+	2,33	70-74	Қониқарли
C	2,0	65-69	
C–	1,67	60-64	Қониқарсиз
D+	1,33	55-59	
D	1,0	50-54	

F	0	0-49	
---	---	------	--

Оралиқ назоратлар – бу тьютор томонидан амалий ва лаборатория машғулотлари ва улар бўйича мустақил таълим натижалари бўйича ўтказиладиган талабаларнинг билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнларидир. Оралиқ назорат баҳолари тьютор томонидан талабаларнинг аудиториядаги фаоллиги ва ЎРТМИ шакллари (*Office Hours*) бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Фанни ўрганишда талабалар билимни текшириш бўйича турли шаклдаги жорий назоратлар кўзда тутилиши мумкин:

1) оғзаки сўров – бу назорат тури фаннинг бир ёки бир нечта бўлимини ўрганиб бўлинганидан сўнг савол-жавоб ва масалаларнинг муҳокамаси тарзида ўтказилади;

2) ёзма иш – фаннинг алоҳида бўлимлари бўйича қўйилган масалаларни муҳокама қилиш, муаммоларни таҳлил қилиш, амалий топшириқларни бажариш бўйича кўзда тутадиган назорат тури;

3) комбинирланган сўров – бир вақтнинг ўзида ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклдаги назорат турларининг ўтказилиши;

4) уй ишларини ҳимоя қилиш ва тақдимот қилиш – якка тартибда ва гуруҳли уй ишларининг тўғри бажарилганлигини, талабанинг ўтилган материални умумлаштириш ва уни аудиторияга тақдим қилиш, фан мавзулари бўйича мантиқий боғлиқликни кузатиш кўникмаларига эришганлигини текшириш мақсадида назорат қилиш;

5) баҳс-мунозаралар, тренинглар, думалоқ столлар, кейс-стади ва ҳ.к. – муаммоли характердаги мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини намоёиш қилувчи масалаларни гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш;

6) тестлар – фаннинг алоҳида бўлимлари бўйича савол топшириғи кўринишидаги ёзма назорат шакли;

7) курс лойиҳасини, курс ишини бажариш – назарий материални амалий масалаларни ечиш ҳисобига сифатли ўзлаштириш мақсадида намунавий ва ишчи ўқув режаларга мувофиқ равишда кўзда тутилади, ўқув семестри давомида бажарилади. Курс лойиҳасининг (курс ишининг) ҳимояси кафедра мудирини фармойиши билан тасдиқланган комиссия томонидан курс лойиҳаси (иши) бўйича илмий раҳбар иштирокида кафедра мудирини белгиланган жадвал асосида қабул қилинади. Курс лойиҳасини (курс ишини) бажармаган талабалар оралиқ аттестацияларга киритилмайди. Муайян бир фандан курс лойиҳасини (ишини) ҳимоя қилмаган талабага регистатор рухсати билан бошқа фанлардан имтиҳонда қатнашишига рухсат берилади.

Талабаларнинг билимларини оралиқ назорат қилиш тьютор томонидан тасдиқланган жадвал асосида семестрнинг ўртасидаги ва охиридаги ҳафталарда амалга оширилади. Жорий ва оралиқ назоратлар деканатлар ва ўқув бўлими томонидан ташкил қилинади. Баҳолар ҳар бир фан бўйича алоҳида фоиз ҳисобида қўйилади.

Оралиқ назорат натижалари “Ўқитувчининг ишини ҳисобга олиш журнали” ва имтиҳон сессиясигача РО га топшириладиган “Баҳолаш қайдномалари” да қайд қилинади.

Рейтинг назоратларидан кейинги 3 кун мобайнида талабалар апелляция ҳуқуқига эга. Апелляцияга ариза шахсан талаба томонидан декан номига топширилади ва кафедранинг фан бўйича апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Биринчи ва иккинчи оралиқ назорат натижалари бўйича 50% дан кам ($P_{\text{ўр}} = (P_1 + P_2) / 2 < 60\%$) натижа кўрсатган, шунингдек, уларда узрли сабаб билан иштирок этмаган талабалар имтиҳон сессияси ўтказилгунга қадар (истисно тариқасида ўқув ишлари проректорининг рухсати билан фан бўйича имтиҳонгача) оралиқ назоратни яқка тартибда топширишлари мумкин.

Сиртки таълим талабалари учун оралиқ назорат бир марта имтиҳон сессияси даврида фан бўйича имтиҳонгача ўтказилади.

Кундузги таълимда якуний назоратга (имтиҳон сессиясига) икки ҳафта ажратилади. Дарс жадваллари РО томонидан тузилади. Талабаларга комплекс имтиҳонларга тайёрланиш учун камида 3 кун ажратилади.

Барча фанлар бўйича якуний назорат - имтиҳонлар ўтказилади. Имтиҳон ёзма, оғзаки, компьютерда тест ва бошқа замонавий, шаффоф ва адолатли шаклларида (портфолио, ижодий иш, антиплагиат, такдимот ва ҳ.к.) ташкил этилиши мумкин. Талабаларга имтиҳон топшириш учун имтиҳон тилини (ўзбек, рус ёки инглиз) танлаш имкони берилади. Мантиқий боғлиқ бўлган 2-3 фандан комплекс имтиҳонлар ўтказилиши мумкин.

Ўқитувчилар имтиҳонга тест топшириқлари, ёзма ва оғзаки имтиҳон учун саволларни тайёрлаб қўйишлари лозим бўлади.

Ёзма ёки оғзаки имтиҳонлар учун вариантлар сони академик гуруҳдаги талабалар сонига қараб шакллантирилади, бунда ҳар бир вариантда 3 та назарий савол ёки 2 та назарий савол ва битта масала ёки 1 та назарий савол ва 2 та масала бўлиши мумкин.

Имтиҳон қайдномалари имтиҳон сессияси бошида РО томонидан талабаларга рухсат берилишини қайд қилиш ва комиссияга топшириш учун деканатларга такдим этилади.

Компьютерда тест ўтказишда вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида

имтиҳон топширувчига ҳар бир фандан 20 та савол тақдим этилиши тавсия этилади. Тест ўтказиш жараёнида РО вакили иштирок этади. Зарурат бўлганда фан ўқитувчиси таклиф этилиши мумкин.

Ёзма ёки оғзаки имтиҳон ҳар бир фан бўйича алоҳида билетлар тузилган билетлар ёрдамида ўтказилиши мумкин. Ёзма имтиҳоннинг умумий вақти 3 соатдан ошмаслиги зарур.

Имтиҳонни ташкил қилиш ва ўтказиш масъулияти РО вакилига юклатилади. Ёзма имтиҳон тугаши билан РО вакили жавобларни шифрлайди ва комиссияга текшириш учун тақдим этади. Ёзма ишларни текшириш имтиҳон ўтказилган кунда яқунланиши шарт (агар 2 тадан ортиқ гуруҳдан имтиҳон олинган бўлса, кейинги кунга ҳам ўтказиш мумкин). Имтиҳон натижалари “Апелляциясиз имтиҳон қайдномаси” га қайд қилинади ва фан ўқитувчиси томонидан талабалар эътиборига етказилади. “Апелляциясиз имтиҳон қайдномаси” РО га тақдим қилинади.

Ёзма, оғзаки ёки компьютердаги тест натижалари бўйича апелляция учун талабаларнинг РО регистратори номига шахсий аризалари имтиҳон натижалари эълон қилингандан кейинги 3 кун мобайнида қабул қилинади. Апелляция учун аризалар РО да қайд қилинади, унда апелляция қилинадиган муаммо моҳияти кўрсатилади. Апелляция оғзаки шаклда кафедранинг фан апелляция комиссияси томонидан ўтказилади.

“Апелляциясиз имтиҳон қайдномаси” ва “Апелляцияли имтиҳон қайдномаси” комиссия раиси ва аъзолари, РО вакили томонидан имзоланади ва РО га тақдим этилади.

Агар талаба имтиҳонда қониқарсиз баҳо (F) олса, ҳисоб амалга оширилмайди ва қайдномага F ёзилади.

Ёзги имтиҳон сессияси ўтказувчи характерга эга ҳисобланади ва кейинги курсга ўтиш учун сессияни ижобий баҳоларга топшириш етарли бўлмайди. Курсдан курсга ўтказувчи ўртача GPA (Grate Point Average) бали олий ўқув юрти томонидан мустақил равишда белгиланади. GPA нинг қиймати иккинчи курсга ўтиш учун – камида 2,0, учинчи курсга – камида 2,25-2,5, тўртинчи курсга – камида 2,5-3,0 бўлиши тавсия этилади.

Талабанинг бутун ўқиш даври учун GPA бали талабанинг ўртача ўзлаштириш даражаси сифатида РО да қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$GPA = \frac{Y_{R1} \cdot K_1 + Y_{R2} \cdot K_2 + \dots + Y_{Rn} \cdot K_n}{K_1 + K_2 \dots K_n} \quad (1)$$

бу ерда: $Y_{R1}, Y_{R2}, \dots, Y_{Rn}$ – фанларнинг рақамли ифодадаги якуний баҳолари;

$K_1, K_2 \dots K_n$ – фанларнинг кредит ҳажмлари.

n – ўқиш давридаги барча ўқилган фанлар сони.

РО талабани кейинги курсга ўтказишни амалга оширади. Агар талаба белгиланган даражадан кам GPA олса, у курсда қолдирилади ва шахсий ўқув режасини кейинги йил охиригача етказиш ёки белгиланган тартибда янги шахсий ўқув режасини шакллантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Яқуний давлат аттестацияси талабанинг таълим дастурининг яқунловчи босқичи ҳисобланади ва унинг касбий лаёқатини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Битирувчи курсда ўтказиладиган Яқуний давлат аттестациясига белгиланган миқдордаги GPA кредитларини тўплаган ва ўқув режасини тўлиқ ҳажмда ўзлаштирган талабалар киритилади.

Яқуний давлат аттестацияси техника олий ўқув юртларида Давлат таълим стандартларига мувофиқ диплом иши ҳимояси шаклида ўтказилади.

Хорижий тилда диплом ёзиш ва уни ҳимоялашга мутахассислик кафедрасида танланган хорижий тилни биладиган ва маслаҳат бера оладиган мутахассис бўлса рухсат берилади.

Хорижий тилда бажарилган диплом ишига ҳимоя вақтида давлат тилидаги аннотация тақдим этилади.

Диплом ишини баҳолаш ДАК (Давлат аттестация комиссияси) мажлисида илмий раҳбарнинг ёзма тавсияномасини ва ташқи эксперт (рецензент) нинг тақризини ҳисобга олган тарзда амалга оширилади.

Диплом иши ҳимояси натижалари у эшитилган кун эълон қилинади.

Давлат аттестациясидан ўтган битирувчига ДАК қарори билан бакалавр академик даражаси берилади.

Имтиёзли академик даража бериш учун битирувчи 3,75 дан кам бўлмаган GPA балини олган бўлиши ва яқуний давлат аттестациясини “А”, “А–“ баҳоларига топширган бўлиши керак.

Мустақил ишнинг услубий таъминоти. Талабанинг мустақил ишлаши учун йўналишга оид Давлат таълим стандартлари, Малака талаблари, ўқув режалари бўйича маълумотларнинг ихчамлаштирилган вариантлари, танлов фанлари каталоги ва фаннинг ўқув-услубий мажмуаси тўлиқ етказилиши зарур.

Шунингдек, кредит-таълим тизимида талабанинг ахборот пакетини шакллантириш зарур бўлади. У ўз ичига маълумотнома-қўрсаткич ва талабанинг ўқув-услубий мажмуасини (ТЎУМ) ўз ичига олади.

Кредит-модуль тизимининг асосий фарқли жиҳатларидан бири фақат талабаларни зарур ўқув ҳужжатлари билан таъминлашдан иборат бўлиб қолмасдан, шунингдек, олий таълим муассасаси талабага олий таълим муассасаси, йўналишлар, мутахассисликлар, ўқув жараёнининг ташкил

қилиниши ва билимларни назорат қилиш, мустақил ўқишга тайёрланиш, дам олиш ва ҳар томонлама ривожланиш шароитлари ҳақида тўлиқ ахборотни тақдим қилиши керак.

Маълумотнома-кўрсаткич салоҳиятли ҳамкорлар ва талабалар, шунингдек, ҳамкор олий ўқув юртларининг ўқитувчилар жамоасига ўқув ва маъмурий тадбирлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Маълумотнома-кўрсаткичдаги ахборотлар таълим жараёни ва қўшимча тадбирларнинг шаффофлигини ошириш, талабаларни мос дастурларни танлашга йўналтиришдаги ўқувчилар меҳнатини енгиллаштириш ва мамлакат олий таълим муассасасаларида ва хорижда уларнинг ўқишини режалаштириш ҳамда талабага амалий ахборотларни тақдим қилиш учун мўлжалланган.

Унда шунингдек, олий таълим муассасаси, унинг жойлашиши, талабаларнинг яшаш тарзи, қайд қилиш учун зарур маъмурий тадбирлар ҳақидаги умумий ахборотлар ва академик календар ҳам мавжуд бўлади. Унга яна шунингдек, олий ўқув юртига қабул қилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар, машғулот турлари ва назорат шакллари, ўқитиш усуллари ва технологиялари, фанларнинг кредит ҳажми ва уларнинг тузилмаси, фанларни ўқитишни ташкил қилувчи факультетлар ва бўлимлар номлари ҳам киритилган. Маълумотнома нашрига имтиҳонларни ўтказиш шароитлари ва уларни баҳолаш, олий ўқув юртини тугатгандан кейин бериладиган академик даражалар ҳам киритилади.

Маълумотнома-кўрсаткич қуйидагилардан таркиб топади:

- Кириш.

Кириш ташкилотнинг асосий низомини, тузилмасини, даражаларини, йўналиш ва мутахассисликларини ва Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, олий ўқув юртидаги мавжуд малакаларини ўзида акс эттириши ўзида акс эттириши зарур.

- Олий ўқув юрти ҳақида умумий маълумотлар

Бу бўлимда олий ўқув юртининг миссияси, унинг қисқа тарихи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, белгиловчи ҳужжатларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган давлат аттестацияси ва аккредитацияси ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

- Академик календар

Академик календар дам олиш кунлари (таътилар) кўрсатилган ўқув йили давомидаги ўқув машғулотлари ва назорат тадбирларини ўтказиш жадвалидан иборат.

- Талаба календари

Талаба календари йил давомида олий ўқув юрти томонидан ташкил

этиладиган ташкилий-оммавий тадбирларнинг жадвалидан иборат.

- Кредит таълим тизимини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Бу бўлимда таълим жараёнини ташкил қилишнинг қуйидаги асосий ҳолатлари ва қоидалари акс эттирилиши керак:

- фанларни ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш тизими.
- олий ўқув юртининг лаборатория-компьютер, спорт-кўнғил очиш ва ахборот-техник базасидан фойдаланиш қоидалари (кутубхона, нусха кўчириш хизматлари, компьютерлар, интернет, WiFi).
- талабанинг ҳаракатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари (этика ва бурч кодекси).

Талабанинг ўзи хорижда ўқиш дастурини режалаштириши ва ташкил қилиши учун олий ўқув юртига маълумотнома-кўрсаткични давлат, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш тавсия қилинади.

Талабанинг ЎУМ унинг янги академик талабларга мослашувчанлигини, ўқитиш методикасини янада такомиллаштириш мақсадида “тескари алоқа”ни жадаллаштириш ва олий таълим муассасаси шароитларида таълим мазмунига оид илғор тажрибаларни жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилади.

Талабанинг ЎУМ кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва декан томонидан тасдиқланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талабанинг шахсий ўқув режаси (ШЎР);
- танлов фанлари каталоги (ТФК);
- ишчи ўқув дастурлари (Syllabus);
- ТМИ, жумладан ЎРТМИ бўйича услубий кўрсатмалар;
- барча турдаги назоратлар учун тест топшириқлари;
- амалиёт учун материаллар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ўзингиз машғулот олиб бораётган фанингнинг ишчи ўқув дастурлари (силлабус), фан модуллари мустақил ўрганиш бўйича талабларга мувофиқ тарзда талабаларнинг мустақил таълимини шакллантиринг.

2. Фанни ўрганишда талабалар билимни текшириш бўйича турли шаклдаги жорий назоратларни шакллантиринг.

3. Таълим йўналиши бўйича талабаларнинг мустақил ишининг услубий таъминотини шакллантиринг.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. МАВЗУ: КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ. (2 СОАТ)

Режа:

1. Мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси.
2. Давлат таълим стандартлари.
3. Малака талаблари.
4. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари (Силлабус)ни такомиллаштириш тамойиллари.
5. Танлов фанлари каталоги.
6. Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси.

Амалий машғулот мақсади:

Тингловчиларда кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминотини, жумладан мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси, ўқув режа ва ўқув фанлари дастурлари, танлов фанлар каталоги ҳамда фаннинг ўқув-услубий мажмуасини шакллантириш бўйича малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулот режаси бўйича материаллар таҳлил қилиниб, кичик гуруҳлар ёки жуфтликларда янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда берилган топшириқлар бажарилади.

Амалий машғулот бўйича материаллар:

Мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси. Кредит таълим тизими шароитида талабалар ва профессор-ўқитувчилар мобиллиги таълим муассасасининг академик эркинлиги ва ваколатларини кенгайтириш орқали таъминланади. Бунда талабаларнинг академик эркинлиги уларнинг таълим дастурига кирган фанларни ўзлаштиришида мустақил ишларнинг аҳамиятини юксалтириш орқали ўз фаолиятини ва мустақил билим олишини ташкил этиш қобилиятларини ривожлантиради.

Таълим тизимида мутахассис тайёрлаш моделини ўзида акс эттирувчи расмий ҳужжат – мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси (МЎУМ) ҳисобланади.

МЎУМ бакалавр, магистр ва докторантлар тайёрлаш концепциясини аниқловчи ҳужжатдир. МЎУМ ҳар бир мутахассислик бўйича талабаларни ўқитишнинг мақсадлари, мазмуни ва усулларини аниқлайди.

МЎУМ ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давлат таълим стандартлари;
- малака талаблари;

- ўқув режалари;
- танлов фанлари каталоги;
- фаннинг ўқув-услугий мажмуаси.

Давлат таълим стандартлари. Давлат таълим стандартлари (ДТС) таълим соҳалари бўйича «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»да олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда таълим соҳалари тармоқларини ривожлантириш каби мақсадлар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Таълим соҳаларининг давлат таълим стандарти ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар: бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фанлар дастурлари ва бошқаларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Таълим соҳаларининг муайян бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилиши белгиланган. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати тўрт йил қилиб белгиланган. Алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалаврият дастурлари жорий этилиши белгиланган. Магистратурада мутахассислар тайёрлаш ишлаб чиқариш (амалий) (камида бир йил) ва илмий-педагогик (камида икки йил) йўналишларга ихтисослашган дастурлар асосида амалга оширилиши белгиланган.

Таълим дастурларида кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича меъёрий ўқиш муддатлари фарқланиши мумкин. Кечки ва сиртқи таълим шаклларида меъёрий ўқиш муддатлари кундузги таълимнинг меъёрий муддатига нисбатан камида тенг бўлиши, аммо бакалавриятда бир йилдан, магистратурада эса б ойдан кўп бўлмаслиги талаб этилган. Кечки ва сиртқи таълим шаклларида

меъёрий ўқиш муддатлари олий ўқув юрти томонидан мустақил белгиланади.

Бир ўқув йили учун кундузги таълимда амалга ошириладиган таълим дастурининг ҳажми 60 кредитга тенг деб олинган. Таълим шаклидан қатъий назар таълим дастурининг умумий ҳажми меъёрий муддати бир йил бўлганда – 60 кредитни, икки йил бўлганда – 120 кредитни, уч йил бўлганда – 180 кредитни, тўрт йил бўлганда – 240 кредитни ташкил этади.

Таълим дастурларини амалга оширишда олий ўқув юрти электрон ўқитиш ва масофавий таълим технологиялардан кенг фойдаланиши тавсия этилган. Хусусан, жисмоний чекланган, ногирон талабаларни ўқитишда электрон ўқитиш ва масофавий таълим технологиялари орқали ўқув материалларини эркин шаклда олиш ва узатиш имконияти таъминланиши зарурлиги таъкидланган.

Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидагилар асос қилиб олинган:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 341-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1754-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2414-сонли қарори;

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи;

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғи.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги илм-фанни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилиши ҳамда геология соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларига ташриф давомида ўтказилган 5-сонли мажлис баёни.

ДТС тузилмаси қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

1. ДТС ни ишлаб чиқиш асослари
2. Қўлланиш соҳаси
3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар
4. Битирувчиларининг касбий фаолиятлари тавсифи
5. Таълим соҳалари битирувчиларининг компетенция даражасига қўйиладиган умумий талаблар
6. Таълим соҳалари бўйича ўқув режалари тузилмаси
7. Таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш

Давлат таълим стандартида ўқув режалардаги ҳар семестр учун кредитлар ҳажми 30 кредит қилиб белгиланган, фанларга камида 3 кредит ажратилади.

Таълим дастурлари 2 хил – мажбурий ва танлов фанларидан иборат бўлади. Мажбурий фанларга кредитлари малака талабларида белгиланган фанлар киради. Танлов фанларига – олий ўқув юрти томонидан белгиланадиган ва талабалар томонидан танланадиган фанлар рўйхати киради.

Бакалавриятда ўқиш 4 йил давомида 204 ҳафта давом этади. Бунда назарий, амалий таълим ва аттестацияларга – 40-60%, таътилга – 10-30%, малака амалиётига – 15-25% ва битирув малакавий ишига – 2-7% ҳафта ажратилган. Магистратура ўқиш 2 йил давомида 100 ҳафта давом этади. Бунда назарий таълим, илмий фаолият ва аттестацияларга – 60-76%, таътилга – 14-24%, илмий амалиёт (стажировка) га – 6-10% ҳафта ажратилган.

Малака талаблари. Малака талаблари (МТ) алоҳида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича иқтисодиёт тармоқларига мослашувчан тарзда ишлаб чиқилади.

Малака талаблари ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олган:

1. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг умумий тавсифи.

2. Тайёрланадиган кадрларнинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенцияларига талаблар.

3. Ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Малака талабларида йўналиш ва мутахассисликлар учун мажбурий ва танлов фанларининг ҳажми ҳамда ўқув даврининг ҳафталардаги тақсимооти ДТС да келтирилган чегаралардан чиқмаган ҳолда аниқ қиймат билан белгилаб қўйилади.

Битирувчининг мажбурий фанлар бўйича ўзлаштириши керак бўлган компетенциялар аниқ келтирилади, ўқув режа (танлов фанларисиз) келтирилиб унда барча мажбурий фанлар номи ва уларга ажратилган кредитлар аниқ белгилаб қўйилади.

Ўқув режалар. Ўқув режалар тез ўзгарувчан бозор муҳити учун ҳар томонлама ривожланган мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган. Ўқув режаси таълим дастурининг тузилмасини ва фанлар рўйхатини ўзида акс эттиради. Ўқув режалари тузилмаси ДТС ва МТ асосида белгиланади.

Бакалавриятда фанлар тузилмаси 4 та блокда (табiiй-илмiiй ва гуманитар фанлар, умумкасбий фанлар, ихтисослик фанлари ва қўшимча фанлар), магистратурада эса илмiiй фаолият тури ҳам қўшилиб 3 та блокда (умумметодологик фанлар, мутахассислик фанлари, илмiiй фаолият) жамланган. Фан блокларининг ҳар бири мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади.

Талаба у ёки бу фанни ўрганаётиб келгусидаги касбий фаолияти учун зарур бўлган аниқ ҳажмдаги билим, кўникма ва малакаларни орттиради. Фанларда қандай билимлар қай тарзда ўзлаштириши белгилаб берилади. Фанлар ичида соҳадаги сўнгги илмiiй ютуқлардан келиб чиқиб мавзулар, конунлар, далиллар жамланади ва уларнинг мазмуни талқин қилинади. Ўқув режаларда фанлар мантиқiiй кетма-кетликда, ўзаро боғлиқликда жойлаштирилади. Бунга фанларни пререквизитлар ва постреквизитларга ажратиш орқали эришилади.

ДТС ва МТ га мувофиқ фанлар блокларга жамланади. Ўқув режаларида фанлар рўйхатини шакллантиришда қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиш зарур.

Бакалавриятда табiiй-илмiiй ва гуманитар фанлар интеллектуал, шахсий ва ижтимоiiй ривожланган кадрларни тайёрлашга йўналтирилади. Умумкасбий фанлар бўлгуси мутахассисда таянч ва умумкасбий билимларни

шакллантиради. Ихтисослик фанлари касбий фаолият учун зарур бўлган махсус билим, кўникма ва малакаларни беради. Қўшимча фанлар меҳнат бозорининг, кадрлар буюртмачиларининг талабларидан келиб чиқиб олий ўқув юрти томонидан белгиланади.

Магистратурада умумметодологик фанлар блоки магистрларнинг педагогик, методологик ва тил кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мутахассислик фанлари соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар ва уларнинг натижаларини ўзида акс эттириб, касбий фаолият учун зарур бўлган тор доирадаги билим, кўникма ва малакаларни ўзида акс эттиради. Илмий фаолият блоки магистрант томонидан амалга ошириладиган илмий тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар, магистрлик диссертациясини тайёрлаш, илмий семинарлар ва илмий амалиёт (стажировка) лар учун ажратилган.

Ўқув режалари 3 хил шаклда ишлаб чиқилади – намунавий ўқув режа (НЎР), талабанинг шахсий ўқув режаси (ШЎР) ва ишчи ўқув режа (ИЎР). Барча шаклдаги ўқув режаларида фанларни ягона кодлаш тизими қўлланилади. Кодлар фанларнинг ҳарф ва рақамли ифодаси бўлиб, фанлар номи ва тартибини кўрсатади.

НЎР да фанларнинг мазмуни ва иш ҳажми кўрсатилади, ҳамда иловаларда фанларнинг қисқа баёни келтирилади. НЎР таянч хужжат ҳисобланади, у бутун ўқув даври мобайнида ўзгармайди, ҳар бир мажбурий фан учун аниқ кредитларни белгилайди. Танлов фанлари учун фақат умумий кредитлар кўрсатилади. НЎР олий ўқув юрти ректори томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазири ҳамда асосий кадрлар буюртмачилари билан келишилган ҳолда тасдиқланади. НЎР асосида ШЎР ва ИЎР лар ишлаб чиқилади.

ШЎР ни шакллантиришда талабага НЎР га қўшимча равишда яна танлов фанлари каталоги (ТФК) ҳам зарур бўлади. ТФК асосида фанларнинг ўқув-услубий мажмуалари ва бошқа турдаги ўқув-ташкилий хужжатлар ишлаб чиқилади.

Қуйида НЎР, ШЎР ва ИЎР намуналари келтирилган.

Тошкент кимё-технология институти

Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факультети

“Келишилган”
Каф. мудири

“Тасдиқлайман”
Факультет декани

“ ___ ” _____ 2020 й.

МЎ

ТАЛАБАНИНГ ШАХСИЙ ЎҚУВ РЕЖАСИ
(CURRICULUM)

Йўналиш: 5320400 – Кимёвий технология
(органик моддалар)

Талабанинг Ф.И.О. _____

Бакалавриатда ўқиш даври: 2020-2024 йй.

Тошкент 2020

№	Фан коди	Фан номи	Кре- дит	Лектор, тьютор
		1-семестр	30	
1	INCH112	Умумий ва ноорганик кимё 1	6	
2	MATH101	Математика 1	6	
3	ITECH103	Ахборот технологиялари	6	
		Гуманитар танлов фанлари	6	
4	PHIL105	Медиа фалсафа	6	
5	SDEV106	Барқарор ривожланиш	6	
6	INSP118	Ихтисосликка кириш (ЮМБ)	6	
		2-семестр	30	
7	INCH113	Умумий ва ноорганик кимё 2	6	
8	MATH102	Математика 2	6	
9	PHYS104	Физика	6	

10	ENGR114	Муҳандислик графикаси	4	
		Хорижий тил бўйича танлов фанлари	3	
11	ENGL107	Инглиз тили	3	
12	GERL108	Немис тили	3	
		Тил бўйича танлов фанлари	3	
13	ORAL109	Нутқ маданияти	3	
14	RUSL110	Рус тили	3	
15	UZBL111	Ўзбек тили	3	
		Малакавий амалиётлар	2	
16	PRAC160	Танишув амалиёти (ЮМБ)	2	
		3-семестр	30	
17	MECH206	Муҳандислик механикаси	6	
18	ORCH201	Органик кимё 1	6	
19	PHCH203	Физик кимё 1	6	
20	THPS207	Эҳтимоллар назарияси ва статистика	6	
21	SYNT315	Мономерларни синтез қилиш усуллари	6	
		4-семестр	30	
22	ORCH202	Органик кимё 2	6	
23	PHCH204	Физик кимё 2	3	
24	CHAN205	Кимёвий таҳлил	6	
25	PHCA206	Физик-кимёвий таҳлил	6	
26	EEBE208	Электротехника ва электроника асослари	6	
27	PRAC260	Ишлаб чиқариш амалиёти (ЮМБ)	3	
		5-семестр	30	
28	THED209	Кимёвий термодинамика	3	
29	GCHT302	Умумий кимёвий технология	6	
30	PROC210	Технологик жараёнлар ва қурилмалар 1	6	
31	PMOD305	Технологик жараёнларни моделлаштириш	6	
32	MTRL306	Материалшунослик	3	
33		Қўшимча фанлар	6	
		6-семестр	30	
34	PROC303	Технологик жараёнлар ва қурилмалар 2	6	
		Танлов фанлари	6	
35	ECON401	Муҳандислик иқтисодиёти	6	
36	BCFM402	Корхона ҳисоби асослари ва молиявий менежмент	6	
37	CORP403	Корпоратив бошқарув асослари	6	
38	MARK404	Маркетинг	6	
39	TENT405	Тадбиркорлик технологияси	6	
40	MNHM317	ЮМБ ишлаб чиқариш технологияси	7	
41	PRAC360	Ишлаб чиқариш амалиёти (ЮМБ)	3	
		7-семестр	30	
42	PROC304	Технологик жараёнлар ва қурилмалар 3	6	
43	DSGN406	Кимёвий ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш	6	
44	EQUP415	ЮМБ ишлаб чиқариш жиҳозлари	6	
45	POLE416	Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси	6	

46	COMP417	Полимер-композицион материаллар яратиш асослари	6	
		8-семестр	30	
47	PRAC450	Битирув олди амалиёти	15	
48	GRAD475	Битирув ишини тайёрлаш	15	
		Жами	240	

Талаба _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Регистратор _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Деканатга топширилган сана _____

Қайд қилиш санаси _____

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ

"ТАСДИКЛАЙМАН"
Тошкент кимё-технология
институты ректори

ИШЧИ ЎҚУВ РЕЖА

Таълим йўналиши:
5320400 – Кимёвий технология
(ишлаб чиқариш турлари бўйича)

Академик даража - БАКАЛАВР
Ўқиш муддати - 4 йил
Таълим шакли - кундузги
Ўқув йили - 2020-2021

_____ Б. Усмонов

« ___ » _____ 2020 й.

№	Код	Фан блоклари, фанлар ва фаолият турлари	Кредит	таълимнинг вақт оиджи, соат						Семестр	Назорат тури	Масъул кафедра
				Жами	Аудитория иши				ТМИ			
					Жами	жумладан	маъруза	амалий лаборатория				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	HNSD	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	36	1080	542	150	332	60	538			
1	MATH101	Математика 1	6	180	90	30	60		90	1	ОН,ЯН	Олий математика
2	MATH102	Математика 2	6	180	90	30	60		90	2	ОН,ЯН	Олий математика
3	ITECH103	Ахборот технологиялари	6	180	90	30	30	30	90	1	ОН,ЯН	ИАБ
4	PHYS104	Физика	6	180	90	30	30	30	90	2	ОН,ЯН	ФЭ
5	HUMS	Гуманитар танлов фанлари:	6	180	90	30	60		90	1	ОН,ЯН	
	PHIL105	Медиа фалсафа	6	180	90	30	60		90		ОН,ЯН	ИСФ
	SDEV106	Барқарор ривожланиш	6	180	90	30	60		90		ОН,ЯН	ИСФ
6	FORL	Хорижий тил бўйича танлов фанлари:	3	90	46		46		44	2	ОН,ЯН	
	ENGL107	Инглиз тили	3	90	46		46		44		ОН,ЯН	Хорижий тиллар
	GERL108	Немис тили	3	90	46		46		44		ОН,ЯН	Хорижий тиллар
7	LANG	Тил бўйича танлов фанлари:	3	90	46		46		44	2	ОН,ЯН	
	ORAL109	Нутқ маданияти	3	90	46		46		44		ОН,ЯН	Тиллар
	RUSL110	Рус тили	3	90	46		46		44		ОН,ЯН	Тиллар
	UZBL111	Ўзбек тили	3	90	46		46		44		ОН,ЯН	Тиллар
	GPRD	Умумқасбий фанлар	##	3450	1724	574	664	486	1726			
8	INCH112	Умумий ва ноорганик кимё 1	6	180	90	30	30	30	90	1	ОН,ЯН	УНК
9	INCH113	Умумий ва ноорганик кимё 2	6	180	90	30	30	30	90	2	ОН,ЯН	УНК
10	ORCH201	Органик кимё 1	6	180	90	30	30	30	90	3	ОН,ЯН	ОКваООСТ
11	ORCH202	Органик кимё 2	6	180	90	30	30	30	90	4	ОН,ЯН	ОКваООСТ
12	RHCH203	Физик кимё 1	6	180	90	30	30	30	90	3	ОН,ЯН	АФКК
13	RHCH204	Физик кимё 2	3	90	44	14	14	16	46	4	ОН,ЯН	АФКК
14	CHAN205	Кимёвий таҳлил	6	180	90	30	30	30	90	4	ОН,ЯН	АФКК
15	RHCA206	Физик-кимёвий таҳлил	6	180	90	30	30	30	90	4	ОН,ЯН	АФКК
16	GCHT302	Умумий кимёвий технология	6	180	90	30	30	30	90	5	ОН,ЯН	НМКТ, ЮМБП
17	ENGR114	Муҳандислик графикаси	4	120	60	20	20	20	60	2	ОН,ЯН,К	ООСМЖ-МА
18	MECH206	Муҳандислик механикаси	6	180	90	30	30	30	90	3	ОН,ЯН,К	ООСМЖ-МА
19	THPS207	Эҳтимоллар назарияси ва статистика	6	180	90	30	60		90	3	ОН,ЯН	Олий математика
20	EEBE208	Электротехника ва электроника асослари	6	180	90	30	30	30	90	4	ОН,ЯН	ФЭ
21	THED209	Кимёвий термодинамика	3	90	44	14	20	10	46	5	ОН,ЯН	КТЖК
22	MTRL306	Материалшунослик	3	90	46	16	10	20	44	5	ОН,ЯН	СМНКМТ,
23	PROC210	Технологик жараёнлар ва қурималар 1	6	180	90	30	30	30	90	5	ОН,ЯН	КТЖК
24	PROC303	Технологик жараёнлар ва қурималар 2	6	180	90	30	30	30	90	6	ОН,ЯН	КТЖК
25	PROC304	Технологик жараёнлар ва қурималар 3	6	180	90	30	30	30	90	7	ОН,ЯН,К	КТЖК
26	PMOD305	Технологик жараёнларни моделлаштириш	6	180	90	30	30	30	90	5	ОН,ЯН	ИАБ
27	DSGN406	Кимёвий ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш	6	180	90	30	60		90	7	ОН,ЯН,К	НМКТ, СМНКМТ, ЮМБП
28	ECON	Иқтисодий танлов фанлари:	6	180	90	30	60		90	6		
	ECON401	Муҳандислик иқтисодиёти	6	180	90	30	60		90		ОН,ЯН,К	СИМ
	BCFM402	Корхона ҳисоби асослари ва молиявий менежмент	6	180	90	30	60		90		ОН,ЯН,К	СИМ
	CORP403	Корпоратив бошқарув асослари	6	180	90	30	60		90		ОН,ЯН,К	СИМ
	MARK404	Маркетинг	6	180	90	30	60		90		ОН,ЯН,К	СИМ
	TENT405	Тадбиркорлик технологияси	6	180	90	30	60		90		ОН,ЯН,К	СИМ
	SPEC	Ихтисослик фанлари	45	1350	674	194	290	190	676			
	HMOL	Юқори молекулали бирикмалар технологияси	45	###	674	###	290	###	676		ОН,ЯН	ЮМБП
29	INSP118	Ихтисосликка кириш	6	180	90		90		90	1	ОН,ЯН	ЮМБП
30	SYNT315	Мономерларни синтез қилиш усуллари	6	180	90	30	30	30	90	3	ОН,ЯН	ЮМБП
31	CPHM316	ЮМБ кимёси ва физикаси	8	240	120	40	40	40	120	6	ОН,ЯН	ЮМБП
32	MNHM317	ЮМБ ишлаб чиқариш технологияси	7	210	104	34	40	30	106	6	ОН,ЯН,К	ЮМБП
33	EQUP415	ЮМБ ишлаб чиқариш жиҳозлари	6	180	90	30	30	30	90	7	ОН,ЯН,К	ЮМБП
34	POLE416	Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси	6	180	90	30	30	30	90	7	ОН,ЯН,К	ЮМБП
35	COMP417	Полимер-композицион материаллар яратиш асослари	6	180	90	30	30	30	90	7	ОН,ЯН	ЮМБП
	ADDD	Қўшимча фанлар	6	180	90	30	60		90	5		
36	ADDD310		3	90	44	14	30		46		ОН,ЯН	
37	ADDD311		3	90	46	16	30		44		ОН,ЯН	
			Жами ##	6060	3030	948	###	736	3030			

Танлов фанлари каталоги. Кредит таълим тизимида танлов фанлари каталоги (ТФК) мутахассисликнинг ўқув-услугий мажмуасининг мажбурий элементларидан бири саналади ва у олий ўқув юртининг Услугий Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Мутахассисликнинг ТФК талаба томонидан ўзининг ўқув траекториясини мослашувчан тарзда шакллантириш учун танланадиган фанлар рўйхатидан иборат.

ТФК олий ўқув юртининг барча йўналиш ва мутахассисликлари бўйича тузилади ва келгусида касбий фаолият турлари ҳамда ва мутахассиснинг ҳар томонлама етук кадр бўлиб шаклланиши учун зарур бўлган фанларни ўзида камраб олади. ТФК да таълим дастуридаги барча танлов фанларининг қисқа мазмуни келтирилади.

ТФК да йўналишнинг (табiiй-илмiiй ва гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фан блоклари) ёки мутахассисликнинг (умумметодологик ва мутахассислик фан блоклари) танлов фанларининг кодлари, кредитлари ва мумкин қадар пререквизитлари ва постреквизитлари келтирилади.

ТФК талабанинг шахсий қобилиятлари, ўсиш истиқболлари, ишлаб чиқаришнинг талабалари асосида эдвайзер ва деканат раҳбарлигида ШЎР тузишда қўлланилади. Талабанинг ШЎР га пререквизитлар ва постреквизитлар ёрдамида тузатишлар орқали фанларни ўрганиш траекторияси мослашувчан қилинади.

ШЎР ҳар бир талабанинг ўқув траекториясини белгилаб беради. ШЎР бутун ўқув даври учун белгиланган тартибда РО да талабаларнинг олдиндан фанларга ёзилиши тартибида шакллантирилади (Enrollment) ва ҳар ўқув йилида эдвайзернинг ёрдами билан шахсан талаба томонидан тузатишлар киритилади.

Талабанинг ШЎР декан томонидан 3 нусхада тасдиқланади ва биринчиси – ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини ҳисоблаш ва ўқув режасининг бажарилишини назорат қилиш учун деканатда, иккинчиси – якуний назорат ва аттестацияларни ташкил қилиш учун РО да, учинчиси – талабанинг ўзида сақланади.

ИЎР ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини ҳисоблаш учун асос бўлиб деканатлар томонидан барча фанларга ёзилган ва ўқиш учун тўловни амалга оширган талабаларнинг ШЎР тўплами асосида тузилади. ИЎР ректор томонидан услубий кенгаш тавсияси асосида тасдиқланади. ИЎР дарс жадвалларини тузиш ва профессор-ўқитувчилар штатини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқув режаларидаги фанларни ҳалқаро номлар асосида кодлаш мақсадга

мувофиқ. Қуйида намуна сифатида кимёвий технология йўналиши бўйича кодлаш намунаси келтирилган:

NSHD – Natural-Science disciplines and Humanities (табiiй-илмiiй ва гуманитар фанлар)

MATH – Mathematics (Математика)

ITECH – Information Technologies (Ахборот технологиялари)

PHYS – Physics (Физика)

GPRD – General professional disciplines (Умумқасбiiй фанлар)

INCH – Inorganic Chemistry (Анорганик кимё)

ORCH – Organic Chemistry (Органик кимё)

PHCH – Physic Chemistry (Физик кимё)

CHAN – Chemical Analysis (Кимёвий таҳлил)

PHCA – Physic-Chemistry analysis (Физик-кимёвий таҳлил)

GCHT – General Chemical Technology (Умумiiй кимёвий технология)

ENGR – Engineering Graphics (Муҳандислик графикаси)

MECH – Engineering mechanics (Муҳандислик механикаси)

THPS – Theory of Probability and Statistics (Эҳтимоллар назарияси ва статистика)

EEBE – Electrical Engineering and Basics of Electronics (Электротехника ва электроника асослари)

THED – Chemical Thermodynamics (Кимёвий термодинамика)

PROC – Technological processes and equipment (Технологик жараёнлар ва қурилмалар)

PMOD – Process Modeling (Технологик жараёнларни моделлаштириш)

SPEC – Special disciplines (Ихтисослик фанлари)

INSP – Introduction to the specialty (Ихтисосликка кириш)

POLY – Technology of Polymers (Полимерлар технологияси)

MATS – Material Sciences (Материалшунослик)

DCHE – Design of Chemical Enterprises (Кимёвий ишлаб чиқаришни лойиҳалаш)

ADDD – Additional disciplines (Қўшимча фанлар)

PRGR – Practices and Graduation (Амалиётлар ва битирув иши)

PRAC2 – Introductory practice (Танишув амалиёти)

PRAC4,6 – Professional practice (Қасбiiй амалиёт)

PRAC8 – Undergraduate practice (Битирув олди амалиёти)

GRAD8 – Preparation of Graduate Work (Битирув ишини тайёрлаш)

Қуйида ТФК намунаси келтирилган. Унда ҳар бир фан блокидан фақат битта фаннинг қисқа баёни (course description) келтирилган.

Тошкент кимё-технология институти

ТАНЛОВ ФАНЛАРИ КАТАЛОГИ

**Йўналиш: 5320400 – Кимёвий технология (органик моддалар ишлаб чиқариш бўйича)
Гуманитар ва табиий-илмий фанлар (HNSD)**

PHIL - Media Philosophy (Медиа-фалсафа) – 6 кредит

Медиа-фалсафа асосларини, ундан фойдаланиш тамойилларини, турли медиалар (ёзувдан то сунъий интеллектгача) нинг хусусиятларига таъсир қилишни ўргатади. Дастур қуйидаги мавзуларни қамраб олган: медиа-фалсафа; медиа – инсон имкониятларининг кенгайиши; теле кўрсатувлар маданиятида симуляция ва реаллик; оммавий маданиятда ижтимоийлик; рақамли маданият ва постколониализм; маданиятни рақамлаштириш ва сунъий интеллект; кино, мафкура ва танқид; рақамли оммавий ахборот воситалари ва маданий тафовутлар; паноптикум ва сунъий интеллект; гиперматнлилик; компьютер ўйинлари; мобиль оммавий ахборот воситалари; реклама фалсафаси; сунъий интеллект этикаси; медиа-фалсафа барқарор ривожланиш асоси сифатида; сингулярлик ва устунлик.

Умумқасбий фанлар (GPRD)**TENT - Technology Entrepreneurship (Технологик тадбиркорлик) – 6 кредит**

Стартапни ривожлантириш учун технологик билимлар ва тадбиркорлик кўникмаларини ўзаро боғлаган ҳолда тадбиркорликнинг таянч кўникмаларини ўргатади. Дастур қуйидаги мавзуларни қамраб олган: тадбиркорлик, ижодкорлик ва технологияларга кириш (технологик тадбиркорлик асослари, технологик бизнесда тадбиркорликдаги етакчилик, шахсий тадбиркорлик модели); бизнес технологиясида ижодкорлик ва имповизация манбалари (бизнес технологияларидаги креативлик, тадбиркорлар жамоасини яратиш, гуруҳда ишлаш); бизнес-дизайн технологияси (илк бизнесни ривожлантириш методологияси, бизнес-модел ишлаб чиқиш, бизнес-моделни текшириш, бизнесни технологик молиялаштириш, технологик тадбиркорликда интеллектуал мулк аспекти, инвесторларга бизнес-моделни жўнатиш).

Ихтисослик фанлари (SPEC)**POLY – Polymer Technology (Полимерлар технологияси) – 6 кредит**

Пререквизитлар: INCH1,2; ORCH3

Мономерлар ва уларнинг оралиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари, турли синфдаги полимерларни олишнинг технологик жараёнларини татбиқ этиш, полимер ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш соҳалари, полимерларни қайта ишлаш технологиялари ҳақида таянч билимлар беради. Дастур қуйидагиларни қамраб олади: полимерлар фанининг асосий тушунчалари ва номенклатураси, молекула массасини аниқлаш методлари; занжирли, радикал ва ион полимерланиш; сополимерланиш, полимерланишнинг техник усуллари; поликонденсатланиш, полибоғланиш; макромолекула реакциялари; полимерларнинг физик ҳолатлари, шишаланиш ва парчаланиш температураси; полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш технологияси; полимер пленка ва қувурлар ишлаб чиқариш технологияси; стиролнинг полимерлари ва сополимерлари; галоген сақловчи тўйинмаган углеводородлар асосидаги полимерлар; поливинилацетат, поливинил спирти, полиацеталлар, полиамидлар; акрилатлар, бўёк, елим ва тола ишлаб чиқаришнинг техник усуллари; табиий ва синтетик каучуклар; резина-техника буюмлари технологияси.

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси. Кредит таълим тизими ўқитувчиларнинг ишини сезиларли даражада ўзгартириб юборади, улар ўз олдига доим ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўз билимини ошириш, ўқув жараёнининг янги ўқув-услубий таъминотини яратиш заруриятини кўйишади. Бунда энг аввало аудиторияда фойдаланиладиган материаллар мазмунига жиддий эътиборни қаратган ҳолда талабаларнинг мустақил иши янада сифатли ва аҳамиятли бўлиши таъминланади. Талабаларнинг билиш фаолиятини, айниқса аудитория машғулотларини ташкил қилиш ва уларни бошқариш комплекс услубий ва дидактик ишланмалар бўлишини назарда тутлади.

Кредит таълим тизимида талабаларнинг қизиқишларини тўлиқ ҳисобга олиш, уларнинг таълимга бўлган қизиқишини таъминлаш, ўқитувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, турли таълим усулларини такомиллаштириш ва қўллашни, шу жумладан ўқув-услубий таъминот сифатини яхшилашни ҳам назарда тутлади. Кредит таълим тизими ҳар бир фан бўйича янги авлод дарсликлари ва ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва жорий қилишни назарда тутлади.

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси (ЎУМ) мавжуд анъанага кўра ўқув-ижодий жараёнларнинг ташкилий-услубий таъминотининг асоси ҳисобланади. Шунга мувофиқ, фанларнинг ЎУМ ни яратиш, синовдан ўтказиш, такомиллаштириш масалаларига педагогик изланишларда муҳим эътибор қаратилади. Фанларнинг ЎУМ узлуксиз таълимнинг барча бўғин ва тармоқларида ахборот муҳитини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ва ресурс билан таъминлашнинг муҳим омили саналади.

Фанларнинг ЎУМ олий таълим ДТС ва МТ, йўналиш ва мутахассисликларнинг намунавий ва ишчи ўқув режалари мазмунига мувофиқ ишлаб чиқилади ва фанларнинг асосий мазмунини ўзида акс эттиради. Буларнинг ҳаммаси талабаларнинг фанларни ва ўз ўқув траекториясини танлашини енгиллаштиришга қаратилган.

Фанларнинг ўқув-услубий мажмуаси қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган:

- аниқ мутахассисликнинг таълим дастурида ўқув фанининг ўрни ва ролини кўрсатиш;
- таълим дастурида фанлараро мантиқий боғлиқликларни амалга ошириш;
- ўқув вақтини мавзулар ва ўқув машғулотлари турлари бўйича тақсимлаш;
- талабаларнинг аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги мустақил

ишини ташкил қилиш;

- талабаларнинг билим олиш ва ижодий фаолиятини фаоллаштириш;
- ўқув ва изланиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.

Одатда, фаннинг ЎУМ намунавий дастур, ишчи ўқув дастури, глоссарий, қисқа маъруза матнлари, услубий материаллар, талабаларнинг мустақил ишлаши учун ўқув-амалий материаллар, назорат-ўлчов материаллари ва зарур адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Фаннинг ЎУМ кафедра мажлисида ва ўқув-услубий комиссия томонидан муҳокама қилинади.

Қуйида фаннинг ЎУМ нинг намунавий тузилмаси келтирилган.

1-бўлим. Наманавий дастур.

2-бўлим. Ишчи ўқув дастури (Syllabus).

3-бўлим. Глоссарий.

4-бўлим. Маъруза матни (мавзу номи, мақсади, калит сўзлар, асосий масалалар (режа) ва уларнинг қисқа мазмуни, мазмунни ифодаловчи схемалар, формулалар, жадваллар, диаграммалар ва ҳ.к., назорат саволлари, тавсия қилинадиган адабиётлар).

5-бўлим. Амалий ва лаборатория машғулоти учун услубий кўрсатмалар:

- амалий машғулоти бўйича: амалий машғулоти мавзуси, мақсади, асосий масалалар, услубий тавсиялар, амалий топшириқлар, адабиётлар, иловалар (тарқатма материаллар).

- лаборатория машғулоти бўйича: лаборатория иши мавзуси, мақсади, қўлланиладиган жиҳозлар ва материаллар рўйхати, назарий материал (зарур назарий тушунчалар ва қурилманинг конструкцияси), хавфсизлик қоидалари, ишни бажариш тартиби, ҳисобот шакллари, назорат саволлари, адабиётлар).

6-бўлим. ТМИ бўйича топшириқлар (топшириқ мавзуси, мақсади, йўриқнома (ёки водкаст), кўп сўраладиган саволлар (FAQ), топшириқ андозаси, тарқатма материаллар).

Кредит таълим тизими ТМИ ни янада юқори сифатда ташкил қилишни ва назорат қилишни талаб қилади. ТМИ реферат, кейс, кроссворд, масала ишлаш, машқ қилиш каби уй топшириқларини бажаришни ўз ичига олади. ТМИ нинг самарадорлиги унинг услубий таъминланганлигига, интернет ресурсларига ва ҳ.к. ларга кўпроқ боғлиқ.

7-бўлим. Ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишлари (ЎРТМИ - Office hours). Бу аудиторияда ўтказиладиган кредит таълим тизимидаги ўқув ишлари шаклларида бири саналади. ЎРТМИ иккита – маслаҳат ва назорат вазифаларини бажаради. ЎРТМИ бу талаба ва

Ўқитувчининг биргаликдаги иши ҳисобланади, чунки бу машғулотлар диалог режимида, масалан, тренинг, баҳс-мунозара, иш ва дидактик ўйинлари, тақдимот, кейс тузиш, шахсий ёки гуруҳ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу каби шаклларда олиб борилади.

Ҳар бир ЎРТМИ учун муайян масалаларни аниқлаштиришга, уларни кенгайтиришга, у ёки бу вазиятларни таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилишга, масала ишлашга ёрдам берадиган материаллар тайёрлаб қўйилиши зарур (кейслар, ролли ўйинлар, тестлар, кроссвордлар ва ҳ.к.).

ЎРТМИ нинг анъанавий турлари – ҳисоб-чизма ишлари, курс иши, курс лойиҳаси, ўқув кейсларидир. Бу ишлар мукамал услубий таъминотга эга бўлиши ва касбий фаолият ҳамда ҳаётий вазиятлар билан боғланган бўлиши зарур.

ЎРТМИ қуйидаги вазифаларни бажаради:

Маслаҳат вазифаси:

- ҳар бир фан бўйича талабаларнинг мустақил ишларига ёрдам бериш;
- талабага дастурий материални ўзлаштириб олиши учун иш усулларини танлашга ёрдам бериш;
- талаба учун мураккаб бўлган мавзунинг баёнини қайта эшитиш, ўқув материални мустаҳкамлаш учун амалий топшириқларни бажариш имкониятини яратиш;
- ўқув материални чуқур ўзлаштиришга ёрдам бериш;
- илмий соҳада талабанинг мустақил ишига ёрдам бериш.

ЎРТМИ нинг назорат вазифаси оралик ва якуний назорат мобайнида талабаларни ўқишга қизиқтириш мақсадида амалга оширилади. ЎРТМИ ни бажариш давомида талаба назорат ишларини бажариш учун топшириқлар олади, тьютор билан маслаҳатлашади ва баҳо олади (жорий назоратда).

Таълим жараёнини ташкил қилишнинг муҳим масалаларидан бири талабаларнинг ўзлаштиришини доим мониторинг қилишдир.

ЎРТМИ режаси қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- топшириқ мавзуси;
- мақсади;
- ўтказилиш тартиби;
- топшириқ ва саволлар;
- услубий тавсиялар, тарқатма материаллар;
- адабиётлар.

8-бўлим. Назорат-ўлчов воситалари. Буларга мавзулар бўйича назорат саволлари, тестлар, ўргатувчи тестлар, синов ва имтиҳон саволлари, кириш саволлари, комплекс имтиҳон саволлари киради.

Ишчи ўқув дастури (Syllabus) – ўқув дастурининг баёни тақдим қилинган асосий ўқув-услубий ҳужжатдир. Фаннинг силлабуси талабага ҳар семестр бошида берилади. Силлабус фаннинг батафсил ишланмаси ҳисобланиб фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилади. Силлабус аниқ тузилишга эга бўлади, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

Умумий маълумотлар:

- олий ўқув юрти номи;
- кафедра номи;
- тасдиқлаш белгиси;
- дастур номи;
- фан коди ва номи;
- кредит миқдори;
- семестр;
- вақти;
- ўқитувчи(лар) ҳақида маълумотлар;
- мулоқот манзили;
- интизомий талаблар – аудиторияда ўзини тутиш, ишни муддатида топшириши, имтиҳонга келмаслик, дарс қолдириш.

Дастур:

1) Кириш:

- фаннинг аҳамияти;
- фаннинг мақсади ва вазифалари;
- таълим натижалари;
- пререквизитлар;
- постреквизитлар;

2) Фан модуллари (машғулотлар, тақдимотлар, тарқатма материаллар ва шу кабиларни ўзида акс эттиради) – ақлий фаолиятни рағбатлантириш, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, кейс-стади, презентация, иш ўйини, машқлар (мантқий масалалар), вазиятли масалалар, анжуман, қисқа маъруза, ҳамкорликдаги интервью, хатоларни топиш каби интерфаол усулларга алоҳида эътибор берилиши керак;

- тақвимий-мавзули режалар;
- график органайзерлар;
- интерфаол ўқитиш усуллари;
- мустақил таълим шакллари;
- баҳолар тўғрисида ахборот (grades), ҳар бир баҳо учун талаб этиладиган ишлар баёни, баҳоларни аниқлаш сиёсати (билимларни баҳолаш шкаллари, талабаларнинг билимларини баҳолаш мезонлари, иш турлари

рўйхати, уларни бажариш бўйича талаблар, имтиҳон баҳоларини қўйиш мезонлари, апелляция қоидалари).

- асосий адабиётлар;
- қўшимча адабиётлар (қўшимча ўқув адабиётлари рўйхати, меъёрий-хуқуқий база, даврий нашрлар, интернет манбалари);
- маъруза ва семинар жадваллари (куни, соати, ҳар бир машғулотнинг мавзулари, тақвимий-мавзули режа, маъруза ва семинар машғулотлари режаси ва мустақил ўрганиш учун назорат саволлари, асосий адабиётлар).

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. Мос таълим йўналиши бўйича ўқув режаси ва ишчи ўқув режаларини шакллантиринг.
2. Ушбу таълим йўналиши бўйича Талабанинг шахсий ўқув режаси (Curriculum)ни шаклтиринг.
3. Таълим йўналиши бўйича Танлов фанлари каталогини тузинг.

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. МАВЗУ: КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ. (2 СОАТ)

Режа:

1. Талабанинг ахборот пакети.
2. Маълумотнома кўрсаткич.
3. Деканат ва ўқув бўлими ҳужжатлари.
4. Педагогик юклама соатлари ҳисоби.
5. Педагогик юклама топшириғи.
6. Дарс жадваллари.
7. Ўқитувчининг шахсий иш режаси.

Амалий машғулот мақсади:

Тингловчиларда кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминотини, жумладан мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси, ўқув режа ва ўқув фанлари дастурлари, танлов фанлар каталоги ҳамда фаннинг ўқув-услубий мажмуасини шакллантириш бўйича малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Амалий машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулот режаси бўйича материаллар таҳлил қилиниб, кичик гуруҳлар ёки жуфтликларда янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда берилган топшириқлар бажарилади.

Амалий машғулот бўйича материаллар:

Талабанинг ахборот пакети. Талабанинг ахборот пакети маълумотнома-кўрсаткич ва талабанинг ўқув-услубий мажмуасини (ЎУМ) ўз ичига олиб, талабанинг олий ўқув юртидаги барча фаолият турларига тегишли ҳужжатлар жамланмасини ўзига қамраб олади. Талабанинг ЎУМ унинг янги академик талабларга мослашувчанлигини, ўқитиш методикасини янада такомиллаштириш мақсадида талабалар билан мунтазам алоқада бўлиш ва олий таълим муассасаси шароитларида таълим мазмунига оид илғор тажрибаларни жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилади.

Талабанинг ЎУМ кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва декан томонидан тасдиқланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талабанинг шахсий ўқув режаси (ШЎР);
- танлов фанлари каталоги (ТФК);
- ишчи ўқув дастурлари (Syllabus);
- ТМИ, жумладан ЎРТМИ бўйича услубий кўрсатмалар;
- барча турдаги назоратлар учун тест топшириқлари;
- амалиёт учун материаллар.

Талабанинг ЎУМ намунада кўрсатилган ягона шаклда тўлдирилиши зарур. Титул варағининг орқа томонида библиографик баён ва ҳужжатнинг аннотацияси келтирилиши лозим. ЎУМ нинг библиографик баёни ҳужжат номи, тузувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, чоп этилган шаҳар, нашриёт ва йилини ўз ичига олиши лозим. Аннотация ҳажми 10 та гапдан ошмаслиги мақсадга мувофиқ.

Талабанинг ШЎР ҳар бир талабанинг алоҳида таълим траекториясини белгилаб беради ва шахсан талаба томонидан ҳар ўқув йили учун белгиланган шаклда расмийлаштирилади. Бу режалар РО га топширилади, факультет декани томонидан тасдиқланади. ШЎР нинг битта нусхаси РО да сақланади ва ўқув режанинг бажарилишини назорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади, иккинчиси – талабага тақдим этилади.

Ўқув жараёни мобайнида талабанинг ЎУМ етакчи тьюторлар томонидан маъруза ва амалий машғулотлар мобайнида фаол тарқатма материаллар (ФТМ - Handouts) билан тўлдириб борилади.

Маълумотнома кўрсаткич. Кредит-модуль тизимининг асосий фарқли жиҳатларидан бири фақат талабаларни зарур ўқув ҳужжатлари билан таъминлашдан иборат бўлиб қолмасдан, шунингдек, олий таълим муассасаси талабага олий таълим муассасаси, йўналишлар, мутахассисликлар, ўқув жараёнининг ташкил қилиниши ва билимларни назорат қилиш, мустақил ўқишга тайёрланиш, дам олиш ва ҳар томонлама ривожланиш шароитлари ҳақида тўлиқ ахборотни тақдим қилиши керак.

Маълумотнома-кўрсаткич салоҳиятли ҳамкорлар ва талабалар, шунингдек, ҳамкор олий ўқув юртларининг ўқитувчилар жамоасига ўқув ва маъмурий тадбирлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Маълумотнома-кўрсаткичдаги ахборотлар таълим жараёни ва кўшимча тадбирларнинг шаффофлигини ошириш, талабаларни мос дастурларни танлашга йўналтиришдаги ўқувчилар меҳнатини енгиллаштириш ва мамлакат олий таълим муассасасаларида ва хорижда уларнинг ўқишини режалаштириш ҳамда талабага амалий ахборотларни тақдим қилиш учун мўлжалланган.

Унда шунингдек, олий таълим муассасаси, унинг жойлашиши, талабаларнинг яшаш тарзи, қайд қилиш учун зарур маъмурий тадбирлар ҳақидаги умумий ахборотлар ва академик календар ҳам мавжуд бўлади. Унга яна шунингдек, олий ўқув юртига қабул қилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар, машғулот турлари ва назорат шакллари, ўқитиш усуллари ва технологиялари, фанларнинг кредит ҳажми ва уларнинг тузилмаси, фанларни ўқитишни ташкил қилувчи факультетлар ва бўлимлар номлари ҳам киритилган. Маълумотнома нашрига имтиҳонларни ўтказиш шароитлари ва

уларни баҳолаш, олий ўқув юртини тугатгандан кейин бериладиган академик даражалар ҳам киритилади.

Маълумотнома-кўрсаткич қуйидагилардан таркиб топади:

- Кириш.

Кириш ташкилотнинг асосий низомини, тузилмасини, даражаларини, йўналиш ва мутахассисликларини ва Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, олий ўқув юртидаги мавжуд малакаларини ўзида акс эттириши ўзида акс эттириши зарур.

- Олий ўқув юрти ҳақида умумий маълумотлар

